

Ленин партиясининг
сиёсати, унинг ақл-
идроки
ва виждони халқ
инглаётган нарсаларни,
унинг ўй-фикри,
орзу-умидларини тўғри
ифода этмоқда. Зотан,
биз партия ўзини
бағишлаган улўф
коммунизм иши
енгилмаслигига
аминмиз.

М. С. ГОРБАЧЕВ



**БЕШ ЙИЛЛИКНИ
МУДДАТИДАН
ИЛГАРИ
БАЖАРАМИЗ!**

R 496
ГУЛИСТОН
2
1986

Эжа
№4

ҲАММА НАРСА ИНСОҢ УЧУН!




П. ПАНТЮХИН. ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН.

В. ЕВЕНКО. ДУГОНАЛАР.



ЯГОНА ХЎЖАЛИК ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Шу мақоладан парча



...«Гоздро» томонидан қилинган меҳнатнинг бутун улғуворлигига ва бутун қиммати-га баҳо бериш учун Германияга бир назар ташлайлик. У ерда шунга ўхшаш ишни Баллод деган бир олим қилди. У Германиянинг бутун халқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуришнинг илмий планини тузди. Капиталистик Германияда бу план асосда қолиб кетди, куруқ қаламбозлик бўлиб, ёлғиз одамнинг иши бўлиб қолди. Биз давлат номидан топшириқ бердик, юзларча мутахассисларни сафарбар қилдик, ўн ой мобайнида (албатта, даставвал мўлжаллаганимиздай, икки ойда эмас) илмий асосда тузилган ягона хўжалик планига эга бўлдик.

Бизнинг бу иш билан фахрланишга қовуний ҳақимиз бор; энди ундан қандай фойдаланиш кераклигини тушунишим лозим, ҳозир ана шу нарсани тушунамасликка қарши кураш олиб боришга тўғри келади...

Фанни қадрлай билишга, дилетантлар ва бюрократларнинг «коммунистик» мақтанчоқлигини рад қилишга ўрганиш керак, ўз тажрибанг, ўз практикангдан фойдаланиб, мунтазам ишлашга ўрганиш керак, ахир!

Албатта, «планлар» моҳият эътибори билан шундай нарсани, улар ҳақида бениҳоя кўп гапириш ва баҳслашиш мумкин. Лекин шу ягона илмий планини ўрганишга ва уни амалий тажриба кўрсатмалари асосида ва янада муфассалроқ ўрганиш асосида тузатишга киришиш керак бўлганда, планини тузиш «принциплари» ҳақида умумий гап сотиш ва баҳслашишга йўл қўйиш керак эмас-да. Албатта, «тасдиқлаш» ва «тасдиқламаслик» ҳуқуқи ҳамisha амалдор ва амалдорлар қўлида қолади. Агар бу ҳуқуқ тўғри тушунилса ва VIII съездинг ўзи маъқуллаган ҳамда жуда кенг пропаганда қилишга тақдим қилган планини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлари тўғри изоҳ қилинса, у ҳолда тасдиқлаш деган сўзни: фалон нарса фалон вақтда ва фалон жойдан сотиб олинсин, фалон нарса қурила бошлансин, фалон материаллар тўплансин ва ташиб келтирилсин ва шу сингари ишлар қилинсин, деган буюртмалар ва буйруқлар маъносида тушуниш керак. Агар «тасдиқлаш» деган сўз бюрократларча изоҳ қилинса, у ҳолда бу сўз амалдорларнинг ўзбошимчилиги, қоғозбозлик, комиссияларнинг текшир-текшир ўйини, хуллас, жонли ишни соф амалдорларча барбод қилиш деган маънони билдиради.

Ишга тагин бошқа томондан назар солайлик. Электрлаштириш ҳақидаги илмий плани кундалик амалий планлар ва уларнинг ҳақиқатда амалга оширилиши билан айрим равишда боғлаш зарур. Бу, албатта, тамоман шубҳасиз бир нарса. Бироқ уни қандай боғлаш керак? Буни билиш учун шунга эришиш керакки, экономистлар, адиллар, статистиклар умуман план ҳақида сафсата сотмасдан, планларимизнинг бажарилишини, амалий ишимизда юз берган хатоларни, бу хатоларни тузатиш усулларини бирма-бир ўрганишлари лозим. Бундай ўрганиш бўлма-са, биз кўр-кўрона ишлаймиз. Бундай ўрганиш бўлганида, шу билан бир қаторда амалий тажриба ўрганилиб турилганида, маъмурий техникага оид жуда кичкина бир масала қолади. Бизда план комиссиялари сон-саоқсиз. Уларни бирлаштириш учун Иван Иванович қарамоғидаги идорадан икки

киши, Пал Паличга қарашли идорадан бир кишини олиш, ёки бунинг аксича қилиш, буларни Умумий комиссиясининг кичик комиссиясига қўйиш кифоя қилади. Аниқ-равшанки, бундай қилиш маъмурий техниканинг айнан ўзидир, ундан бошқа ҳеч нарса эмас. Ундай қилиб ҳам, бундай қилиб ҳам синиб кўриш, энг яхшисини таялаб олиш керак — бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ўзи кулгили...

...Ишбилармон экономист куруқ тезислар ёзиш ўрнига, фактларни, рақамларни ва маълумотларни ўрганиш устида ишлайди, ўзимизнинг амалий тажрибамизни таҳлил қилади ва: хато мана бу ерда, уни мана бундай қилиб тузатиш керак, — дейди. Ишбилармон маъмур ишни ана шундай ўрганиш асосида одамларнинг хизмат жойини ўзгартириш, ҳисоботни ўзгартириш, аппаратни қайтадан тузиш ва шунга ўхшашларни тақлиф қилади ёки ўзи бу ишларни амалга оширади...

...Халқ хўжалигимизнинг умумий планини яхшилаш нуқтан назардан бирорта жиддий ишни фақат бошланган ишни давом эттириш йўли билангина юзага чиқариш мумкин, бошқача бўлганида, бу нарса маъмуриятбозлик ёки, соддароқ қилиб айтганда, ўзбошимчилик бўлади...

«Гоздро»дан ташқарида турган коммунистлар ягона хўжалик планини тузиш ва амалга ошириш ишига икки йўл билан ёрдам бера оладилар. Агар улар экономист, статистик, адиб бўлсалар, даставвал ўзимизнинг амалий тажрибамизни ўрганишлари ва тегишли фактларни синчиклаб ўрганиш асосидагина хатоларни тузатишни, ишни яхшилашни тавсия қилишлари керак. Ўрганиш иши — олимнинг ишидир ва бунда гап кўпдан бери умумий принциплар тўғрисида бормасдан, амалий тажрибанинг ўзи устида бораётган экан, биз учун яна ўн ҳисса қимматли киши бор, у ҳам бўлса «тезислар» ёзиб, майдонга «шиорлар» ташлашга, куруқ хаёлларни тақдим қилишга ҳамма вақт шай бўлиб турган мақтанчоқ коммунист эмас, балки... ўз ишини билувчи «фан ва техника мутахассиси»дир. Фактларни билувчилар кўпроқ бўлсин, куруқ гап сотиб, коммунистик принципналлик даъво қилувчилар камроқ бўлсин.

Иккинчи томондан, агар коммунист — маъмур бўлса, унинг биринчи бурчи — буйруқбозлик қилишга берилиб кетишдан ўзини тийиш, аввало, фан ишлаб чиққан билимлар билан ҳисоблаша билиш, фактларнинг текширилган-текширилмаганигини суриштириш, бизнинг қаерда хато қилганли-

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадний журнали

№ 2 (432)

1986



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти



Ватинимиз пойтахти Москвада байрам намойиши.

Эргаш МУҲАММАД

ИСТИҚБОЛ МЕЪМОРИ

Улуғ Ленин йўригидан нур эмиб, шуур
Еришгандай, бир ёруғ тонг отмоқда букун.
Эртамизнинг режасидан дилларда хузуур,
Истиқболнинг дарчасида орзулар дуркун.

Халқлар ўзин кечагидан қудратли сезди,
Бахт қасридек энтиктириб эртам хумори —
Коммунистик партияннинг ҳар бир съезди,
Зеро, халқлар истиқболин буюк МЕЪМОРИ.

Октябрни тортиқ этган Ленин даҳоси —
Компартиям ҳар съездни ёритган офтоб.
Янгиликлар яратишнинг йўқ интиҳоси —
Онгимизда давом этар буюк ИНҚИЛОБ!

Миямизнинг қобигида яшариш-исён —
Йўқса, ахир ақлимизни босади моғор.
Гард остида қолмай деса, ҳар қандай инсон
Қўнган гарддан тозаланиб турмоғи даркор.

Яхшиямки, партиям бор зукко ва доно,
Босиб ўтган йўлимиздан чиқарар сабоқ.
Орамизда нопоқлар ҳам бўлишиб пайдо,
Эмин-эркин юра олмас — келди шундай чоқ.

Аввал, баъзан юракларда сўниб

ҳаяжон,
Боқар эдик қоғозбозу сархушга лоқайд.
Фақат танга озиқ бериб томирларда қон
Айланарди — борлигимиз гўё этиб қайд.

Кўзимизни очиб турар партия ҳар дам:
Сархушликлар тугатилди, ҳушёрлик ортди.
Кўзбўямачи кимсаларга берилди барҳам,
Юлғичлару поражўрлар жазосин тортди.

Истиқболнинг йўлини этди янада равшан,
Умид билан нурлангирди Тинчлик ишини.
Ҳам юракдан, ҳам идрокдан — ҳам ичу
ташдан
Янгилан, деб, даъват этди ҳар бир кишини.

Силкиларкан бугунимиз даъваткор рухи,
Мудраб ётган ҳаяжонни уйғотди тағин.
Юракларни қамраб олди Съезд шукуҳи —
Ҳис-туйғуга ғарқ айлади халқимиз баргин.

Халқлар ўзин кечагидан қудратли сезди,
Бахт қасридек энтиктирди эртам хумори —
Коммунистик партияннинг ҳар бир съезди,
Зеро, халқлар истиқболин буюк
МЕЪМОРИ!

гимизни (докладлар, матбуот, мажлис ва ҳоказолар воситаси билан) ўрганишга эришиш ва қилинаётган ишни ана шу асосдагина тузатишдан иборат. Тит Титичнинг («истасам тасдиқ қиламан, истасам тасдиқ қилмайман» деган тарздаги) усулларини қамроқ ишлатиш, амалий хатоларимизни кўпроқ ўрганиш керак.

Кўндан бери маълумки, одамларнинг камчиликлари кўпинча уларнинг фазилатлари билан боғлиқ бўлади. Раҳбар коммунистларнинг кўпларидаги камчиликлар ана шундай камчиликлардандир. Биз бир неча ўн йил мобайнида гоят улуғ иш қилиб келдик, буржуазияни йиқитишни тарғиб

қилдик, одамларни буржуа мутахассисларига ишонмасликка ўргатдик, бу мутахассисларни фош қилдик, улардан ҳокимиятни тортиб олдик, уларнинг қаршичилигини синдирдик. Бу иш — улуғ, оламшумул-тарихий иш. Лекин жиндай муболага қилинса, улуғворлик билан шармандагарчиликнинг ораси атиги бир қадам, деган ҳақиқат исбот қилинган бўлади. Биз Россияни ишонтирдик, биз Россияни меҳнаткашлар учун эксплуататорлардан тортиб олдик, биз эксплуататорларни бостирдик — биз Россияни идора қилишни ўрганишимиз лозим. Бунинг учун камтарликка ҳамда «фан ва техника мутахассислари» нинг амалий ишини ҳурматлаш-

га ўрганиш керак, бунинг учун ўзимизнинг жуда кўп амалий хатоларимизни иш нуқтаи назаридан ва диққат билан анализ қилишга ва уларни аста-секин, лекин тўхтовсиз тузатиб боришга ўрганиш керак. Интеллигентча ва бюрократларча манманлик қилиш қамроқ бўлсин, марказий ва жойлардаги амалий тажрибамиз бераётган ва бизга фан берган нарсаларни ўрганиш кўпроқ бўлсин.

1921 йил, 21 февраль.

* В. И. Ленин. Тула асарлар тўплами. 42-том, 399—409-бетлар.

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ



ИЛЛИК топшириқларини муваффақиятли яқунлаган Пешку районидagi чорвачилик ва дончиликка ихтисослашган «Пешку» совхоз чорвадорлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби деб топилиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ҳамда 15 минг сўмлик пул мукофоти билан тақдирландилар. Мамлакат Озиқ-овқат Программасини изчиллик билан амалга ошираётган бу ғолиб коллектив чорвачиликни рентабелли соҳага айлантириш мақсадида бор имкониятлардан фойдаланмоқда. Совхоз маъмурияти ва партия ташкилоти молхоналарни кенгайтириш, янги технологияни ўзлаштириш, ишнинг кўзини биладиган қобилиятли жонкуяр кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Совхозда кўпгина олий маълумотли агроном, зоотехник ва бригада бошқлиқлари меҳнат қилишади. Ундан ортиқ чорвадорлар аса ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув ва ўрта махсус билим юртиларида тахсил олмақдалар.

Ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида самарадорликни кескин ошириш шартлари сифатида автоматлаштириш, фан-техника ютуқларини ҳаётга дадиллик билан жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Пешкулик чорвадорларнинг меҳнат муваффақиятлари ҳам худди ана шу давр талабини тўғри англаш, ҳис этиш шарофати эканлигини эътироф этиш керак. Совхоз чорвадорлари фаолиятдан оддий бир нисол: илгари 60—70 бош қорамолга озуқа солиш қўлда бажариларди. Бу жараён механизмлаштирилгандан сўнг иш сифати яхшиланди, бу иш билан банд бўлган 10 га яқин киши бошқа юмушларга жалб қилинди.

Совхоз коллективи ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизмлаштириш борасидаги намунали ишлари учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг махсус дипломини уч марта олишга муяссар бўлди. Бу ерда сутни ҳам автоматлар ёрдамида соға бошладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Май (1982 йил) пленумида «СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат Программаси» нинг қабул қилиниши меҳнат коллективлари олдида масъулиятли вазифаларни қўйди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун халқ хўжалигининг барча тармоқларида мавжуд бўлган резервлардан сама-

рали фойдаланиш, ишлаб чиқаришда энг юқори кўрсаткичларга эришиш талаб этилади. Озиқ-овқат Программасида ўн иккинчи беш йилликнинг охирига бориб, аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш анча ўсиши, гўшт ва гўшт маҳсулотлари 70 килограммга, сут ва сут маҳсулотлари 330—340 килограммга етказилиши лозимлиги айтилган.

Халқимизнинг маъмурчилигини таъминлаш учун «Пешку» совхозида ибратли ишлар қилинмоқда.

— Чорвадорларимиз орасида тўғри ташкил этилган социалистик мусобақа ютуқларимиз гарови бўлмоқда, — дейди совхоз директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор Акрам Ҳақимов. — Мусобақа ғолиблари ҳар ойда рағбатлантириб борилади.

Кейинги йилларда бу ерда, чорвачиликни ривожлантириш борасида бир катор тadbирлар амалга оширилиб, қувончли натижаларга эришилди. Энг муҳими, чорва озуқасининг негизи ҳисобланган дағал хашак, сенаж, беда, кўк масса тайёрлаш планлари ортиги билан бажарилди. «Сигирнинг сутни — тилида» деганларидек, чорвадорлар ем-хашакдан тежаб-тергаб фойдаланишга, говмишлар парваришига алоҳида эътибор бераётирлар. Маҳсулдорлик йилдан-йилга ошиб бормоқда. Утган йили совхозда ҳар бош соғин сигирдан 3 минг 850—3 минг 900 литрдан серқаймоқ сут соғиб олинди. Бу ерда йиллик эришилди тилда чорвачилик комплекслари барпо этилаётганлиги ҳам совхоз маъмуриятининг айна бу соҳага эътибор билан қараётганлигидан далолатдир. Эришилаётган ютуқларнинг сирини шундаки, совхозда наслдор молларни боқиш ва асраш намунали ташкил этилган, фермаларга малакали мутахассислар раҳбарлик қиладилар.

Сўхбатимиз оқими ем-хашак базаси ҳақидаги мавзуга кўчган давр совхоз директори маккажўхорилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Жалил Алиевнинг номини фахр билан тилга олди. Узининг ҳалол меҳнати билан эл назарига тушиб, иззат-обрўга сазовор бўлган бу бригада бошлиғи билан учрашиб, унинг меҳнатда эришаётган ютуқлари, келгусидаги ўй-режалари билан қизиқдик.

— Бригадамиз аъзолари уч йилдан буён ҳар гектар экин майдонидан 90 центнердан ошириб «қажрабо дон» етиштиряпти. Биз ўз фаолиятимиз давомида фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини амалда кенг қўллаётгани-

миз учун бундай муваффақиятга эришаётганимизни яхши биламиз. Маккажўхори чорвачиликда энг тўйимли озуқалардан бири ҳисобланади. Ундан юқори ҳосил етиштириш учун экин майдонларининг унумдорлигини ошириш керак. Буни ўз тажрибаларидан билган маккажўхориқорлар киши фаслида далаларга кўплаб миқдорда маҳаллий ўғит чиқардилар, — дейди Жалил Алиев биз билан сўхбатда. — Ҳар бир гектар майдон қарийб 12 тоннадан ортиқроқ табиий ўғитлар билан озиқлантирилади. Биз, 88 гектар ерга «ВИР—33 ТВ» навли «қажрабо дон» экамиз. Экинлар қатор ораси чуқур ва майин қилиб культивация қилинади. Рисолат Рамазонова, Мақсуда Турсунова сингари ишчиларимизнинг фидокорона меҳнатлари туфайли ўн биринчи беш йилликнинг яқунловчи йилидаги план ва мажбуриятларимизни шараф билан бажариб, мўл-кўл чорва озуқаси жамғаришга эришдик. Шунингдек, келгуси йил ҳосили учун ҳам 500 килограммга яқин уруғлик дони ғамлаб қўйганмиз. Дарҳақиқат, совхоз ишчи-хизматчилари КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди шарафига улкан мақсадларни кўзлаб, кўтаринки рўнда меҳнат қиляптилар. Совхоз чорвадорлари ўтган йили давлатга 400 тонна сут, 82 тонна гўшт, 50 минг дон тухум, 2 минг 350 тонна «қажрабо дон» етказиб бердилар. Август ойининг жазирамасида 50 нафар комсомол йилгит-қиз Варахша, Қорақир массивларидан 40—45 тонна-

дан ошириб дағал хашак тайёрладилар. Феруз Саидов, Тўймурод Нуриллаев, Абдулла Худойбердиев каби ташаббускор комсомол-ёшлар дағал хашак жамғаришда тенгқурларига ўрناк бўлиб, фидокорона меҳнат қилдилар.

«Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройли» деганларидек, совхоз чорвадорларининг фидокорона меҳнатлари эвазига турмушлари ҳам кун сайин гўзаллашиб, фаровонлашиб борапти. Совхознинг 120 нафар чорвадори янги типда қурилган уй-жойларда истикомат қиляпти. Утган йилнинг ўзида 20 та хонадон ана шундай янги уйларда ҳовли тўйларини ўтказишди. Совхоз чорвадорлари турмушини янада фаровонлаштириш мақсадида истиқболли режалар ишлаб чиқилмоқда. Айни кунларда бу ерда 750 минг сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Яқинда ҳар бири 60 ўринли учта болалар боғчаси фойдаланишга топширилади. Совхоз марказидаги 60 ўринли «Гўнча» болалар боғчасида чорвадорларнинг фарзандлари камол топтоқдалар.

Байроқдор чорвадорлар съездлар йилида Варахша массивидан 200 гектар қўриқ ер ўзлаштиришга аҳд қилганлар. Бу ташаббус мамлакат Озиқ-овқат Программасини амалга ошириш йўлидаги жонбозликнинг яна бир ифодасидир.

Рашид АСЛОНОВ

Пешку



Сурхондарё область, Сариев районидagi «Коммунизм» совхозининг илғор сут соғувчилари — она-бола Ҳафизахон ва Савлохон Кенжаева.

Н. Мухаммаджонов фотоси

ЎИШЛОҚ ЧИРОЙ ОЧАДИ

ПАРКЕНГА етар-етмас катта асфальт кўчанинги ўнг томонидаги қурилиш майдонида кўзингиз тушади. Бу ерда илк бор тажриба тариқасида деворлари яхлит керамзит-бетондан тикланаётган янги турар жой массиви барпо этилмоқда. Бу ерда республикамиз қишлоқларида қурилиши мўлжалланган бундай антиқа иморатлардан бир нечтаси қад кўтариб, дастлабки кўчалар ҳам шакллана бошлаган. Қизиги шундаки, баҳс бойлашгандай кўчанинги бир тарафида, одатдагидек, гиштин уйлар, иккинчи тарафида эса яхлит керамзит бетон уйлар тикланмоқда...

Қурилиш майдонида иш қилган. Бетончилар юпка пойдеворлар қуйиш билан машғул. Тайёр пойдеворлар устига темир-бетон блоклар ўрнатилапти. Пўлат излар бўйлаб ҳаракатланаётган чорпоа кран тиним билмайди. Монтажчилар тикланган уйлاردан қолипларни ажратиб олиб, навбатдаги бино учун тайёргарлик кўришапти.

Бу ерда ҳозиргача бешта уй фойдаланиш учун тахт қилиб қўйилди. Ун икитаси қолипдан чиқарилган. Яна бештасининг пойдевори тахт. Тайёр биоларнинг ташқи деворлари хилма-хил, рангдор нақшлар билан безатилган. Уйларнинг ички деворлари миллий нақшлар билан безатилганлиги янада эътиборлидир. Умуман, безак ишларида анъанавий миллий руҳ яққол сезилиб турибди. Бошқа уйда ҳам сувоқ ва бўёқ ишлари тез суруятлар билан давом эттирилмоқда. Уларга ишлов беришда тажрибали усталар ўз маҳоратларини ишга солаяптилар. Тажриба тариқасида қурилатган бу турар-жой биоларининг ташқи кўркемлиги, ички саранжомлиги яхши таассурот қолдиради.

Қурилиш штабида бўлганимизда Ўзбекистон қолхозлар қурилиши бирлашмаси техника бошқармаси бошлиғи Виталий Константинович Ханнини қурувчилар давосида учратдик. Қурувчилар умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган «СССРни иқтисодий ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» лойиҳаси билан танишиш мақсадида бу ерга йўрилган эканлар.

Мажлис тугагач, биз ўртоқ Ханинга мурожаат қилиб, қурилиш майдонларидаги тажрибаларни ҳаётга татбиқ этишда кўзда тутилаётган мақсадлар ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Биз ҳозиргина Асосий йўна-

лишлар лойиҳаси билан танишиб чикдик, — деди у. — Лойиҳанинги Капитал қурилиш бўлимида: «Капитал қурилишининг асосий вазифаси — ижтимоий ишлаб-чиқаришни ривожлантиришга ва социал вазифаларни ҳал этишга мўлжалланган халқ хўжалигининг асосий фондларини яратишдан ва уларни жадал янгилашдан, қурилиш ишлаб-чиқаришининг самарадорлигини тубдан оширишдан иборат» эканлиги алоҳида таъкидланган. Биз турмушга татбиқ этаётган тажрибаларимиз ҳам қурилишда ўзига хос ангилдикдир. Қишлоқ жойларда яхлит бетон уйлар қуриш гоёсини биз белорус ҳамкабларимиздан ўзлаштирганмиз. Бундай уйлар лойиҳасини Ўзбекистон қолхозларо лойиҳа институти коллективи, бетон тайёрлаш технологияси, уларни қориш ва қуйиш асбоб-ускуналарини эса «Ўзбекистон қолхозлар қурилиши техникаси ташкилоти» республика лойиҳа-технологик трестининг мутахассислари ишлаб-чиқдилар. Ана шу лойиҳалар асосида бирлашмамизга қарашли Янгийўл тажриба-экспериментал заводида бетон қориш узели ва қолипларнинг тажриба наму-

уилар қурилишида эса, гарчи қурувчилар белгиланган графикдан ўзган ҳолда ишлаётган бўлсалар-да, жами ўн та уйнинг девори ҳали тўла тикланганича йўқ. Бу таққоснинг самараси ўз-ўзидан равшан. Ҳозир бундай уйлар пойтахт областининг Коммунистик районидаги «Полиотдел» қолхозида кўплаб бунёд этилмоқда. Ҳадемай бу ерда яхлит бетон уйлардан ташкил топган дастлабки турар-жой массиви пайдо бўлади. Белгиланган ҳисоб-китобларга кўра, дастлабки уй 21 иш кунинда қуриб битказилиши, қолганларининг ҳар бирига атиги 7 иш кунини сарфлангани назарда тутилган. Қурилиш ишлари жараёнида қатор тажрибалар ўтказилади. Уйларга жило беришда хилма-хил пардозлаш материаллари ишлатилади. Уйларни иссиқ сув билан таъминлашда махсус гелио мосламалар, пол, том устини ёпиш, шиферлаш ишларида темир-бетон устунлар қўлланилади. Шунда кўплаб энергия қуввати ва ёғоч материаллари тежаб қолинади.

...Бетон тайёрлаш тармоқларида иш узлуқсиз давом этади. Зарур хом ашё — керамзит кийир-

Турмуш ва маданият

налари тайёрланди. Бу қолиплар сувга чидамли ёғочлардан ишланган.

Шу ўринда анъанавий оддий бетонга қараганда керамзит-бетон деворларни тиклашда арматура симлар кам сарфланишини ҳам айтиб ўтиш лозим. Республикамиз қишлоқларида бундай усулда турар-жой биоларини қуриш камёб қурилиш маҳсулотларини кўплаб иқтисод қилиш имкони беради. Ҳозир ана шу яхлит бетон уйлар тезлаштирилган усулда барпо қилинаётир. У роғат катта иқтисодий фойда келтириши билан бирга меҳнат унумдорлигини анча ошириш имкони ҳам беради. Масалан, бирлашмада илғор қурилиш ташкилотларидан бири ҳисобланган, моддий-техник жиҳатдан яхши таъминланган Янгибозордаги 98-қолхозларо механизмлашган кўчма колонна коллективи ўтган йилнинг апрель ойида шу ерда гиштин уйларни барпо этиш ишларини бошлаб юборган эди. Монтажчилар эса яхлит бетон уйларни тиклаш ниятида дастлабки қолипларни июнь ойининг бошларига ўрната бошладилар. Қисқа муддатда ўн бешта яхлит бетон уй тиклаб қўйилди. Гиштин

чиқлари автопоездларда пешмаш пеш етказиб берилади.

Қурилиш-монтаж ишларини бирлашманинги территориял қурилиш бошқармасига қарашли 131-қолхозларо механизмлашган кўчма колоннасининг тажрибали бинокори, Ўзбекистон қолхозлар қурилиши аълочиси Рауф Ҳакимов етакчилик қилаётган бригада коллективи амалга ошираётир. Бригадага ҳар хил касбга эга бўлган 35 нафар ишчи бирлаштирилган. Ишлар пудрат усулида бажарилади. Прораб, мастер, кран ҳайдовчиси, шофёрлар ва механизаторлар ҳам бригада таркибига киритилган. Бу ерда ҳаммага пиروвард натижага қараб ягона нарсад асосида меҳнатга ҳақ тўланади. Бригада ишчиларининг меҳнат унумдорлиги бошқа оддий бригада кўрсаткичларига қараганда деярли икки баравар кўп. Бригада техника ва механизмлар билан етарли даражада таъминланган. Унга битта ҳаракатланувчи чорпоа кран, битта автокран, бир нечта юк машинаси, прицепплар ва тракторлар бириктириб қўйилган. Моддий-техника таъминоти масаласи ҳам бригада зиммасига юкланган. Бригада аъзоларидан бир

киши махсус шу иш билан шуғулланади. Бригада кенгаши ҳар бир шахснинг меҳнати қанчалик даражасини тўла ҳисобга олиб боради.

Бригада бошлиғининг ўринбосари, моҳир ишчи Е. Грипанов етакчилик қилган эвено монтажчилари ҳар бир уйни ўз муддатида монтаждан чиқармоқда. Илғор монтажчи В. Алайцев айниқса барчага намуна бўлмоқда. Таниқли уста Николай Попов раҳбарлигидаги беш кишидан иборат дурадгорлар эвено аъзолари эса монтажчиларга яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Эвено аъзоларидан Х. Тожибоев, К. Дувудбоев каби илғор дурадгорлар кунлик иш нормаларини доим ортиги билан адо этмоқдалар. Шунингдек, бетончилар эвеносидан Э. Иброҳимов, Р. Шокиров ҳам ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан кўпчиликнинг хурматига сазовор бўлаётдилар.

Бирлашмада Ҳакимовлар сулоласини кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Рауф аканинги турмуш ўртоғи, бир нечта турдош касбини мукамал эгаллаб олган Манзура опа ўттиз тўрт йилдан буюн қурилиш соҳасида умр йўлдоши билан бирга ёнма-ён меҳнат қилиб келмоқда. Шундан 24 йилдан кўпроқ муддатдан бери Ўзбекистон қолхозлар қурилиши бирлашмасида сувоқчилик қилапти. Рауф аканинги укаси Рашид пардозловчилар эвеносига етакчи. Келини, ўғли ҳам ота-оналарини касбини эгаллашган.

Ҳакимовлар қурилишда керамзит-бетон деворларга жило беришини ўзига хос янги усулнинг жорий этишапти. Улар ўзбек халқининг миллий нақш намуналарини деворларга туширишни пухта ўзлаштириб олинган. Оилавий қурувчиларни қизгин иш устида учратдик.

— Биринчи уйни тиклаш учун белгиланган 21 кун ўрнига 23 кун сарфландик. Лекин қолган уйларни тиклаш учун олти, етти кун эмас, балки беш кун ҳам кифоя қилапти. Ҳамма нарса қоришманинги ўз вақтида етказиб турилишига, ишни ташкил этиш ҳамда тартиб, интизомга боғлиқ.

Қишлоқларимиз ҳуснига хусн қўшаётган яхлит бетон уйларнинг умумий фойдали майдони 70 квадрат метрни ташкил этади. Бунга яна 18 квадрат метрли шийпонча саҳни ҳам қўшилади. Шунингдек, уйлар олдида 11 сотихлик томорқа мавжуд.

Умуман, қурилиш муддатини қисқартириш, оғир кўл меҳнати ни механизмлар ёрдамида бажариш, уй қуриш ишида керамзит-бетон деворлардан фойдаланиш, камёб бинокорлик материалларини кўплаб иқтисод қилиш натижасида яхлит бетон уйлар қиммати гиштин уйларга нисбатан 15—20 миң сўм арзонга тушмоқда. Бу эса республикамиз қишлоқ аҳли фаровонлигини янада оширишга қўшилаётган муносиб ҳиссадир.

Алланазар ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон қолхозлар қурилиши бирлашмаси маъбуот марказининг муҳбири

ВАТАН ҲИМОЯСИДА ҲАМИША СЕРГАК

Н. И. ПОПОВ,

Қизил Байроқ ордени Туркистон Ҳарбий округи кўшинлари қўмондони,
генерал-полковник

СОВЕТ Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунини совет кишилари, чет эллардаги дўстларимиз ҳар йили тантана билан нишонлайдилар. Бу — Улуғ Октябрь галабаларини Ҳимоя қилиш учун тузилган Совет Қуроли Кучларининг буюк хизматлари ва этилганлигини далолатларидир.

Мураккаб халқро Ҳарбий-сиёсий шароитда СССР Қуроли Кучлари социалистик Ватанимизнинг, дўстларимиз ва иттифоқчиларимизнинг хавфсизлигини ишончли тарзда таъминлаб, империализмнинг агрессив интилишларини жиловлаб келаятир.

Армия ва флотнинг 68-йиллиги юксак сиёсий фаоллик шароитида нишонланмоқда. КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик ишлари кучайтириб юборилди, буюк назарий ва сиёсий аҳамиятга молик съездодли ҳужжатлари чинакамга умумхалқ муҳокамасидан ўтмоқда. Совет кишилари ўз сўзлари ва амалий ишлари билан партиянинг мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган стратегик йўлини изчил қўллаб-қувватламоқдалар.

Қуроли Кучларнинг жангчилари совет халқининг ниятлари ва интилишлари билан яшамокдалар. Улар Армия ва Флотнинг жанговарлик қудратини янада мустаҳкамлаш, социализм галабаларини ҳар қандай агрессор тажовузидан қатъият билан Ҳимоя қилишни ўзларининг муқаддас бурчлари деб биладилар.

Мамлакатни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва унинг мудофаа қудратини таъминлаш йўлидаги муштарак мақсадлар, вазифалар ва ишлар Туркистон жангчилари билан Ўзбекистон меҳнаткашларини бирлаштириб туради. Бу бирликнинг мустаҳкамлиги социалистик тузумимизнинг моҳиятидан келиб чиқади.

Ватанимизнинг мудофаа қудратини таъминлашда биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, Республика ҳукуматининг, партия ва совет органлари, жамоат ташкилотлари, барча меҳнаткашларнинг доимий кўмагига таянаемиз. Бу ёрдам барча соҳаларда — жангчиларнинг юксак жанговарлигини қўллаб-қувватлашда, Ҳарбий шарҳчаларни ободонлаштиришда, Ҳарбий қисмлар, госпиталлар билан оталик муносабатларида ҳамда шахсий составнинг турмуши, бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш

каби турли-туман ҳаётини масалаларни ҳал этишда кўринади.

Совет Қуроли Кучлари 1918 йилда партия ва халқ томонидан ягона бир мақсадни қўлаб — инқилоб галабаларини Ҳимоя қилиш, Совет ҳокимиятини ташқи ва ички контрреволюция хуружларидан асраш ниятида тузилган эди. Мураккаб шароитларда — граждандар уруши ва Ҳарбий интервенция шароитида ўзининг синфий руҳи ва кўзлаган мақсадлари жиҳатидан бутунлай янгича бўлган Қуроли Кучларнинг тузилиши В. И. Лениннинг, Коммунистик партиянинг чинакамга буюк хизматларидир.

Чет эл интервентларининг сараланган тўдалари ва уларнинг малайлари — оқ гвардиячиларнинг батамом тор-мор этилиши ёш Совет давлатининг яшовчан қудратга эга эканлигини, инқилобий, чинакамга халқ Қуроли Кучларининг енгилмаслигини кўрсатди.

Граждандар уруши тугаши биланоқ совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида эзгу мақсадини — мамлакатни сифат жиҳатидан янги, социалистик асосда қуришни рўйбга чиқаришга киришди.

Мамлакатни индустриллаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, фан ва техникани рағбат топтириш, СССР халқлари дўстлигини, совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлигини мустаҳкамлаш натижасида социализм қурилиши таъминланибгина қолмади, балки буларнинг барчаси мамлакатнинг мудофаа қобилиятини, Совет Қуроли Кучларининг жанговар қудратини кучайтириш учун программавий асос бўлиб хизмат қилди.

Тинч қурилиш йилларида партия В. И. Лениннинг доимо сергак туриш лозимлиги, урушдан муҳофаза қилинганми, деб ҳеч қачон хотиржамликка берилмаслигимиз кераклиги ҳақидаги кўрсатмасини бирор дақиқа бўлсада унутмади. Уша йилларда уруш хавфининг кучайиб бораётганлигини реал баҳолаган ҳолда партия ва ҳукуматимиз Қуроли Кучларнинг Ҳарбий тайёргарлигини янада кучайтириш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун зудлик билан чора-тадбирлар кўришга мажбур бўлдилар.

1941 йилнинг 22 июнида фашистлар Германиясининг Ватанимизга бостириб кириши билан бошланган Улуғ Ватан уруши совет халқи ва унинг Қуроли Кучлари учун бемисл оғир синов даври бўлди.

Ер қуррасидаги барча эрксевар халқлар-

нинг нигоҳи ва умиди Совет Иттифоқида қаратилди. Октябрь Ватани бу умидларни оқлади. Совет кўшинлари Украинада, Белоруссияда, Молдавияда, Болтиқбўйи ва Заполярьёда гитлерчи босқинчиларга кетма-кет қақшатқич зарбалар бериб, она тупроқни фашист маразларидан тўла озод қилдилар ҳамда Европанинг босиб олинган мамлакатларини қора вабо асоратидан тозалашга киришдилар. Душманнинг ўз уясида батамом тор-мор келтирилиши Совет Қуроли Кучлари интернационал миссиясининг тантанавор якуни бўлди. Унинг кетидан Япония милитаризмининг бош зарбдор кучи — Квантун армиясига ҳам ўнғарилмас зарба берилди.

Совет Иттифоқининг барча миллатлари ва элатлари Социалистик Ватан учун фидокорона жанг қилдилар. Ўзбекистоннинг ўғил ва қизлари ҳам буюк жанглар солномасига қўллаб ўчмас саҳифалар битдилар. 120 мингдан зиёд киши орден ва медаллар билан тақдирланди, 180 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Иккинчи жаҳон урушининг муҳим таркибий қисми бўлган Улуғ Ватан урушида совет халқи ва Қуроли Кучларимизнинг галабаси марксизм-ленинизм идеологиясининг ғолибиятини, совет жамиятининг иқтисодий, сиёсий ва Ҳарбий жиҳатдан сўзсиз устунлигини, совет Ҳарбий фани ва совет Ҳарбий санъатининг ижодий характерда эканлигини бутун жаҳон олдида намойиш этди.

Фашизм устидан қозонилган Галабада совет халқининг маънавий-сиёсий бирлиги муҳим роль ўйнади. Совет кишиларининг ғоявий эътиқоди уларнинг юксак маънавий-жанговар фазилатларида, жанг майдонлари ва фронт ортидаги қаҳрамонона фаолиятларида моддийлашди. Энг оғир синов йилларида ленинча миллий сиёсат ўзининг ҳаётийлиги ва қудратини намойиш этди.

Коммунистик партия совет халқини галабасари илҳомлантирди. Партия раҳбарлиги эришилган галабанинг бош омиллири. Ленинчасига олисни қўлаб, дадил ва қатъият билан ҳаракат қилган партия социалистик тузумнинг қудратли имкониятлари ва афзалликларини ҳаракатга келтира ва реализация қила билди. Варча ишларни Ҳарбий асосда қуриб ҳамда бутун мамлакатни ягона жанговар лагерга айлантириб, партия ягона сиёсий, иқтисодий ва стратегик раҳбарликни амалга оширди.

Совет халқи ва Қуроли Кучларимизнинг халқро империализмининг зарбдор отрядла-

ЛЕНИН И СОВЕТСКИЕ ВООРУЖЕННЫЕ СИЛЫ



Суратда: жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси, комсомол аъзоси олий солдат А. Ҳакимов. А. Наймушев фотоси

ри устидан галабаси ниҳоятда буюк тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди. У бутун ер юзиде социал-сиёсий ўзгаришлар тўлқинини кучайтириб юборди, халқро майдонда синфий кучларнинг жиддий суратда ўзгаришига олиб келди.

Капитализмнинг умумий позициялари кучсиланди, унинг таъсир доираси эса торайди. Қатор мамлакатларда социалистик революциянинг галабаси натижасида социализм бир мамлакат доирасидан чиқиб, жаҳон системасига айланди. Коммунистик ва ишчилар ҳаракати янги босқичга кўтарилди. Миллий-озодлик ҳаракатининг кучайиши натижасида мустамлакачилик империяси инкирозга юз тулди. Натижада урушдан кейинги йилларда жаҳон харитасида 100 га яқин янги мустақил мамлакатлар пайдо бўлди. Ана шу рўй берган барча ўзгаришлар ҳар қандай агрессор учун жиддий оғоҳлантиришдир. Бу ўзгаришлар империализмнинг ҳарбий куч воситасида социализм билан тарихий мусоҳабани ўз фойдасига ҳал этиш истаги ниҳоят даражада истиқболсиз эканлигидан далолатдир.

Энг қажатлигич урушлардан бирида халқаро-тарихий галабани қўлга киритган совет халқи айни пайтда ўша кунларнинг реал ҳолатини кўздан қочирмаслиги, ҳушёрлигини бўшаширмалиги зарур эди. Урушдан кейинги иқтисодий тикланишнинг оғир машаққатларини енгиб ўтган совет халқи мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ҳам мажбур бўлди. Мазкур ҳар икки вазифа Ленин партиясининг раҳбарлиги остида муваффақият билан ҳал этила бошланди.

80-йилларнинг арафасида империализм, сионизм ва реакция кучларининг айби билан жаҳонда нотинч вазият юзага келди. АҚШ маъмуриятининг бузғунчилик сиёсати ўз ривожининг янги хавфли босқичига кўтарилди. СССР ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қарши ўз моҳият-эътибори билан иқтисодий, мафкуравий ва психологик уруш очган АҚШ халқро позицияларимизга раҳна солишга, социалистик мамлакатлар бирлигига путур етказишга, социализмни ижтимоий система сифатида қоралаш ва обрўсизлантиришга уринмоқдалар.

Ана шу мақсадлар йўлида турли-туман

сиёсий, иқтисодий, мафкуравий диверсиялар ҳамда ошқора ҳарбий қўлорувчилик ишлари режалаштирилмоқда ва амалга оширилмоқда. Гренадининг суверенитетини оёкоти қилган ҳолда АҚШ ана шу кичкинагина мамлакатда ўзларига зарур бўлган режимни ўрнатди. Никарагуа ва Лотин Америкасидаги бошқа мамлакатларга нисбатан ҳам худди ана шундай реал агрессия хавфи мавжуд.

Америка империалистлари Исроилнинг сионист бошлиқлари билан биргаликда Ливанда қабих ишларни амалга ошириб, Сурия ва бошқа араб мамлакатларига қарши қўпол равишда тажовузкорлик сиёсатини ўтказишда давом этмоқдалар. Эрон-Ироқ можаросидан фойдаланган ҳолда улар Форс кўрфазиде ҳарбий кемаларни шай қилиб турибдилар. АҚШ, аввалгидек, Афғонистонга қарши эълон қилинмаган урушни давом эттирмоқда. У ҳар хил йўллар билан Чили, Покистон, Жанубий Кореядаги диктаторлик режимларини қўллаб-қувватламоқда.

Узини гўё тинчлик тарафдори деб атаган АҚШ аслида янги урушга мисли кўрилмаган тайёргарликини бошлаб юборди. Яқин беш йил ичида (1985—1989 йиллар) унинг ҳарбий харажатлари миқдори 2 триллион долларни ташкил этади.

АҚШ президентининг топширигига биноан ишлаб чиқилган «1984—1988 молия йиллари учун мудофаа соҳасидаги директива» Америка ҳарбийларининг тўб ниятлари қанчалар хавфли эканлигини кўрсатди. Мазкур расмий ҳужжатда «социализмни ижтимоий-сиёсий система сифатида йўқ қилиш» асосий мақсад қилиб қўйилади.

«Самовий урушлар» программаси зўр бериб ишлаб чиқилаётир. Америка маъмуриятининг милитаристик сиёсий йўли, унинг ҳарбий устунлика эришиш учун зўр бериб уриниши, ҳозирги даврнинг реал ҳолатини инкор этишдаги империячилик кутқулари бутун жаҳонда урушга қарши мисли кўрилмаган ҳаракат тўлқинларини жунбишга келтирди.

Инсоният уруш оловини ёқувчиларни жидловлаб, ер юзиде ҳаётни химоя қилишга қодир эканлигидан тарихий тажриба сабоқлари далолат беради. Бу борда жаҳон халқлари ҳозирги пайтда иккинчи жаҳон уруши арафасидагидан кўра кўпроқ куч ва имкониятларга эгадир. Совет Иттифоқи бош-

чилигидаги социалистик мамлакатлар ҳамдўстлиги империализмнинг агрессив ниятларига қарши қурашда тинчликсевар кучларнинг ишончли таянчидир. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Софийдаги Баёнотида қайд этилганидек, социалистик мамлакатлар ҳарбий устунлика интилмайдилар, лекин ҳарбий устунлика эришишларига йўл ҳам қўймайдилар.

Партияимизнинг янги тахрирдаги Программаси лойиҳасида шундай дейилади: «КПСС СССРнинг Қуроли Кучлари империализм кучларининг стратегик устунлигини йўқ қиладиган даражада бўлиши учун, совет давлатининг мудофаа қобилияти ҳар томонлама такомиллашуви учун, қардош социалистик мамлакатлар армияларининг жанговар ҳамдўстлиги мустаҳкамланиши учун бутун кучини сарф этади».

Социалистик Ватанни химоя қилиш ҳақидаги ленинча ўлмас таълимот партиямиз ҳарбий сиёсатининг асосини ташкил этади. Ана шу таълимотга амал қилган ҳолда партия Совет Қуроли Кучларининг тузилиши, мамлакат қудратини мустаҳкамлаш, совет кишиларини ватанпарварлик ва социалистик интернационализм руҳида, Совет Ватани, социалистик жамят манфаатларини химоя қилишга доим тайёр туриш руҳида тарбиялашнинг назарий ва амалий масалаларини ижодий равишда ҳал этади.

Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғажурлиги ва эътибори туфайли, барча совет кишиларининг мардонавор меҳнати натижасида Қуроли Кучларимиз ҳозирги пайтда ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни адо этиш учун ҳамма зарур воситаларга эга. Энг замонавий қуроллар ва ҳарбий техника Ватан химоячиларининг ишончли қўллариде.

Қуроли Кучлар сафларидаги шахсий состав Ватан ва халқ ишига ҳамиша содиқ. Ҳозирги пайтда деярли барча ҳарбий хизматчилар олий, ўрта, тўлиқсиз ўрта маълумотлидирлар. Офицерларнинг 70 проценти олий ҳарбий ва махсус ҳарбий тайёргарликка эга. Жангчиларимиз юксак даражада маънавий-сиёсий ва жанговарлик сифатларини ўзларида мужассам этганлар.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Июнь пленумида таъкидланганидек, бизнинг совет ёшларимиз армия хизматини яхши

ўтамоқдалар. Ватан талаб қилганида эса, улар интернационал бурчага оталар ва болаларнинг шон-шухратларига муносиб тарзда ҳақиқий жасорат кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон Армия ва Флотга муносиб фарзандлар етказиб бераётир. Республика тобора маълумотли, гоёвий чиниққан, техникани пухта билган ёшларни Қуролли Кучлар сафларига йўлламоқда. Виз бугунги кунда ўзбек жангчиларини ракетачилар ва учувчилар, мотоўқчилар ва танкчилар, артиллериячилар ва алоқачиларнинг сафлариди учратамиз. Уларнинг кўпчилик қисми ҳарбий ишни яхши эгаллаган бўлиб, жанговар ва сиёсий тайёргарлик бўйича юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар.

КПСС XXVII съездига тайёргарлик, Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқи эришган Ғалабанинг 40 йиллиги тантаналари ўсиб келаётган ёш авлоднинг социализм тақдирини ўқиб-ўқиб масъулият туйғусини кучайтирди, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларидаги ташаббусликни оширди. Бу ишларнинг самаралари уларнинг ижодий ташаббускорлиги ва сиёсий фаоллиги янада кучайганлигида кўринади.

Бироқ эришганларимиз ҳали етарлича эмас. Оммавий-мудофаа ишлари, ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг кўлами ва даражаси, уларни армия хизматида тайёрлаш ҳамма ерда ҳам партия талабларига, халқаро ва ҳарбий-сиёсий шароит талабларига тўла жавоб беравермайди.

Марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш, Коммунистик партия ишига чексиз садоқат, революцион куч-ғайрат, совет ватанпарварлиги ва интернационализи, ҳозирги халқаро аҳволни унинг мураккаб қирралари билан чуқур тушуниш, синфий зийраклик, империализм агрессорларига нисбатан ўтли нафрат, социализм ғалабаларини химоя қилишга ҳаминча шай туриш каби фаилатларни ёшларимиз онгига доимо сингдириб бориш ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг муҳим жиҳатларидир.

Ҳозирги замон шароитида ҳарбий хизматнинг социал аҳамияти кучайганлигини, совет офицерининг ижодкорлик меҳнати ва армия ҳаётининг сурурини, жангчиларимизнинг шу кунлардаги қахрамонлиги ва матонатини ёшлар ўртасида жонли ва чуқур тушунтириб

бориш лозимлигига эътиборни тортишни истардик.

Армияга чақирилувчи ёшлар ўртасида бошланғич ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия савиясини кучайтириш масалалари ҳам муҳимдир. Ўсимирлар ва ёшларни доимий суратда спорт машғулотларига фаол жалб этиш натижасида уларда мардлик, матонат, қатъият, чаққонлик, чидам ва сабот каби бўлажақ жангчи хос зарурий фазилатлар қарор топади.

Ёшлар ўртасида оммавий-мудофаа ишларини, ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини яхшилаш ва уларни армияда хизмат қилишга тайёрлаш ишлари маҳаллий партия ва совет органларининг, ВЛКСМ комитетларининг, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ва спорт, ДОСААФ ташкилотларининг қисми ва бўлими командири, сиёсий ходимлари, ҳарбий комиссариятлар билан ўзаро алоқаларини янада кучайтиришни талаб этади.

Округ кўшинларининг кўп миллатли составида рус ва ўзбек, украин ва туркман, белорус ва қозоқ, молдаван ва грузин елкамаелка турган ҳолда Ватанимизнинг жанубий чегараларини қўриқламоқдалар. Улар ҳарбий фан сирларини эгаллай бориб, урушда зарур бўладиган барча нарсаларни ўрганишдан иборат ҳарбий тайёргарликнинг асосини белгиловчи принципни ҳаётга самарали татбиқ этмоқдалар.

Партия ва халққа чексиз содиқ Туркистон округи жангчилари ўз ихтиёрларидаги ҳарбий техника ва қурол-яроғларни қатъият билан эгалламоқдалар, дала машқларида чиникиб, шонли революцион ва жанговар анъаналарни давом эттирмоқдалар ва бойитмоқдалар. Улар Ватаниннинг биринчи буйруғи биланок унинг манфаатларини, озодлиги ва мустақиллигини химоя қилишга ҳаминча тайёр. Улар жанговар тайёргарликни янада кучайтириш, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш, жанговар навбатчиликда ҳушёрликни ошириш — она-Ватан олдидаги фарзандлик бурчини шараф билан ўташ эканлигини яхши биладилар.


Ватанпарварлик ва интернационал бурча ҳаминча содиқ Совет Қуролли Кучлари КПСС атофида янада маҳкам жипслашган ҳолда Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг иттифоқдош армиялари билан бундан буён ҳам жанговар ҳамкорликда социализм ва тинчлик химоясида сергак ва мустаҳкам тураверадилар.



Суратда: комсомол ташкилотининг секретари, гвардиячи лейтенант С. Емельяненко қисм жангчилари орасида.

А. Наймушин фотоси

ШУҲРАТ



ҲАЁТ ҚАДРИ

Бу ҳаёт қадрини кексадан сўра,
Паст-баланд йўллардан ўтган бўлади.
Ҳаётнинг завқини ёшлардан сўра,
Кўлида даста гул тулган бўлади.

Баҳорнинг кўркини кўзлардан сўра,
Гулларни очирган уларнинг дарди.
Юлдузлар чакнаган кўзлардан сўра,
У ёруғ йўлларни интиқ кутади.

Шўхликни болалар билди яхши,
Хавф-хатар доимо қалтис йўлдоши.
Сафарга чиқмаса билмайди киши,
Қаерда йўлларнинг охири-боши!

Бу ҳаёт — бир жумбоқ,
Мураккаб жумбоқ.
Ҳар умр ўзича жавоб топади.
То жавоб топгунча интилиб ҳар қоқ
Гоҳ ўйга толади, гоҳо чопади!

Бу ҳаёт шунақа: аччиғу ширин,
Ҳар они кишига жондек яширин!

ЖАСОРАТ

Анави тошга бок; метиндан метин!
Орасин таре ёриб чиқибди арча.
Арчанинг ҳаётга бўлган шиддатин,
Шунчалик вўрлигин билмайди барча!

Накадар жасорат!
Қойилман, балли!
Кўшга буй чўзиб яшайвер, ботир!
Кўп қаттиқ синов бор олдинда ҳали.
Ҳар жангга шундайин журъат билан
кир!

Ҳаётнинг олқиши мардларга доим,
Кўрқоқни табриклар гул тугибди ким?!

Бахтим шулки, сенга керакман,
Фидойингман, севган юракман.
Ишқ саройи солгудек бўлсанг,
Устунликка лойиқ теракман!

Бахтим шулки, сен бор оламда,
Таърифингни ёдим қаламда.
Куйга солиб айтади эл-юрт
Гоҳ боғларда, гоҳо даламда.

Шу кўшиққа қулоқ сол, дилдор,
Шу кўшиқда бутун дардим бор.
Шояд раҳминг келсаю шунда
Йўлларимга кўз тутсанг зор-зор!

Лочин бўлиб учиб борардим,
Сен қол, десанг, жон деб қолардим.
Икболингни ёзиб умрбод
Минг бор куйга ўзим солардим.

Бахтим шулки, сен бор оламда,
Бағрим ёнмас аччиқ аламда.
Кўнглим тўқир, жилла бўлмаса,
Номинг қолур ёзган қаламда!

Бахтим шулки, сен бор оламда...

МАРДЛИК-МАНГУЛИК



«Кун заптига олиб қиздирарди. Чоғроқ арава сиккулик тупроқ кўча бўйида тўрт — бешта сарпойчан бола Нарпай канали томон чошиб қолардик. Бу йўлдан аравалар, отулов, пода тинимсиз қатнайвергани учун майинлашиб кетган тупроқ тўпигимизгача чиқиб кетарди. Оёқларимиз куяётгани учун соҳилга тезроқ етишга ошиқамиз. Ариққа етганимизда оқ ятакли, соқоли кўксига тушган тегиримончи чолга дуч келдик. Чол ариқ бўйидаги дўнгликда чўнкайиб ўтирарди. Бизни кўриб ўрнидан турди, сўнгра кўлини паҳса қилиб койий кетди:

— Қиладиган ишларинг йўқми, қоқ тушдаям тинмайсанлар. Амирнинг сарбозлари қишлоқ орабал юрибди. Ҳақназарни ўласи қилиб калтаклаб кетди, ер тишлагурлар, — деди у.

Болалар ялт этиб менга қарашди. Мен амирнинг одамлари калтаклаб кетган Ҳақназарнинг ўғли эдим. Отам Зирабулоқ темир йўл станциясида рус ишчилари билан ишлагани учун ҳамма уни орқаворотдан ёқтирмасди.

— Эй, сен ҳам шу ердამисан? Чоп отаннинг олдига...»

...Республика миқёсидаги шахсий пенсионер, 1928 йилдан КПСС аъзоси, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани Абдуназар Ҳақназаровнинг болалиги шундай тугаган эди.

Еш Абдуназар отасининг яқин дўсти, Зирабулоқ темир йўли ишчиси Матвей Дорошченконинг таъсирида улгайди. Унинг онгида янги турмуш учун курашиш гоёси шаклланишида ўзи ишлаган Зирабулоқдаги бухоролик Наимбойга қарашли пахта заводи ишчилари инқилобий уюшмасининг таъсири катта бўлди. Бу ҳақда Абдуназар Ҳақназаров шундай эслайди:

— Акбарбойнинг эшигида малайликда юриб, бирим икки бўлмагандан сўнг, бу даргоҳни тарк этдим. Уйга қайтгач, онамдан Дорошченконинг уйимизга бир неча марта келиб кетганини, мен йўқ пайтимда оиламизга нон, қанд-курс билан қарашиб турганини эшитдим. Отам вафотидан кейин йўқчилик оиламизни танг аҳволга солиб қўйган эди. Бир гал Дорошченко келиб, мени ўзи билан 80-сон пахта заводига олиб борди. У ердаги одамлар мени илиқ қарши олдилар, ишга жойлашишимга ёрдам қилдилар.

Ушанда Матвей амаки дўстларига мени таништираётди:

— Мана, сизларнинг даврангизга яна бир пролетарни олиб келдим, ишончли йигит, — деди.

Улар мендан Акбарбой ҳақида сўрадилар. Қизиқчилик қилиб ўтирган озгингина киши мени гапга солди:

— Ука, бойинг қанақа одам эди, семизмиди ёки менга ўхшаганмиди?

— Акбарбой жуда семиз одам, сиз унинг олдига хасдайсиз, — дедим жиддий.

Ҳаммалари бирдай кулиб юборишди.

— Нима учун шундай экан-а? — яна гап қотди кимдир.

— Қўйи кўп, егани гўшт-ёғ...

— Баракалла, ана шу бойликлар ҳаммаси сенга ўхшаганларнинг пешона теридан пайдо бўлган, — деди ўша озгин киши.

Шундай қилиб, мен уларнинг даврасида бегона эмаслигимни сездим.

Кейин эҳтиёткорлик билан менга топшириқлар бера бошладилар. Менинг вазифам ишчилар гавжум бўладиган жойларга, бозор, чойхоналар яқинига Самарқанддан, Каттақўрғондан келтириладиган «Хушёрлик» varaқаларини ёпиштиришдан иборат бўларди.

Аста-секин ўзимнинг ҳам саводим чиқа бошлади. Саводсиз авом халқ ўртасида ташвиқот ишларини олиб бориш жуда мушкул эди. Лекин кўпчиликнинг юрагидаги гаплар ифодаланган varaқаларнинг таъсири кейинчалик Каттақўрғон билан Зирабулоқ оралигида — Қизил Армиянинг кўшинлари Бухоро амирига қарши ҳужум бошлаганида сезилди. Биз маҳаллий аҳолининг Қизил Армия кўшинларини хайрихоҳлик билан кутиб олганлигидан хурсанд эдик. Минг азоб билан амалга оширган ишларимиз бесамар кетмаган эди...

Абдуназар Ҳақназаров Урта Осиёда Совет ҳокимиятини ўрнатишда фаол қатнашди. Босмачи галалари тугатилгандан сўнг Нарпай вилоятида колхозлаштириш ишларида иштирок этди.

У ҳарбий хизматдан қайтгач, Нарпай райони қишлоқларида артеллар тузишда, коллективлаштириш ишларини йўлга қўйишда маҳаллий партия ва совет ташкилотларига раҳбарлик қилди, узоқ муддат Нарпай район ижроия комитети раиси бўлиб ишлади.

Ватанимизга гитлерчи фашистларнинг хиёнаткорона ҳужуми миллионлаб совет кишилари қатори Абдуназар Ҳақназаровни ҳам ларзага солди. У ўз ўрнини Ватан ҳимоячилари сафида деб билди. Уша пайтда у Нарпай район ички ишлар бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб турган эди. Собик чекист эгнига солдатлик шинелини кийди. У фашистлар

билан Москва яқинидаги Тёмкино қишлоғида юзма-юз келди. Қизил Армия сафларида чиниққан, суяги курашларда қотган жангчи А. Ҳақназаров қишлоқни фашистлардан озод қилишда жанговар маҳоратини намойиш этди. Уша жангда кўрсатган жасорати учун у «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланди.

Унинг фаолияти Сталинград учун бўлган ҳаёт-мамат жанглири билан ҳам боғлиқ. А. Ҳақназаров бир неча марта оғир ярадор бўлди. Ҳарбий госпиталларда даволаниб чиққач, яна жанг майдонларига ошқиди. У оддий гвардиячи жангчиликдан катта лейтенант, батальон командири даражасига-ча бўлган жанговар йўлни босиб ўтди.

Абдуназар Ҳақназаровнинг шахсий архивидаги ранглари униқиб кетган, унинг босган излари, қилган ишларидан гувоҳлик берувчи ҳужжатлардан кўчирмалар билан танишар экансиз, бу толмас инсоннинг матонатига таҳсинлар айтасиз. Кўксини орден ва медаллар безаган отахонни самарқандликлар яхши танишади. У колхоз ва совхоз меҳнаткашларининг, студентлар ва мактаб ўқувчиларининг даврасида тез-тез бўлиб, уларни унумли меҳнатга, аъло ўқишга руҳлантириб туради.

Эл ишига камарбаста, толмас отахон ҳар доим кишилар орасида — жушқин ва гаштли меҳнат кучоғида бўлишни ўзи учун шараф деб билади.

Ўқтам МИРЗАЕРОВ



Номаълум солдат кабри ёнида. (1928 йилдан КПСС аъзоси, республика миқёсидаги шахсий пенсионер, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани Абдуназар Ҳақназаров ва фахрий соқиликда турган мактаб ўқувчиси).

В. Мосин фотоси

Қудратли бойлик

БИЗНИНГ даврийми фан ва техника бекиёс тараққий этаётган, бу соҳаларда кун сайин янгида-янги ютуқларга эришилаётган давр-дир. Атом энергияси ҳам асримизда кашф қилинди. Бу—инсон заковатининг энг буюк кашфиёти-дир.

Атом энергиясидан тинчлик мақсадларда фойдаланишнинг имкониятлари шунчалик бениҳояки, уларнинг ҳаммасини ҳатто тасаввур этиш ҳам қийин. Ҳозирги вақтда инсоният атом энергиясидан фойдаланиш борасида дастлабки қадамнигина қўйди. Аммо шунинг ўзидаёқ анча ютуқларни қўриш мумкин.

Совет олимлари ва инженерларнинг саботли меҳнатлари туфайли атом энергияси асосида ишлайдиган электр станция дунёда биринчи марта бизнинг мамлакатимизда 1954 йилда қурилиб ишга туширилди. Бу совет фани ва техникасининг улуг ютуғи бўлди. Мана шу электр станция ишга тушиши билан атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш даври бошланди.

Муқояса қилайлик: табиатни ўзига тобе қилишга қодир бўлган одамзоднинг қуввати атиги 40 ваттдир. Қунига 7 соатдан ҳафтада 6 кун ишлаганда, одам бир йилда қарийб 70 киловатт-соат энергия ҳосил қилиши мумкин. Бу миқдордаги энергия — энг тараққий этган мамлакатлар, масалан, Америка Қўшма Штатлари ва Совет Иттифоқида ҳар бир кишининг ўйда, заводда ва яшайдиган шаҳаридан электр ҳолида сарф қиладиган энергиясидан юз эллик марта камдир. Ҳолбуки, кишилар электр энергиясидан ташқари бошқа энергия турларидан ҳам, масалан, автомобиллардан, уйлардаги иситув батареяларидан ва печкалардан фойдаланадилар. Шунинг учун биз, одамзод энергия билан қудратли, деймиз. Негаки, энергия кишиларга кўп қулайлик ва ҳузур-ҳаловат бахш этади.

Мамлакат саноати, транспорт, кишлоқ хўжалигининг энергия билан қанчалик таъминланганлиги, яъни аҳоли жон бошига тўғри келадиган энергия миқдори ўша мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражасини яққол аке эттирувчи кўрсаткичдир. Масалан, Америка Қўшма Штатларидаги энергетика ни бошқа мамлакатларнинг энергетикаси билан таққослаб кўрилса, ўртада жуда катта тафовут борлиги дарҳол кўзга ташланади.

Ҳозирги замонда энергиядан фойдаланмай туриб ҳаёт кечирини тасаввур этиш қийин. Масалан, бирор сабаб билан инсоният энергияни ишлатишдан воз кечди, дейлик. Шунда оний ҳолатда нималар бўлишини тасаввур қилиб кўринг-а: завод-фабрикалар ишламайди, шахта ва конларда иш тўхтайдди, транспорт (автомобиль, поезд, самолёт ва ҳоказо...) ҳаракатланмайди, электр станциялар ток бермай қўяди, телеграф ва телефон алоқаси узилди, радиоприёмник ва телевизорларнинг овози тинади, китоб, газета ва журналлар чиқини тўхтайдди. Хуллас, ҳаёт ноқорлашади...

Сўнги аср давомида энергетиканинг қай зайдда ривожланишини кўздан кечирайлик.

Фан — халқ хизматида

Раҳим БЕКЖОНОВ.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

Кейинги юз йил ичида энергия ишлаб чиқарилишининг ривожланишини икки даврга бўлиш мумкин: биринчи давр 1860—1913 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда энергия ишлаб чиқариш бир текисда ривожланган, яъни йилга энергия ишлаб чиқариш йилига 4,5 процент ортиб борган. Иккинчи давр 1913 йилдан то бизнинг кунларимизгача давом этади. Бу даврда энергия ишлаб чиқариш аввалгига қараганда секин ўсган, яъни йилга ўсиш 2 процентни ташкил этган.

Биринчи (1914—1918 йиллар) ва иккинчи (1939—1945 йиллар) жаҳон уруши даврида энергия ишлаб чиқариш камайиб кетди. 1929—1932 йилларда жаҳондаги барча капиталистик мамлакатларда ялпи иқтисодий кризис — инқироз юз берди. Бу энергетика тараққиётига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Масалан, ўша даврда капиталистик мамлакатларнинг энг пешқадами — Америка Қўшма Штатларида энергия ишлаб чиқариш учдан бирига камайиб кетди.

Шунга қарамай, асримизда тинчлик йилларида энергия ишлаб чиқариш ўтган асрдигача нисбатан тезроқ ривожланганлиги, ўрта ҳисобда йилга энергия ишлаб чиқариш 5 процентдан ортиб борганлиги маълум. Ҳозирги кунда аса ер юзюда йилга қарийб юз минг миллиард киловатт-соат энергия ишлаб чиқарилимоқда.

Шу зайдда кетаверса, 2000 йилга борганда жаҳон мамлакатларида қанча энергия ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниши мумкин, деган савол турғилади.

Атом энергиясидан тинчлик мақсадларда фойдаланиш юзасидан Женевада ўтказилган халқаро конференцияда сўзга чиққан мутахассисларнинг ҳисобига кўра, агар инсоният урушларнинг, шунингдек, капиталистик мамлакатларда вақти-вақти билан рўй бериб турадиган иқтисодий кризисларнинг олдини ола билса, 2000 йилга бориб Ер шарида энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳозиргидан тахминан 2 марта ортади. Лекин капиталистик мамлакатларда кризислар ҳамда турли-туман иқтисодий zilзилаларнинг муқаррар содир бўлиб туражанини назарга олиб, жамяятнинг энергияга бўлган эҳтиёжи 1953 йилдагига нисбатан 1975 йилга борганда 1,5 баравар ортанлигидан 2000 йилда аса 3 баравар ортинши тахмин қилмоқдалар.

Социализм лагери мамлакатларида энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш 2000 йилга бориб ҳозиргидан кўп баравар ортинши назарда тутилди.

Табиат энергияга бой. Табиатда ҳеч бир нарса тинч ҳолатда турмайди, ҳаракат аса — бу энергия демекдир. Ҳаракатнинг шакллари ниҳоятда хилма-хил бўлганлигидан энергиянинг манбалари ҳам гоятда турли-тумандир.

Кейинги йилларда олиб борилган илмий-тадқиқотлар туфайли инсониятга яширин энергиянинг ниҳоятда зўр қудратга эга бўлган янги манба тақдим этилди. Бу — атом энергиясидир.

Атом энергияси мавжуд эканлигини фан XX асрнинг бошидаёқ аниқлаган эди. Аммо бу энергияни олиш усулини ишлаб чиқиш ва бевосита атом энергияси ҳосил қилиш иккинчи жаҳон уруши давридагина амалга

оширилди. Чикаго (АҚШ) шаҳрида атоқли физик Энрико Ферми (1901—1954) бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар ва инженерлар томонидан қурилган қурилмада 1942 йилнинг 2 декабрида атом энергияси биринчи марта бевосита иссиқлик энергиясига айлантирилди.

Инсоният ана шу кунгача аслида Қуёш туфайли вужудга келган энергия турларидан (ер ости иссиқлиги ҳамда денгиз сатҳининг пасайиш ва қўтарилиш энергияси бундан мустасно) фойдаланиб келган бўлса, шу кундан бошлаб Қуёш билан боғлиқ бўлмаган, кимёвий элементларнинг энг майда зарраларида яширинлиги ётган янги энергия манбаига йўл очилди. Атом энергиясининг асл манбаи атомлар ядросидир. Шу сабабдан бу энергияни ядро энергияси деб аташ тўғри бўлар эди. Бироқ «атом энергияси» деган термин кўпроқ тарқалган бўлиб, ҳозирда умум томондан қабул қилинган.

Ҳозирги кунда биз оғир металллар — уран билан торийнинг атомларида мавжуд яширин энергияни ажратиш ва ишлатишни ўрганиб олдик. Энергия ана шу металллар атомлари ядроларининг реакторларда парчаланиши натижасида ажралиб чиқади. Ўртача ҳисобга кўра, бизга маълум рудалардан ажратиб олиниши мумкин бўлган биргина уран таркибидagi энергия миқдори планетамизда мавжуд барча қазилма ёқилги запаслари — нефть, газ ва кўмир таркибидagi энергия миқдоридан 20 марта ортиқдир. Виз эндигина қадам қўяётган тарихий даврни тўғридан-тўғри атом энергиясининг ибтидоий даври деб аташимиз мумкин. Ҳозирча атом энергиясидан фойдаланиш проблемасининг фақат дастлабки қисмигина ҳал этилган.

Маълумки, фақат оғир металллар атомлари ядроларининг парчаланиши ҳисобигагина эмас, балки синтез реакцияси, яъни енгил элементлар ядроларининг бирикishi ҳисобига ҳам атом энергиясини ҳосил қилиш мумкин. Биз атом энергиясининг бу қисмини ҳозирча империалистик кучлар тугдираётган хавф оқибатида фақат мудофаа мақсадида фойдаланиш учунгина ажрата оламиз.

СССР ва АҚШ раҳбарларининг Женева учрашувида таъкидланганидек, ҳар икки томон олимлари бу соҳада ҳамкорлик қилсалар, мазкур жиддий муаммони ҳал этиш бирмунча тезлашган бўлур эди.

Енгил (водород) ядроларнинг қўшилиб, янада оғирроқ (гелий) ядроларга айланиш реакциясида гоятда улкан миқёсдаги энергия ажралиб чиқishi термоядро бомбани портлатиш синовларидан сўнггина инсониятга маълум бўлди. Мана ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан бери физиклар термоядро реакциясини қўлда бошқариш устида ишлаб, уни реакторларда тинчгина ёндиришга эришиш ҳаракатидадирлар. Аммо ташқаридан қараганда анча оддий бўлиб туюладиган ядроларнинг синтез реакциясини «бехавотир йўлларга» ўтказиш масаласи цивилизация давридаги энг қийин илмий-техникавий муаммолардан бири бўлиб турибди.

Қуёшнинг теран бағридаги водород Қуёш энергиясининг туганмас сирли манбаидир. Олимлар олдида бошқариладиган жараёнлар ёрдамида ана шу энергияни олиш вази-фаси турибди. Вази-фа ниҳоятда мураккаб ва оғир, лекин шу нарса шак-шубҳасизки, синчков инсон ва унинг қудратли тафаккури яқин йиллар ичида уни ҳал этиш йўлини албатта топади.

Сув таркибидagi мавжуд водород атомлари ядроларида планетамиздаги энергиянинг

Энг бой запаслари яшириниб ётибди. Лекин синтез реакцияси термоядровий ёнувчи водороднинг оғир изотопи (дейтерий) билан осон кечади. Сув таркибига оддий водороднинг 6 минг 800 ядросига дейтерийнинг битта ядроси тўғри келади. Шунга қарамай, денгиз суви таркибига мавжуд бўлган дейтерий миқдори (энергия запаси) ҳозиргидан бир неча ўн марта ортиб боришининг ўзинигина эътиборга олсак, дунёни бир миллиарддан кўпроқ йил давомида энергия билан таъминлаш имконияти туғилади. Ушанда энергия қаҳатчилиги муаммоси ҳал бўлади.

Демак, ўзимиз ҳар қадамда куриб, ишлаб юрган оддий сувда энергиянинг битмас-туганмас запаслари яшириниб ётибди. Вақтлар келадики, биз машинамизни хоҳлаган бир дарё, анҳор ёқисига тўхташиб, моторга керагича сув қўйиб олиб, яна ўз йўлимизда давом этаверамиз.

Дунёдаги энг эътиборли мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги пайтда термоядро электростанцияларни яратилиш энг қисқа ва истиқболли йўли Токомак (магнит галтакка эга бўлган тороид кўринишдаги камера) системасидир. Бу қурилма биринчи марта Совет Иттифоқида яратилган бўлиб, у тешик кулча кўринишига эга. Унда «ёниги» кучли электр токида қиздирилиб, магнит майдони ёрдамида тарқалиб кетишдан сақланади. Афтидан, ана шу йўналиш термоядро синтези бўйича халқро ҳамкорлигининг ўзани бўлиб қолади.

Саноат термоядро электростанциясини яратиш учун термоядровий ёниш юқори ҳароратда узоқ вақт давом этиши лозим. Ҳозир энг катта қурилмаларда плазмани юлдузларнинг ҳарорати даражасигача, яъни 100 миллион градусгача қиздириш мумкин. Аммо уни ушлаб туриш вақти секундлар улусидан ошмаётир. Аммо олимлар мақсадга эришиш учун нима қилиш кераклигини етарли ва аниқ тасаввур қиладилар.

Жараёни яққол тасаввур қилиш учун шу ўринда оддий ўхшатма қиламиз. Ҳаммага маълумки, кўмир уюлмасида анчагина иссиқлик энергияси муассамлашган. Аммо уни оддий гугурт ёрдамида ёндириш мумкин эмас. Уни ёндириш учун маълум миқдорда қизиган кўмир керак.

Худди шунга ўхшаш кичкина ҳажмдаги плазма олинса, у кўмир бўлган сингари тез сўнади. Қизиган плазманинг ҳажми қанчалик катта бўлса, совиш жараёни ҳам шунчалик кам бўлади. Саноат термоядровий реакторини яратиш мақсадида токомакларни ривожлантиришнинг тўғри йўли — уларнинг ўлчамларини оширишдир. Физиклар бу йўлда чуқур изланмоқдалар.

Кейинги йилларда бир қатор мамлакатларда шундай қурилмалар яратилмоқдаки, уларда термоядровий реакция натижасида ажралиб чиқадиган энергия плазмани қиздириш учун кетадиган энергияга таъминан тенгдир. Буларда стационар термоядровий реакциянинг принцип жиҳатдан физикавий нуқта назардан мумкинлиги намойиш қилинаётир. Шу борадаги изланишларнинг дастлабки натижаси қурилманинг ўлчамларини ошириш мақсадида мувофиқ эканини кўрсатмоқда. Унда плазманинг бирлик ҳажмига тўғри келадиган совиш жараёни камайиб боради. Энг кичик қурилмалардан катта қурилмаларга ўтиш бошда жуда тез кечди. Эндиликда янги катта қурилмаларда плазманинг характеристикалари яхшиланаётган бўлса ҳам бу жараён жуда секинлик билан юз бермоқда. Плазма қайси ҳажмда мустақил ёна бошлаши ҳозирча номаълум. Агар бунга термоядровий қурилманинг қимматлигини эътиборга оладиган бўлса, аниқ тасаввурнинг йўқлиги мақсадга эришишда таваккалчиликка олиб келади. Кераклик параметрларни олиш мақсадида кўпроқ ишонч ҳосил қилиш учун эса қўшимча маблағ сарфлашни тақозо қилади. Биз бўлса маблағни камроқ сарфлашни ва айни вақтда янгиликларни истиёмимиз.

1978 йили Совет Иттифоқи Атом энергиясидан фойдаланиш бўйича халқро агентлик (МАГАТЭ) орқали ривожланган мамлакат-

ларнинг кучини тажриба термоядровий реакторини лойиҳалаш, қуриш ва унда тажрибалар ўтказиш орқали термоядровий электростанцияни бунёд этиш учун керакли маълумотларни олиш борасида ҳамкорлик қилишни таклиф қилган эди. Бу таклиф қабул қилиниб, халқро ТОКОМАК бўйича ишчи группа ташкил қилинди ва уни ИНТОР деб аташди. 1979 йилдан бери СССР, АҚШ, Япония ва Ғарбий Европа мамлакатлари уюшмаси — «Евратом»нинг мутахассисларидан ташкил топган ишчи группа МАГАТЭ (Вена шаҳрида)да йилга уч-тўрт мартаба тўпланишиб, фаол иш олиб бормоқда.

Демак, бу борада дастлаб физикавий асос яратилди, кейин эса таъбир жоиз бўлса, андаза лойиҳа тузилди. Бу лойиҳа амалий лойиҳага ўтиш имконини беради. Барча қатнашувчи мамлакатлар мутахассислари томонидан олиб борилаётган тадқиқот ва изланишлар жараёнида олинмадиган маълумотлар техникавий ечимларни танлаб олишдаги ноаниқлик даражасини камайтириб юборгани учун лойиҳа муттасил мукамаллаштирилмоқда. Ғарб иш ҳозир ҳам давом этиряляётир.

ИНТОР лойиҳаси реакторли термоядровий электростанция ТОКОМАКни яратишнинг принципиал мумкинлигини кўрсатиши лозим. Маъқур қурилмада барча асосий инженер-технологик ечимларни ишлаб чиқиш мўлжалланган. Плазма секунд давомида қизитилиши ва термоядровий режимида таъминан 5-10 минут ёниб туриши лозим. Яна бир минутдан сўнг бу туркумий жараён қайтарилиши мумкин. Бу саноат термоядровий реакторини лойиҳалаш учун керак бўладиган илмий-техникавий маълумотни олиш учун етарлидир.

Муаммонинг техникавий ечимида бирлашган ҳолда иш кўриш катта аҳамиятга эгадир. ИНТОР лойиҳаси бўйича амалга оширилган ишлар ҳозирнинг ўзидаёқ халқро термоядровий реакторни ишлаб чиқиш ва қуриш учун асос бўла олади. Принцип жиҳатдан ҳозирдаёқ техникавий лойиҳага киришиш мумкин. Бу иш муддат жиҳатидан тўрт йилча вақтни олади. Кейин эса қурилиш ишларини ҳам бошлаб юбориш мумкин бўлади. Бунга албатта кўпроқ вақт кетади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев билан АҚШ Президенти Р. Рейганинг 1985 йил ноябрь ойида Женевада бўлиб ўтган самарали учрашувида ҳар икки томоннинг мана шу гоёт муҳим ва жаҳоншумул масалада ҳамкорлик қилиш истagini билдириши жуда қувончлидир.

Жаҳонда ҳали тошқўмир ва нефть запаслари катта бўлса-да, сув энергиясининг бир қисмигина ишга солиниган ҳолда, Ер юзидеги кўпгина районларни энергия билан таъминлашнинг бирдан-бир воситаси атом энергиясидир. Худди шу сабабдан ҳам дунёдаги барча илгор мамлакатлар атом энергиясидан фойдаланиш учун жуда катта иш бошлаб юбордилар.

Атом энергияси техника соҳасига, шу жумладан, ҳарбий соҳага шу қадар сингир кетдики, эндиликда ёлғиз стационар атом кучи қурилмаларигина эмас, балки шу билан бир каторда транспорт учун мўлжалланган атом кучи қурилмалари яратиш масаласи ҳам ҳал этилмоқда.

Атом энергиясининг қўлланиш имкониятлари шу қадар кенги, биз ҳатто ундан фойдаланиш йўлларининг ҳаммасини ҳозир тўлиқ тасаввур қила олмаймиз. Атом энергиясидан фойдаланишнинг кенг миқёсли перспектив йўналишлари устида олиб борилаётган тадқиқотлар, умуман, (ҳарбий соҳани олганда ҳам) ҳозирча бошланғич даврдадир.

Атом энергиясидан халқ хўжалигининг бир талай тармоқларида тобора кенг фойдаланилмоқда. Турли-туман технологик жараёнларни ўрганишда, маҳсулотлар сифатини аниқлашда радиоактив изотоплар қўлланилмоқда. Эндиликда на медицинанинг, на техниканинг ва на қишлоқ хўжалигининг тараққийоти атом энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бекиёс қудратли бу энергиядан фойдаланиш имкониятларини

кенгайтириш бутун дунё олимларининг фахрли бурчидир.

Совет давлатимиз ленинча тинч-тоғув яшаш принципларига изчил амал қилиб, халқро майдонда атом бомбаларини ишлаштириш тақиқлаш ҳамда уларнинг запасини батамом йўқ қилиб ташлаш ташаббуси билан чиқмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев Женева учрашувида бу нарсанинг қанчалик зарур ва фойдали эканлигини алоҳида таъкидлади. Бундан бомбаларни тўғридан-тўғри портлатиб юбориш керак, деган гап келиб чиқмайди. Йўқ, бу бомбалардан атом зарядлари ажратиб олиниб, улардан атом транспортда, энергияни кўпайтирувчи реактор қуришда, хуллас, соф ядро ёқилгиси талаб этиладиган ҳамма жойда — тинч мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Ҳа, оддий ёқилгисиз ядро ёнилиши билан алмаштириш бугунги кун учун гоёт ҳаётин зарурат бўлиб турибди. Атом энергияси эса қудратли ва туганмас бойликдир. Шубҳасиз, термоядро реакцияси келажакда қудратли энергетиканинг негизи бўлиб хизмат қилади. Бутун дунё олимларининг ҳамкорлигида иш олиб бориши термоядро реакциясини тинч қурилишга хизмат қилдиришдан иборат олижаноб вазифанинг ақин келажакда ҳал этилиши учун гаровдир. Ушанда афсонавий ҳаёл ҳақиқатга айланади: дарёлар, кўлар, денгизлар ва океанларнинг беҳисоб суви термоядро электр станциялари учун ёниги бўлиб хизмат қила бошлайди.

Жаҳон халқлари бугун ана шундай буюк эзгу ва қатъий истак билан яшамоқдалар.



Рус тили дарсида.

К. Отаев фотоси.

ДЕЛЬФИНЛАР «СУХБАТИ»

Дельфинлар фикрлай оладими? Улар гапирish қобилиятига эгами?

Мана шу хил муаммоларга жавоб топиш хусусида планетамиздаги кўпгина илмий муассасалар, жумладан, СССР Фанлар академияси Хайвонларнинг эволюцион морфологияси ва экологияси институтини (ИЭМЭЖ)нинг бир гуруҳ олимлари академик В. Суколов бошчилигида тадқиқотлар олиб бормоқда.

Америкалик нейрофизиолог Ж. Пилли ўз вақтида дельфинлардаги муомала системаси худди бизникига ўхшашдир, деган фикрини билдирган эди. «Ақлий маслакдош»ни танишни жуда истардик, деб илова қилган эди ўшанда ўз гапига олим.

Виз ўзимизга ана шундай маслакдошларни космосда, заминдаги океанлардан қидирмоқдамиз.

Илгари кўпгина хайвонларнинг бир-бирлари билан овоз орқали алоқаси, одатда, муайян муҳит (ситуация) билан боғлиқлик принципи нуқтан-назардан ўрганиларди. Бунда фақуллода ситуация тўғриси (огрик, хавф, бақирish каби қолатларда) хайвонларда овоз чиқариш ҳоллари содир бўлади. Уша вақтларда «овоз ушлагани» усули ҳам ишлаб чиқилиб, хайвонларнинг овози, масалан, паррандаларнинг товуши ёзиб олинарди. Лентадаги бу овоз кейин паррандаларнинг ўзига ёки бошқа жониворларга кўйиб эшиттириларди. Шунда бир хайвоннинг овози ўзига ёки бошқа хайвонда қандай ақс сало бергани қайд қилинарди. Худди шу «овоз ушлаш» усулини дельфинларга нисбатан ҳам қўйилган уриндилар. Аммо бу ҳеч бир натижа бермади. Эҳтимол, лентадаги ёзув бузилган ёки хиралашгандир. Лекин гап бунда эмас. Дельфинларнинг муомала системаси бошқа хайвонларникига қараганда анча мураккаб. Шу боисдан ҳам халғи усул уларга нисбатан аҳамиятсиз бўлиб чиқди. Шунинг учун юқорида айтилган институт олими В. Марков ишни дельфинларга хос муомала системасини ўрганишдан бошлади. Бунда, биринчи навбатда, дельфинларнинг сигналли бир хил маънога эга ёки эга эмаслигини аниқлаш лозим эди. Экспериментлар дельфинларга бир хил сигналлар «юборилганда» булар уларга бир хил — асабий таъсир этганини кўрсатди. Бошқа ҳолларда уларнинг «хатти-харакати» мутлақо турлича бўлди. Бу ҳам дельфинларнинг муомала системасининг мураккаблигини чуқурроқ ўрганишни тақозо қилди.

В. Марков ва унинг ходимлари дельфинларнинг катта бир гуруҳининг сигналларини тадқиқ қилдилар. Уларда ҳам одамлардагидек «алфавитлар» иерархияси даражаси иккинчи босқичдан юқорироқ эканлиги маълум бўлди. Амалда бу шу хил хайвонларда ўзига хос «луғат» запаси катта эканлигидан далолатдир. Уларда иерархия даражаси 3—4, баъзи ҳолларда 5 ва ҳатто 6 тадир. Табиатда одамлар билан фақат дельфинларда (паррандалар кўшигини мустасно қилганда) бундай иерархия даражасининг сони 2 дан ортиқдир. Бошқача ифодалганда, дельфинларда сўз «луғат»нинг шаклланиши худди одамларникидек.

Бир қатор олимлар дельфинлардаги сигналлар турлилигини маълумлади, деб ҳисоблайдилар. Тадқиқотлар натижасида дельфинлар шунчаки айрим сигналлар билан муомала қилмасдан, кўпгина ҳолларда, гуруҳвий сигналлар билан муомала қилишдаги маълум бўлди.

Биз биламизки, нутқимизда сўз ўзаги ўзгармаган ҳолда турли маъно отенсалари олд қўшимчалар, суффикслар ва қўшимчалар воситасида ифодаланади. Дельфинларда эса турли гуруҳвий сигналлар бошланish ва таямланish оҳанглари билан фарқ қилади. Бунда тадқиқотчилар сигналларнинг турли қисмларининг ўзгарувчанлик даражасини аниқламоқчи бўлганларида, дельфинлар сигналларининг ўрта қисми анча мўътадил эканлигини пайқадилар. Бундан ташқари, дельфинлар сигналлари тизмасида одамлардагидек маъновий текстларга ўхшаш баъзи математик қонуниятлик хусусиятлари мавжуддир. Булар одамлар сўзлашувида мавжуд бўлган жумла, абзац, параграф, боб, қисм каби дельфинлар тилидаги «текст»да маъновий иерархияни ифодалайди. Бу «текст» синтактик жиҳатдан уюшгандир, дейишга энди тўлиқ асос бор.

Дельфинлар ўзаро «муомала» қилганда уларнинг гуруҳвий сигналлари ҳақиқатдан ҳам кишига диалогни эслатади. Шу «диалог» нутқимиз ёки йўқ? Бу нутқий ифода эмас. Бу фикр олинув системасининг бошқача — дельфинларга хос бўлган адеватик шаклдир.

Бу хусусда В. Марков шундай деди: «Баъзи тадқиқотчилар эндиги навбатда қандайдир оралиқ кодларни яратиб асосида дельфинларнинг одам тушуниш учун қулай бўлган «муомала» системаларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобламоқдалар.

Хайвонларда «восита тил» ҳосил қилиш гоёси бу ҳаёлот эмас. Бу хил эксперимент шимпанзе зот маймулларда синаб кўрилан эди. Ушанда маймулар шундай қобилият намойиш қилган эдиларки, бунгача бу нарса фақат айсонларга хосдир, деб ҳисобланарди. Имо-ишорали, предметлар, компьютерлар воситасида

«восита тил»ни ифодалаш маймуллар мисолида жуда муваффақиятли чиққан эди.

Бундан бир неча йил илгари дельфинлари бундай «восита тил»га ўргатиш экспериментини ўтказиш мутлақо мумкин эмасдек туюлганди. Ҳозир эса АҚШда Л. Херман бошлиқ тадқиқотчилар дельфинлар устида шундай тажриба ўтказмоқдалар. Улар дельфинларни грамматик конструкцияларга ўргатиш ва уларга боғланма гаплар воситасида ифодаланган топириқларни топириш мумкинлигини аниқладилар. Бу, фантазия эмас, ҳақиқат. Л. Херманнинг тажрибалари дельфинларда коммуникатив системаларни ҳосил қилиш ҳақидаги бизнинг тасаввуримизга кўп жиҳатдан асардордир».

Ҳа, дельфинлар ҳақидаги тадқиқотлар бизнинг жонли табиат ҳақидаги билимимизни бойитди, фан учун янгилик келтириверади.

Ким СМІРНОВ
(«Известия» газетасидан)

ОҚ ЧУМОЛИ — ОҚОФАТ

Туркманistonning ваҳма чумолиларга қарши кураш майдонида ишюотларни, конструкцияларни, меҳанизмларни ҳашаротларнинг емиршидан ҳимоя қиладиган виситалар синаб кўриляптир.

— Ваҳма чумолиларни баъзан оқ чумолилар ҳам дейишади, — дейди Туркманiston Фанлар академиясининг Зоология институтини лабораторияси мудири Курбонмуҳаммад Қасалиев. — Лекин улар чумолилар билан оиладо эмас. Улар суваракларнинг уруғдоши, бу жониворларнинг найдо бўлишини қадимдан душманларнинг тажовузи билан тенглаштиришади.

Ваҳма чумолиларнинг ошқозонида жуда кўп хилма-хил бактериялар бўлиб, ҳар қандай овқатни ҳазм қила олади. Бутунлай бошқа бир муҳим — азотдан оқсил ишлаб чиқадиган томини ҳам бор. Яъни, оқ чумолилар ўзларига ҳаводан озик-овқат тайёрлаши мумкин. Лекин улар ҳаммадан кўпроқ одамлар фойдаланган нарсалардан озикланади. Оқ чумолиларнинг тўрт миң литр ишоний «ичиб қўйишган» вақтлари ҳам бўлган.

Синов майдонидаги ходимлар тўрт миңдан ортиқ табиий ҳамда сунъий материалларни ваҳма чумолиларга «синав» мақсадида таллаф этиб кўришди. Булар уларнинг «иштаха»сини очиб юборди.

Агар материаллар махсус ҳимоя қоринмасига тўйинтирилса бошқа га. Ваҳма чумолиларга қарши қоплама ва сингдирилган моддаларнинг хилма-хил нусхаларни кўридан ўтказилади. Ашқобод областидagi синов майдони мамлакатимизнинг ўилаб ташкилотларига «маслаҳат бериш» воситаси бўлиб хизмат қилаптир.



Абдулхай НОСИРОВ

* * *

Азалдан яшайди бу эзгу одат, Алладай қадимий, ширин, эзгу, оқ... Бешиқда қувнаган гўдак-саодат, Бошига қўйишар нон билан пичоқ.

Гўёки кечалар бўлармиш ҳамроҳ, Гўёки асармиш бало-қазодан. Чақалоқ тушида чўчиса ногоҳ, Онанинг ўзи-ку мададкор, зотан.

Ўсиб улғайганда етиб вояга, Елкага солганда сафар жабдуғин — Ўт янглиғ талпинса умид-қонга, Мардлиги эл аро ёйса доврўгин —

Она айтар ўпиб пешонасидан: — Имонинг бут бўлсин, бошгининг омон... Пичоқ тақиб қувнар дурдонасидан, Халтасига солиб қўяр бутун нон.

Гўёки йўлларда бўлармиш ҳамроҳ, Гўёки асармиш бало-қазодан. Фарзандлар бошига иш тушса ногоҳ, Оналар меҳри-ку мададкор, зотан.

Албатта, туюлар бу одат эртақ, Боблар тўқман хижмат — афсона. Аммо бу удумга ишонар юрак, Бу нотинч асрда қуниб, ёна...

Улғайдим, онажон, қаддим тик, мана, Гулларкан замона, яшариб олам. Пичоқнинг олингда-да, ўрига, она, Берсангиз, бас, наможа яхши сўз, қалам.


* * *

Уруш — Ҳамон тушларига қиласан хуруж... Чўчиб уйғонади, ёз осмонида Юлдузлар порлайди паршон, тўлиб... Қолиб кетган эмиш жанг сурунида, Болалар фарёди остида толиб...

Эридан қора хат олган қузида Кетмондан аламин олди, чўкмади. Қишлоқ хотинлари ёнган кўзида Қатра ёш кўрмади, пинҳон тўкмади. Аммо тўнғичининг қабридан хокин Олиб келган шомда сочи оқарди. Маҳалла эшитмай йигисин, локин, Тоғалга оқарди — дарди ёқарди...

Урик тўп-тўп тушар, ёз осмонида Юлдузлар порлайди паршон, тўлиб. Қўш-қўш набаралар икки ёнида Пишиллаб ухлайди туш аро қулиб.

Унис ёйиндан бўшай дейди, Буниси эртакка берган қулогин. Шукур, ўзлардан тиниб кўпайди... Шуларда тоширган меҳр бўлогин. Шундай, хушларида берсан қанот — Ҳаёт...



Абдусайд КУЧИМОВ



ОҚ ОЛМАЛАР

АКАМГА

Бир туп олма ўсар эди
Ялпоқтепа ёнида,
Дир-дир титраб изгиринли
шамолларда, довулда.
Оқ олмалар ғарқ пишганда
шўх, жангари болалар
От кўйишиб келар эди
олисадаги овулдан.
Кимдир шохга тирмашади
мушук каби чаққон, тез,
Баланддаги олмаларни
кесак «ўқ»ка тутар ким.
Оёқ яланг, калта иштон,
бўз кўйлакли бир бола.
Бир чеккада жўраларга термулади
маюс, жим.
Капалакдай пир-пир учган
кўнғир, сарғиш япроқлар
Оқ олманинг кўз ёшидай
кўринади болага.
Кўйинларни лиқ тўлдириб,
уйга қайтар махали
У ачиниб қарар эди
бийдай сўнгсиз далага.
Болаканинг тушларига
кирар эди оқ олма.
Елғиз олма бийдай дашда
бўта каби бўзларди.
Шамоллару шўх болалар
синдирганда шохларин
Енига ёш ниҳолларни
ўтказмоқни кўзларди.
Излай-излай охир топди
шундай нажот йўлини,
Бир кун унинг ёнбошига ўтказди
ёш ниҳолни.
Қизғалдоқзор.
Алвон кулги кўмди мовий дунёни.
Энди олма писанд қилмас
болалару шамолни.
...Ялпоқтепа этагида шовуллайти
кўркем бог
Ялпоқтепа этагида ловиллар
оқ аланга.
Оқ аланга оловидан ўткир
кўзи қамашиб,
Бир сор бургут мағрур кезар
чўққилардан баландда...



ЗУБАЙДА

«Оловли йўллар» фильми:
Содиқбой тўшагидан қочиб
чиккан Зубайда минора тепаси-
да. Бир ён — баҳор, бир ён —
дўзах...

Бул аҳдингдан қайтгил, Зубайда,
Бул жаҳдингдан қайтгил, Зубайда.

Удим-ўлим...
Ундан не фойда?
О! Улимда адолат қайда?
Бул жаҳдингдан қайтгил, Зубайда.

Очилмаган гунча ниҳолсан,
Айтилмаган қўшиқсан, гулим.
Номард тақдир,
Сен қандай дорсан?
Бунга... қандай бормоқда қўлинг!

Наҳот, шунча қисқадири йўлинг,
Бул жаҳдингдан қайтгил, Зубайда!
Кўзингни оч, залга бир қара,
Икки дўндик, икки тасқара.
Қиллилатиб сийналарини
Қилишмоқда сени масқара.
(Бу қандай ҳол, қандай манзара?!)

— Шунча бойлик, шунча сийму зар! —
Икки дўндик куяр, энтикар, —
— Мен ўрнингда бўлсайдим, агар...
Дунё чаппа айланса, агар
Хушомадгўй куёвларини
Маймун қилиб ўйнатар улар...

Йўқ! Бу лойга ботмас эдинг сен.
Ўз-ўзингни сотмас эдинг сен.
Сен...
...Воҳ! Дунё харсангдай қотди
У ўзини минордан отди!
Замин қизинг қонига ботди...
Энди сени излайман қайдан?
Зубайдам!..

Оҳ! Гулдай жон тупроққа сингди,
Зубайда йўқ дунёда энди!..
Йўқ! Сен энди куёшда, ойда,
Шарқираган безовта сойда,
Юрак деган муқаддас жойда —
Абадий яшайсан, Зубайда!..

ҚАДИМГИ ШАРҚ ЭРТАГИ

Катакдай тор,
Зим-зиё хона.
Соқов,
Совуқ
Ис босган девор.
Тошдай тўшак,
Неча кундикким,
Ажалини кутиб ётар чол.
Сичқон каби кемиради у,
Суви қочган кесакдай нонни.
Титраб, қақшаб симиради у
Тошқосада аччиқ айронни.

Бўёқлари ўчган дарича,
Катта йўлга термулар ҳайрон,
Неча кунким бу остонага
Қадам босмас бирор тирик жон.
Е алхазар!
Бугун эшикни
Кимдир қоқди,
Йўталди биров.



Чолнинг тили айланмай қолди,
Муз танига туташди олов.
— Кимса-ан?...
— Тезроқ эшикни очгин!
Мен бойликман —
Қудрати якто.
Етти қават осмон остида
Мендай улуг топилмас асло.
Умр бўйи мени кўмсовдинг,
Мана, ўзим келдим қошингга.
Чол аламли ингради:
— Э-воҳ!
Ураманми энди бошимга!
Дариг тутма диёнатингни,
Ола қолгин омонатингни.

Узун тунлар бошланди яна
Алоқ-чалоқ тушлар, шайтонлар.
Бугун оқшом унинг тушига
Кириб чикди қора илонлар.

Эртасига...

Эшикни ногоҳ
Тақиллатди яна аллаким.
Чол суюнди: «Оҳим, фиғоним
Кимларгадир етгандир, балким...»
— Кимсан?
— Эй, чол, кексайганингда
Кал бошингга бахт куши кўнди.
Мен — шухратман!
Етти иқлимда
Сендек номдор топилмас энди!
Чол мурдадай оқарди. Гўё
Йўқотгандай тамом ақлни:
— Эдимми? Хел..
Қутурган шерга
Отиш керак сендек шоқолни!

Дунё! Роса хўрладинг, майли
Энди эшит сўнги сўзимни.
Эртага ҳам олмасанг жоним
Ўлдираман ўзим-ўзимни!

Кун устига қўшин торти тун,
Сомон йўли булутга ботди.
Тонгда кўзи илинган чолни
Бир ғалати товуш уйғотди:
— Дўстингизман, эшикни очинг,
Жавоб беринг, жимсиз не учун?
Чолнинг тўнглаб қолган қалбига
Шуъла сочди митти бир учқун.

«Бу жаҳонда менинг ҳам дўстим
Бор экан-да...
Бор экан...
Ажаб!»
Бир куч унга мадад бахш этди
Эмаклади эшикка қараб.
Остонада мўйин бир киши
Турар эди мулоийм кулиб.
Чол гўдакдай хўнграб юборди,
Ҳаяжондан юраги тўлиб...

Одам олар одам тафтини
Ким наф кўрди зардан азалдан?
Хаста чол ҳам шу қун, шу кўйин
Фориғ бўлди дарддан, ажалдан.



Ичкиликбозлик — иллат!

СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ

Эр қанча кўп ичса, хотини ва болалари шунча кўп кўз ёши тўқади.

А. А. Семашко

Партия ва ҳукуратимиз оналар ва болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, уларнинг бахтиёр ҳаёт кечиришлари ва маънавий камолоти учун тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

Бугунги кунда бизда ижтимоий ҳаётимиз учун иллат бўлган ичкиликбозликка қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Ичкиликбозликка барҳам бериш эса оиланинг тинч-фаровонлигини, меҳнат қилиш гаштини, болаларнинг яхши тарбия олиб, соғлом ўсишларини, аёлларнинг оилавий бахт шуурини таъминлайди.

Она деган улуг зот бизда доим эъзозланади. Афсуски, баъзи аёллар борки, улар шу табаррук номга иснод келтиришади, ўз ҳаётларига, фарзандларининг келажакдаги тақдирига енгил-таклик билан қарашади, ичкилик ичишади. Хатто ҳомиладор-

лик ва эмизикли даврида ҳам ичкилик ичадиган баъзи аёллар учрайди. Ичкилик аёл организмга, ҳомиладорлик пайтида эса ҳомилага жуда ёмон салбий таъсир этади.

Баъзи одамлар ичкиликбозлик насл сурадимиз, деб сўрашади.

Биз клиникамиз мисолида бу борада турли ҳолларга дуч келямиз.

Мана бир мисол. Бир оилада ота-она ичкилик ичмаган даврида икки фарзанд ой-куни етиб соғлом туғилган. Ичкиликбозликка одатланганларидан кейинги туғилган тўртта боланинг ҳаммаси руҳан хаста бўлган.

Медицинада баъзи касалликларнинг наслдан-наслга ўтishi, баъзиларида эса касалликка мойиллик наслга ўтishi мумкинлиги аниқланмоқда. Нормал ҳаёт кечираётган кишиларда бу касалликлар келгуси авлодга ўтмаслиги ҳам мумкин. Аммо алкоголь оқибатида бундай касалликлар ғоят кучли кечганда наслга ўтади.

Ичкиликбоз ота-онадан кўпича ақли заиф, ногирон, чала, хатто майиб ва мажруҳ бола пайдо бўлади. Бундай ҳолларда бола вақтида туғилса-да меъридан анча енгил ва кичик бўлади. Бу болалар кейинчалик ўз тенгдошларидан кескин фарқ қилиб, жисмонан ва ақдан заиф бўлиб ўсадилар. Баъзан бош миясиз, бақасимон, боши катта, қорин бўшлиғи сувга тўла болалар туғиладики, уларнинг бош мияси ҳам жуда кичкина бўлади. Шундай болалар ўлик бўлади ёки туғилгандан кейин кўп яшайди. Баъзан уларнинг оёқ-қўли калта бўлиб, қинғир-қийшиқ туғилади.

Яна мисол. С. деган аёл клиникамизга бир ёшу икки ойлик касал боласини олиб келди. Гўдак атрофлича текширилганда, боши катта, оғзи доим очик, тили оғиз бўшлиғидан чиққан эди. Хуллас, у Даун касалига чалинган эди. Бола юролмади ҳам, гапиролмади ҳам. Кўзи ҳам хира кўради. Унинг бундай ногирон бўлиб туғилишига сабаб, ота-онанинг ичкиликбозликка муккасидан кетгани эди. Юнон файласуфи Диоген ақли кам болани кўриб: «Унинг онаси ҳомиладор бўлиши олдида отаси маст бўлган» деган экан.

Оилада асосий тарбиячи она ҳисобланади. Агар оила тарбиячиси ичкилик ичса, бу оила учун фожиадир. Рус халқида шундай бир нақл бор: «Агар эр ичса, уйнинг ярми ёнади, хотин ичса, уйнинг ҳаммаси ёнади».

Шуни ҳам айтиш керакки, баъзи бир оналар болаларини ухлатиш ёки иштаҳасини очиш мақсадида гўдакларига озгина

пиво ёки вино ичиришади. Бу билан улар ўз болаларини заҳарлаётганликларини тасаввур ҳам қилишмайди. Мурғак гўдак организмга бир томчи спирт жуда катта зарар етказиши, унинг ақлий қобилиятига, бош миясига ёмон таъсир қилади, қонини бузади. Уйку дорига ўрганиб қолган одамдек бола пиво ёки вино ичирилмаса ухламайдиган, серхархаша, кейинчалик тажанг ва асабий бўлиб қолади.

Маълумки, ичкиликбозликка ружу кўйилган ҳар бир хонадонда тўпалон, шовқин-сурон, безовталик авжга чиқади. Бундай оилада ўсаётган чақалоқ яхши ухлалмайди, тоза ҳаво билан нафас ололмайди, доимо жони халақ бўлиб туради. Оқибатда бола нимжон бўлиб, ҳар хил юқумли касалликларга тез чалинади. Ҳар бир хонадонда чақалоқларга тинч-осойишта шароит, тоза ҳаво, кўёш нури ва энг муҳими, ота-онанинг меҳри, онанинг мусаффо сuti керак. Ҳар бир ота-она фарзандининг соғлом туғилишидан тортиб вояга етишувига қадар жиддий масъулият ҳис қилиши лозим. Ахир, фарзандлар — бу бахтимиз, келажакимиз, умримизнинг давомчилари.

Ҳаётимиз фаровон, халқимиз бахт-саодатда, Ватанимиз кундан-кунга гуллаб-яшнаётган бир пайда ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Шухрат ТУРСУНОВ,

Тошкентдаги Педиатрия илмий-тадқиқот институти клиникасининг бош врач



Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 35-поликлиникада кўплаб тажрибали врачлар ва ҳамширалар фаол меҳнат қилмоқдалар. А. Жумаев фотоси

Янги секретарь

ҲИКОЯ

МАШИНА дала йўлидан гизиллаб учиб борарди. Унинг фараларидан тушган ўткир нур узундан-узун намхуш йўлни тозалаб, ювиб кетаётганга ўхшарди. Атроф жимжит. Фақат баъзан олисда, колхоз марказларида чироклар милтираб қолар, Ҳабибуллонинг хаёли ҳали у колхозга, ҳали бу колхозга кўчар, қайсисига нима зарурлиги ҳақида жимгина ўйлаб борар эди.

Унинг бу районга ишга келганига бир ҳафта бўлди. У ҳозирча район билан танишяпти. Ҳар кун азондан алламаҳалгача колхозма-колхоз, далама-дала кезади, раислар, бригадирлар, механизаторлар билан суҳбатлашади. Ҳар бир колхознинг умумий аҳволини синчиклаб ўрганиб, тасаввур ҳосил қилишга уринади. Мақтаб, боғчаларни кўради. Гапнинг тўғриси, ҳозирги кўрганлари уни жуда ҳам қаноатлантирмади. У хаёлан бошини кўтариб, шофёр йигитнинг елкасига, кейин қалпоғининг бир қулоғи диққат турсан бошига қаради. Бу йигит ҳам унинг учун янги. Лекин нимасидир унга ёқаяпти. У янги секретардан андиша қилибми, тортинибми, жуда ҳам гапирарди. Баъзан эса, сиз ўзингиз

қанақа одамсиз, деганга ўхшаб зимдан тикилиб қўярди. Ҳабибулло ўриндиқ четидаги китобни қўлига олди. Машина ичи қоронғи бўлса ҳам йирик ҳарфлар билан ёзилган Ойбек ва Навоий сўзларини ўқий олди. Китобни секин жойига қўйди. Яна шофёр йигитга қаради. У кўзларини йўлдан олмай индамай борарди.

— Чарчамадингизми, Набижон?

— Йўғ-е, — Набижоннинг овозида секретарнинг меҳрибончилигидан ўнгайсизликка тушгандай бир оҳанг бор эди. — Бунақа юришларга ўрганиб кетганмиз, хўжайин.

— Набижон, мени хўжайин деганга. Ҳабиб ака, деяверинг, хўпми?

— Хўп.

— Бадиий китобларни яхши кўрасизми?

— Энди, Ҳабиб ака, бекорчи вақтим кўп. Эснаб ўтиргандан кўра ўқийман-да. Шунақа китоблар борки, сира тамом бўлмаса дейман. Бошингни кўтармай ўқигинг келади.

— Тўғри айтасиз. Агар ҳамма китоб ўқигингизга ўргатолсак ёмон одамлар қолмасмиди, дейман.

Орага жимлик тушди. Набижон бошини салгина буриб унга бир қараб қўйди. Нимадир дейишга чоғланди-ю, яна тўхтади. Вуни



секретарь дарров пайқади.

— Бир нима демоқчимиди-нгиз? Айтаверинг.

Набижон яна бошини ярим буриб, бир қараб қўйди. Бу чиройли, олифанамо кўринган секретарь унинг кўзига борган сайин бошқачароқ туюлар, нимагадир унга меҳри ортиб, юрагида қандайдир бир яқинлик сезиб борар

эди. Секретарь ундан жавоб қутаётган эди.

— Энди... Тўғриси сўрайверайми?

— Фақат тўғриси.

— Ўзингизнинг шофёрингизни олиб келасизми?

— Қанақа шофёр? Менин шахсий шофёрим йўқ.

Машина бир силкиниб қандай-

НАСР ВА НАЗМ СОҲИБАСИ

(ЭСЛАШ)

Улуғ Ватан урушидан кейин, қайта тикланиш йилларида чиниққан, қад кўтарган адабиётимизга бир курум ёш ижодкорлар кириб келди. Улар орасида ўзининг ёрқин шеърлари билан чақнаб тургани Саида эди. Уша вақтда Андижонда, айниқса Асака томонларда кўп бўлардим, бошқа ёшлар қатори Саида Зуннунова билан ҳам танишиб, шеърларига консультациялар берганман, вазифам Ўзбекистон Ёзувчилари союзининг секретари, раисимиз Ойбекнинг топириги билан областларда яшовчи ёш қаламкашларни топиш, уларга ёрдам бериш — Республика ёш ёзувчилари билан ишлаш комиссиясига топширилган эди. Ингирмадан ортиқ консултация хатларимизни кейинчалик, баркамол қалам соҳибаси Саида Зуннунова айтиб юрарди.

Саида ажойиб шеърлардан ташқари ҳикоялар, киссалар ҳам ёзарди. Ўзбек совет адабиётимизда Ойдин опа Собировадан бў-

лак деярли хотин-қизлардан наср устаси йўқ эди. Адабиётимизнинг бу кемтик томонини тўлдирish у ёқда турсин, Саида ўз прозаси билан катта наср яратишини сезиб, бу ҳақда бир неча бор абадий йигитларда гаплашган эдик. Лирик шоира НАСР ботида дадил қадамлар ташлай бошлади. Адабиётимизда йирик адибалар етишмаётгани бизни ўйлатиб келарди... Саида Зуннунова сиймосида принципиал ва талантли адибани кўрган эдик. Халқимиз юрагига ҳамоҳанг яхши шеърлар — яхши! Бусиз адабиёт бўлмайди. Яхши ПОЭЗИЯ тезда муаллифига шон-шухрат келтиради. Аммо оғир қарвон — паровозга ўхшаб оғир юк тортадиган ПРОЗА дарҳол уюшган шина-вандалар диққатини тортмайди. Аслида халқ ҳаётини, курашини, ишини анча тўла куйлайдиган жанр насрдир. Саидахоннинг таланти, вақтида бу жанрга мурожаат этаётгани, қийинчилик ва тўсиқларни саботу иро-

даси ила енгаётгани бизда гоётда катта таасурот қолдирган эди. Андижондан бир яхши наср устаси чиқаётгани, яна бунинг устига унинг аёл бўлгани бизни жуда-жуда қувонтирган эди. Адабиётшунос олимларимиз Саида Зуннунова меросини ҳали чуқур таҳлил қилиб беришар, аммо, бу ижоднинг ноёблиги, агар у ҳаёт бўлганида Анна Караваева, Мариэтта Шагилян, Ванда Василевская, Антонина Коптеевалар каби машҳур романлар яратиб, республика адабиётимиз шаън-шавкатини яна ҳам баланд кўтарган бўларди.

Саиданинг иккинчи адабий умри бошланди. Гўзал Андижондан чиқиб, республика адабиётимиз осмонида қанот қоққан адига ижоди доимо халқимиз хўрмат-эҳтиромига муносибдир.

МИРМУҲСИ

дир дўнгликдан ўтди, ўннга бурлиди.

— Шуми сўрамоқчи бўлган нарсангиз? — секретарнинг овози унга дағалроқ эшитилгандек бўлди. Жавоб беролмай қолди. Узим ишлашвераманми, демокчи эди у, айтолмади. Лекин Ҳабибулло бунни тушунди.

Секретарнинг овозидаги дағалликни, гапирмай жим бўлиб қолганини Набижон бошқача тушунди. Гапирганига минг пушаймон эди.

Машина секинлаб каттагина дарвоза ёнида тўхтади. Ҳабибулло эшонни очиб чиқар экан:

— Эрталаб вақтлроқ келинг, — деди. Набижон ҳам машинадан тушди. Багажникини очиб, йўл-йўлакай дастурхонга ўралган зуун алланарсани қучоқлаб кўтарди-да, Ҳабибуллонинг кетида юрди. Дарвоза устида чироқ нурида қорайиб турган тугмачага қўл чўзган Ҳабибулло тўхтаб, унга ўгирилди.

— Нима бу?

— Қўй.

— Қаердан олдингиз, ким берди?!
Секретарнинг овозидаги жаҳл ва совуқ оханг Набижонни додиратиб қўйди.

— «Кизил юлдуз»нинг раиси, — деди эшитилар-эшитилмас.

— Қайтариб жойига қўйинг! Тегманг. Эрталаб вақтли келинг, тушундингизми?! — у кескин бурилиб тугманга босди. Дам ўтмай, шип-шип оёқ товуши эшитилди.

Кейин хотини Дарвозани очди. — Келдингизми? — деди меҳрибонлик билан.

Дераза ойнасидан ўлгининг юзи кўринди. Кейин, дадам экан, дегани эшитилди.

Ҳабибулло индамай уйга кирди. Пальтосини ечиб илди-да, кўчлар ўрни-ўрнига тушиб, сал уй афтига кириб қолган хонага кўз югуртирар экан, алланарсалар тахтоғлик турган диван четига ҳорғинлик билан аста ўтирди. Ичкари уйда ўғиллари дупур-дупур қилиб ниманидир талашшар, кичкиниси хиққиллаб йиғлар эди.

— Бўлди, жим бўлинглар! — деди онаси уларга, кейин эрига юзланди. — Қорнингиз очиди? Овқат олиб келайми?

Ҳабибуллонинг қорни оч эди. Лекин бирдан иштаҳаси бўғилди. — Ҳеч нарсга егим йўқ. Иссиқ чой бўлса.

Ҳабибулло бир-икки пиёла чойни қуруқ босиб-босиб ичиб, папирос чекиш учун айвонга чиқди. Ҳаво совуқ эди. Авжи киш бўлса ҳам ерда қор йўқ. Баъзан булут ёпирилиб келиб ёғмоқчидек таҳдид қиларди-ю, яна ўтиб кетарди. Ҳабибулло осмонга қаради. Булутлар орасида онда-сонда юлдузлар милтирайди. Кунни бўйи қар-қар деб чарчаган қаргалардан яланғоч теракнинг учигаги шохлари ларзон бўлиб турибди. Қор ёғса бўларди, вақт ўтиб кетяпти, деб ташвишларди Ҳабибулло. Унинг бунақа лавозим-

да биринчи ишлаши бўлмаса-да, янгитдан иш бошлаш доим қийин бўлади. Ҳали ҳамма нарсани кўнглидагидек изга солиб олгунча қанча вақт, қанча куч керак. У қайтиб уйга кирди. Ҳозир унинг кайфияти яхши эмас, калласида минг хил ўй, минг хил фикрлар кезади. Кечаси ҳам яхши ухлай олмади. Юрагининг аллакаери ачишар, камситилган, ҳақоратланган одамдек ўзини қўйишга жой тополмас, беором эди.

Бир вақтлар ёшгина Йигитлигида дадаси қаттиқ оғриб қолиб, Тошкентда, касалхонада ётган эди. Уни олиб келгани Ҳабибулло борди. Поездга чиққанларида купега каттагина чамадон кўтарган ўрта яшар, қувноқина бир жувон кириб келди. У бир зумда Ҳабибуллонинг дадаси билан узок вақтдан бери таниш одамдай ҳолаҳвол сўрашиб кетди. Унинг касалхонадан чиққанини эшитиб, кўнглини кўтарадиган яхши гаплар айтди. Аслида жуда камгап бўлган чолнинг дили очилиб, ўрнидан туриб ўтирди. Шу вақт кутилмаганда ёшгина милиционер йигит купега кириб, жувондан чамадонини очини талаб қилди.

— Ургилиб кетай, укажон, — деди жувон шарақлаб қулиб, — синглиникига меҳмонга келудим. Болаларимга олган совғасаломдан бошқа ҳеч нарсга йўқ.

— Ундай бўлса, яна яхши. Уз сўраб хайрлашамиз. Қани, очингчи! Документингизни, билетингизни кўрсатинг.

Жувон милиционернинг юзига жиддийликни кўриб, чолга, Ҳабибуллога бир қараб олди, милиционерга:

— Юринг, бу ёққа чиқайлик, — деди.

— Опа, вақт кетапти. Ади-бади айтишишнинг фойдаси йўқ. — Милиционер ўриндик тагидаги чамадонни олиб аёлга буйруқ оханди:

— Очинг! — деди. Жувоннинг ранги оқариб кетди.

— Майли, чамадонни олиб кетаверинг. Жон ука, болаларим бор, ўзимга индамасангиз бўлди. Бўйларингиздан ўргилай, раҳмингиз келсин.

Милиционер қулоқ солмади. Чамадон очилди. Ичи тўла аёлларнинг ипак ички кўйлаги. Милиционер уларнинг бир четини кўтариб, алланарсани излади.

— Ериқлари йўқ, Тушунарли. Қани, юринг, — Милиционер чамадонни кўтариб жувонни олди солганига чиқиб кетди. Ҳабибулло ҳам, дадаси ҳам хангманг бўлиб қолишган эди.

— Таваба, — деган эди ўшанда дадаси анча вақтдан кейин ўзига келиб. — Бунақа оч одамлар қаердан пайдо бўларкин-а?! Ҳамма ёғдан куч ёғилиб турибди. Ишласа-ку бўлади. Очлик, суқлик — хўрлик келтиради, деб беркорга айтишмаган. Ҳазингиз изат-нафини бир зумда оёқ ости қилди-я.

Нимагадир ҳозир Ҳабибуллонинг хаёлига ана шу воқеа кел-

СОДДА, ЛЕКИН ГЎЗАЛ ШЕЪРИЯТ

Тожикистондаги чинни заводи ишчилари билан учрашувимизни кўп эслаيمان. Ишчи қизлардан бири: «Саида Зуннунова шеърларини севиб ўқийман, кўпларини ёд биламан. Уни мафтункор шоира деб атагим келади. Лекин, инсон сифатида бу шоира ҳақида кўп нарсаларни билмайман. «Нилуфар» шеърлар тўпламини кўлдан кўймайман. Дастхат ёздириб олмоқчи эдим... Афсус...», мазмунини да менга хат йўллади. Ушанда шоира шеърига боғланган мухаммасни ўқидим, хаяжонданми, изтиробданми, кўп гапларни айта олмадим...

Саида опа ўз шеъриятидай содда, ташки бекасиз инсон эди. Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейидаги портретини кўрганмисиз? Худди адабга ҳозиргина турмуш юмушларидан ҳалос бўлиб, пешбандини бир четга олиб, илҳом оғунида қолгандай. Атлас кўйлақларнинг кизғин нурлари юзларига уриб турибди. Унинг гўзаллиги соддалигида эди...

— Нодирахоннинг юзларига термулиб, тонг оттирган кечаларим кўп бўлган, — деган эди Саида опа бир суҳбатидан.

У шеърига, ижодига ҳам ана шундай қаттиқ меҳр қўйганди.

У янги шеър тугилганида ўқувчига тезроқ ҳавола этгиси, унинг фикрини билгиси келарди. Унинг поэзиясида «қофиябозлик»га маҳддлик йўқ эди. Унинг ёзганлари — юракда тобланган фикрларнинг «суврати» бўлиб, ҳар сўзда маъно зичлиги бор эди.

Фараанд давлатидан бир четда қолиб, Ийманиб яшаган хотинлар ҳақи...

Саида Зуннунова — аёл руҳий дунёсини бутун мураккаблиги билан акс эттира олган адабга. Унинг «Елгизлик» ва «Келинлар» ҳикояларини, «Қўллар» асарини ҳар ўқиганда Аёлнинг хонадон чироғи эканига, меҳнат, садоқат билангина Аёл гўзал аталмоғига яна бир қарра ишонасиз. Асарларидаги бу ёруғлик шонранинг ўз ҳаётини, ижодини нурафшон этган ҳислатлар эди.

Майса ниш урибди ариқ бўйида
Биринчи севгидай бирам бегубор.
Кўёшга талиннинг қиёқларида
Биринчи севгининг соддалиги бор.

Энг синовли, мушкул дамларда Инсон ўзлигини йўқотмаса, ўз эътиқодига содиқ қола олсагина, ҳақиқий Инсон аталади. Ешликнинг муҳаббат ва бахт тўла йилларини ҳам, турмушнинг машаққатли кунларини ҳам бу вафодор аёл Саид Аҳмад билан баравар баҳам кўрди.

Бахтингни эшитсам, бахтиёрдекман,
Ғамингни эпитсам, гуноҳкордекман.
Гоҳ ўзим хўрлаган меҳринг, ишқингни
Ўзим ташнадекман, ўзим зордекман.

Саида Зуннунова прозада ҳам, поэзияда ҳам доимо энг зарур мавзуларни қаламга олди. Прозасида шоирона оҳанг, тугён барқ

уриб турарди. Шеъриятда эса лириканинг оташин намуналарини яратди.

Йўлларида бекадр тупроқ бўлишга розиман,
Кўйида мендек, Саида, бир гадоси бўлмас!

Ўзбек аёлининг хоксорлиги, шарқона мубталолик ҳам шоира ижодининг кўрки бўлса ажаб эмас.

Истагим: қўшалоқ очилган гудай
Меҳнат, муҳаббатда турсак ёнма-ён, —

деб ёзганида эркин, тенг, бахтли муҳаббат, мағрур аёл овози янграйди.

— Шеърларимни ўқиганларнинг дардларини ҳар бир сатрим малҳам бўлиб даволаса, бир лаҳзагина ўйлайиб, ҳаёлга толдира... меҳнатимдан рози бўлар эдим, — 50 йиллик юбилеи олдидан ўтказилган бир учрашув кечасида Саида опа айтганлари ёдимга тушади...

Осилгим келади ёшлик барига...

На чора, йиллар кемага ўхшаб, бизни ёшлик сохилларидан тобора олиста олиб кетаверади. Лекин ҳақиқий шеърят чекига ёшлик билан йўлдошлик бахти, заҳмати тушади. Саида Зуннунова шеърятини ёшлик даврасида тинглайман, унинг қўшиқлари юракларини бир-бирига боғлайди, яшартиради. Унинг сўзларини қитбоҳон ҳар ерда излаб, кўмасаб, соғиниб ёдлаб юради.

Жуда кўп мухлислари қатори ўша чинни заводнинг ишчиси ҳам Саида Зуннунованинг «Нилуфар» шеърлар тўпламини ва рақлар экан, гўзал сатрларни шивирлайди. У гул солган чинни пёллалар жарангида ўзбек совет шоирасининг тиник, барҳаёт овози борлигини билади. Бу чинни пёллалар минг даража иссиқликда тобланиб, худмондан чиққандек, шоира сўзлари ҳам юрак кўрасида ёниб чиққан. Зеро, шоира айтганидек: «Ёнмаган юракни нима қиламан!»

Ойдин ҲОЖИЕВА

ган эди. Кейин Набижон кучоқлаб турган гўшт кўзига кўриниб кетди. Унинг бунақа воқеаларга биринчи дуч келиши бўлмаса ҳам бундай муомалани сира хазм қилолмас, кечиролмас эди. Отаси кетмон чоғиб нечта болани катта қилган. Наҳотки иккита боласини ҳалоллик билан боқолмаса. У аввал колхозда табелчи бўлиб ишлади, кейин бухгалтерлик қилди. Яна кўтарилди раис бўлди. Мана, бир неча йиллардан бери раҳбарлик лавозимида ишлаб келяпти. Хукумат унга шунча яхшилик қилди, ишонди. Бутун бир районнинг тақдирини, раҳбарлигини қўлига топшириб қўйса-ю, у шунча пасткашликка борса-я.

Ҳабибулло кечаси билан ўрнига тикан сепилгандек ухломмай чиқди.

Эрталаб Набижон келганида у аллақачон кийиниб, тахт бўлиб қараб ўтирган эди. Ҳаво аввалгайдай совуқ, майда нарсалар пуркаб ётар, лекин қорга айланиб кета қолмас эди. У колхозларга кетса ҳам аввал идорага бир кириб чиқарди. Шунинг учун уни Набижон тўғри райкомга олиб келди. Ҳабибулло машинадан тушар экан:

— Гўштни олиб кириб, менинг хонамга қўйиб чиқинг, — деди. Ҳеч нарса тушунмаган Набижон хайрон бўлиб бағажиники очиб, гўштни олди-да, кўтариб ичкарига кириб кетди. Ишга келаётган бир-иккита ходимлар унга таяж-жуб билан қараб қолишди. Ҳабибулло уларнинг саволи назарларига ҳеч нарса демая, У ёқ-бу ёқдан гаплашиб бир нафас тўхтади. Ичкаридан Набижон чиқди.

— Энди бориб, — деди Ҳабибулло унга, — «Қизил Юлдуз»нинг раисини олиб келинг. Шу машинада олиб келинг, тушундингизми? Ҳеч нарса деманг. — Набижон бош қимирлатиб машинаси томон кетди. Ҳабибулло райкомнинг узун коридоридан аста юриб ўтиб, кабинетига кирди. Пальтосини ечиб илиб қўйгач, қора куюқ сочларини бармоқлари билан тарар экан, охишта юриб стол ёнига келди. Энгашиб календарнинг варағини очди. Бугун «Ленин йўли» колхозидан бўладиган партия мажлисига қатнаши керак. Бу унинг асидан чиқмаган бўлса ҳам календардаги ёзувни кўргандан кейин фикри яна тиниқлашди. Ен дафтарига алланарсаларни ёза бошлади.

Пастгина қилиб қўйилган приёмникдан майин куй эшитиларди. Ҳабибулло уни баландатди. Турғун Алиматов сетоьда «Наво» куйини чаларди. Ҳабибулло қайтиб жойига ўтирди. Столга тирасакларини тираб, бир кафтига пешонасини қўйганча жим бўлиб қолди. Симлардан ажиб бир майин, ҳазин оҳанг тараларди, юракларни пора-пора қиларди. Бу куй гўё ўзининг нурдан яралган бармоқлари билан одамнинг ичидан виждонини, юрагини бу ёққа сугуриб олиб, унинг қатига бутун илатларни, ҳаромликни, нопокликни кесиб ташлаётгандай, вужудингдаги бутун губорни сиқиб чиқариб, софликни, энгилликни қолдиришга уринаётгандай, яхшиликка, одам бўлиб яшашга ундаётгандай эди. Ҳабибулло қимирламасди. Бурчакда, полга тўшалган газета устида оёқ-қўллари тарва-

қайлаб кечаги қўй ётар, ярим очик дастурхондан ёғ битган семиз биқини кўриниб турар эди. Ҳабибуллонинг кечаги азоби янгиланди. Шиддат билан ўридан туриб ниманидир гапириб ётган приёмникни ўчирди. Хона жимжит бўлиб қолди. Рўпарада, деворда Владимир Ильич Лениннинг кепка кийиб кулиб турган сурати осиглиқ эди. Ҳабибуллонинг кўзи унга тушди... Хаёл билан бир нафас туриб қолди. Владимир Ильич, қаранг, нималар қилишмоқчи. Сиз бўлсангиз нима қилардингиз буларни? Не-не азоблар, не-не орузлар билан қурган давлатингизнинг хузурини шунақалар кўриб ётганини билсангиз, нима қилардингиз? Азиз Владимир Ильич, Сиз бу тўқинчиликларнинг бир кунини кўрганингиз йўқ. Азобини, меҳнатини тоттасангиз, холос. Уқ тешган нимдошгина пальтонингизни кўрганман. Ҳозир битта, иккита, йўқ, бешта, ўнта пальтога ҳам қаноат қилмайдиганлар бор.

Эшик шиддат билан очилдию Ҳабибуллонинг хаёли бўлинди. Семиз, юзлари қизил, бағбақаларни осилган бир одам унга қўллари чўзиб кўришгани келарди.

— Нима гап? Тинчликми? Зудлик билан борар экансиз, деб қолди шофёрингиз.

Секретарь совуққонлик билан қўл олиб кўришди-ю, стул кўрсатиб ўтиришга таклиф қилди. Раис ўтираётги кўзи гўшгга тушди. Ранги бир оз ўзгариб, киприклари лирпирлади. Ютиниб, савол назари билан унга қараганича

аста стулга чўкди.

Ҳабибулло гапни бошлай қолмасди. Ҳозир келган одам — энг донгдор колхознинг раиси. Ҳабибулло бориб кўрди, ишлари ҳам чакки эмас. Лекин нима заруратдан... Ёки одамгарчилик деб ўйла-яптими?. Бундайларнинг шунақа таъзирини бериш керакки, пора-хўрга ҳам узатолмай қолсинлар.

Раиснинг сабри чидамасди. Узи гап бошлади:

— Кўнглингизга каттиқ теккан бўлса, кечирасиз. Янги кўчиб келган одам ҳам янги рўзгордек бўлади, деб ўйлаб қилган ишим эди.

Секретарь истеҳзоли кулиб, унинг кўзларига қаради. Мумкин қадар ўзини ваэмин туттишга ҳаракат қилди. Босиқ овоз билан деди:

— Бир кило гўшт икки сўм туради. Хотиним ишлайди, ўзим ишлайман. Хукуматнинг бергани бурни-қулоғимдан чиқади. Ҳали қозонимда ҳаром нарса қайнаган эмас.

Раис қўлини кўксига қўйди: — Уэр. Иккинчи бундай қилмаганим бўлсин. Бу галгисини кечиринг, узр. Номаъқулчилик қилибман.

— Ҳозир олиб кетинг. Бирон бригаданинг қозонига солинг. Ҳали айланб ўтганимда ўша жойда бир тишлам тотиб қайтарман.

— Йўғ-е, бу галгисини кечиринг, даяпман-ку!

— Олиб кетинг! — бу қатъий буйруқ бошқа гапга ўрин қолдирмаган эди.

— Ахир бемашина келганман, — деди довдираб қолган раис қўллариини ёшиб.

— Кўтариб олиб кетинг. — Секретарь, гап тамом, дегандай орқасини қилиб юриб кетди. Раис бир унга, бир гўшгга қаради-да, нима қилишини билмай, ноҳор, қалта қўллари билан кўйини кучоқлаб даст кўтарди. Яна тарадуд билан секретарга бир қараб қўйди. Унинг қовоғи солиқ, юз-да ҳеч юмшаш белгиси йўқ эди.

Раис эшикни аста очиб, қабулхонага чиқди. Котиб қизинг таажжубли назарига қовоқ солганича коридорга ўтиб кетди. У районнинг энг ўқтам, эрка раисларидан эди. Туғилганидан бери ҳали бунақа шарманда бўлмаган эди. Райкомнинг коридори ҳозир унинг назарига яна ҳам узайиб кетган эди. Учраганларнинг савол билан бақрайиб қолишлари айнакча оғир ботарди. Бир зумда терлаб кетди. Оёқларида мадор қолмагандай эди. Гўшт шу тонда жуда оғир туюлар, кучсизланган қўллари ҳозир уни отиб ургиси келар, лекин баттар шарманда бўлишдан кўрқарди. Аксига олгандай шу бир қадам йўлда нечта таниш уради. Аллақандай йиғинга тўлиналиб турган бир тўда лекторлар гапларидан тўхтаб, бирданига унга қараб қолишди. Раис бир қоқилди-ю, йиқилмади. Кўчага чиқди.

— Олиб бориб ташласанг-чи! — деди машинада китоб ўқиб ўтирган Набижоннинг ёнига келиб. Набижон кўзларини катта очиб, бир гўшгга, бир раисга қаради. Масалани тушунгандек илжайди:

— Ҳабиб акам жилмагин, деганлар.

Раис катта йўл четига ўтиб, ўткинчи машиналарга қўл кўтарар, қўлидаги гўшт ҳадеб сирпаниб тошиб кетар, дастурхоннинг бир учи йўлда чуваланиб борар эди. Юк машиналарининг бири унинг ёнида тўхтади:

— Ҳа, раис бува? — деди шофёр эшикни очиб.

— Ол, манави падари қусурни!


Шофёр гўштни тортиб олди. Кетидан раиснинг ўзи ҳам кабинетга чиқиб ўтирди. Машина гуриллаб юриб кетди. Бу қўшни колхознинг машинаси эди. Раис терлаган юзи, бўйинларини рўмолчаси билан артарди, қўллари билинар-билимас титради. Оёғи остидая қўй унинг эркинроқ ўтиришга ҳалақит беради. У қўйини бир тепди. Шофёр йигит хайрон бўлиб унга қараб қўярди-ю, раиснинг жаҳлини сезиб, нима гап, деб сўрашга ботинолмасди.

— Бу янги райкомимиз ёшгина эканку-а, — деди шофёр бир раисга, бир йўлга қараб. Раис индамади. Унга секретардан алам ўтганини билмаган шофёр йигит яна сўради:

— Қалай, дуруст одамга ўхшайдими?

Раис шофёрга ўқрайиб бир қараб қўйди-да:

— Йўлингга қара! — деди ўшқириб. Шофёр сўраганига пушаймон еб, газни каттиқроқ босди. Машина бир силкиниб тезлади. Ойнага йирик-йирик қор учқунлари келиб урилар, йўлнинг икки четида уфққача чўзилган дала бошланган эди.



Н. Иброҳимов чизган расм




23 февраль —
Совет армияси ва
Ҳарбий-денгиз флоти
куни





М. НАВИЕВ. ГИЛАМЧИЛАР.



М. ҚОЗИЕВ. БРИГАДИР.



Р. ВИКО. ТУШЛИК ПАЙТИДА.



М. ЕСИН. КОН.

В. ПЕТРОВ. ОРОЛДА.



Алишер НАВОИЙ

* * *

Чу «Хайрат»қа солдим кўнгул рағбатин,
Анга голиб эттим удус ҳайратин.

Чу «Фарҳод»га бўлдум андешавар,
Туз эттим баса тоғ — ўлуб тешавар.

Чу «Мажнун» ҳадисига туздум фунун,
Баса халқни қилди шайдо жунун.

Яна «Сабъа»га таълим ўлғоч қарин,
Эшиттим ети чархдин офарин.

Скандарга тил гортиб озар киби,
Дедим они «Садди Скандар» киби.

Таносуб била ақл номовари,
Деди отини «Садди Искандарий».

Чу бўлди бу маъвашлар ороста,
Ҳамул навъким сарви навхоста,

Дема сарв, ҳар бир риёзи биҳишт,
Ели хосиятда масиҳо сиришт.

Лағофат аро юз биҳишти барин,
Равон ҳар бири ичра минг ҳури ийн.

Бу беш ганжаниким қушод айладим,
Варақ узра они савод айладим.

«Хамса»дан

Ч. АҲМАРОВ. БАҲРОМ ГҮР ВА ДИЛОРОМ.

(Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри фойеси деворига ишланган расм).



Алишер Навоий ҳайкали. (Тошкент).

НАВОИЙ ИЖОДИ — ИЛҲОМ МАНБАИ



В. И. Ленин номли Тошкент метросининг иккинчи йўли очилиши муносабати билан яна бешта ер ости қасри халқимизга хизмат қила бошлади. Улардан бири улуг ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий номи билан аталади. Метронинг мазкур бекати қасрини атоқли санъаткор, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Чингиз Аҳмаров раҳбарлигидаги бир гуруҳ ижодкорлар — ҳайкалтарош Аҳмад Шоймуродов, таниқли кулол Аҳмад Аминов, ёш, умидли рассомлардан Икром Қюмов, Умар Маматбоев ва Саъдулла Маматхонов беазаганлар.

Маълумки, Чингиз Аҳмаров узоқ йиллар мобайнида улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижодидан илҳомланиб, республикаимиз бадий ҳаётида ёрқин из қолдирадиган қатор ажойиб асарлар яратди, тасвирий санъатда беш юз йиллик анъанага эга бўлган навоийшуносликда янги саҳифа очди. Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг деворларини беазаган нафис расмлари, Адабиёт музейининг катта зал деворидаги улуг шоир шеърятига бағишланган туркум асарлари, «Сабъан сайёр» дostonидаги етти иқлим гўзаллари сиймолари, «Алишер Навоий мажлисида» номли улкан полотно ва кўплаб алоҳида дастгоҳли расмлари шулар жумласидандир. Рассомнинг Шарқшунослик институти фойеига ишланган эпик расмлари, Самарканддаги «Юлдуз» чойхона-ресторани деворидаги, Сочидаги «Ўзбекистон» санаторийсига ишланган ва шу каби бошқа қатор асарларида ҳам Алишер Навоий даврининг руҳи, шоир эстетикаси, Шарқнинг улуг рассоми устод Камолиддин Бехзоднинг брхаёт анъаналари ўз аксини топган.

Чингиз Аҳмаров Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат Катта академик опера ва балет театри биноси деворларига ишланган маҳобатли асарларида улуг шоир эпик меросига, дostonлари мавзуига мурожаат қилиб, маълум даражада Шарқ миниатюра расм санъати анъаналаридан баҳраманд бўлиб, совет замонамизга мос, ҳозирги бадий эстетик талабларга жавоб бера оладиган асарлар яратди. Мана, қирк йилдири, бу ажойиб расмлар томошабинларни Алишер Навоий дostonлари қаҳрамонларининг ёрқин сиймолари билан ошно этиб, уларга эстетик завқ бағишлаб келмоқда.

Расмларнинг бирида «Айнул ҳаёт» чашмасидан «Баҳрун нажот» аригига сув очган Фарход кўли кўксидан, гўзал Ширинни қарши олапти. Янги «Баҳрун нажот» — яъни нажот аригига қараб, сувнинг раvon оқидишдан беҳад шод бўлган Ширин юзидаги пардани олиб, Фарходга ўз миннатдорчилигини изҳор қилмоқда. Бутун халқ нажот ариги-

га сув очилганидан, асрий орау си ушалганидан беҳад шод. Гўёки шоир тасвирлаганидек:

«Халойиқ ичра гағво тушти харён,
Улус ичра алоло тушти харён».

Бу ажойиб манзара шоирнинг «Фарход ва Ширин» дostonидаги энг муҳим воқеага бағишланган бўлиб, расмда юксак маҳорат билан тасвирланган. Рассом фойдаланган нафис ранглар уйғунлиги, нозик ва оҳангдор чизиклар, фон учун танланган нақшкор бино кўриниши, кийгос гуллаган дарахт шоҳлари, кишиларнинг кийимларидаги беазакар ва расм четидидаги ганч нақшлар барчаси асосий воқеа — янги нажот аригига «Айнул ҳаёт» чашмасидан сув очиб маросимини жуда кўтаринки руҳда ўтаётгани, кишилар ҳис-ҳаяжони ва шоду хуррамлигини ёрқин ифода этишга хизмат қилади. Тасвирдаги шоирона лирик кайфият, нафис ва жозибали рангларнинг ўзаро мутаносиблиги, ҳар бир деталнинг аниқ ифодаси, асар тархнининг пухталиги, чизиклар нозиклиги атоқли рассомнинг театрдаги бarcha асарлари учун ҳам характерлидир.

Бошқа бир расмда «Лайли ва Мажнун» дostonидаги, жамият нуфузлари томонидан рад этилган пок муҳаббатга туйфайли даштга чиқиб кетган, жониворлар ва табиат билан ҳамдард бўлган Қайснинг олдига севгилиси Лайлининг бориши, уларнинг учрашув ҳолати акс эттирилган. Улуг шоир томонидан бекиб ёхтирос билан куйланган Лайли ва Қайснинг ушбу дийдорлашув лаҳзалари рассом мўйқаламида ҳазин, лирик оҳанг касб этган.

«Сабъан сайёр» дostonига ишланган Баҳром ва Дилоромнинг овдаги баҳси манзараси, «Садиқ Исқандарий» дostonига ишланган Исқандарнинг ёвуз кучлар тимсоли Яъжуж ва Маъжуждан халқларни химоя қилиш учун улкан девор қурдираётган ҳолати ва умуман барча расмлардаги умумий нафислик, чизиклар нозиклиги катта залдаги ажойиб ганч беазакарлига жуда монанд тушганлиги билан кишини мафтун этади.

Театрдаги деворий расмларга атоқли рассом қатор ўтмиш мусаввирлари томонидан қайта-қайта мурожаат қилинган анъанавий мавзуларни танлаб олган бўлса-да, баъзи ўринларда уларнинг ижодий ютуқларидан ўринли ва меърибдира фойдаланиш билан бирга, образлар талқинида, воқеаларга муносабатда бутунлай ўзига хос йўл тутди. Натижада улуг шоир дostonлари анъанавий мавзулари Чингиз Аҳмаров мўйқаламида янгича талқин қилинди. Бизнингча, бу расмларда улуг шоирнинг замонамизга ҳамоҳанг ўлмас гоёлари — меҳнат ва му-

қаббат, тенглик ва адолат тўғрисидаги ораулар Улуг Ватан урушидан кейин вайрон бўлган шаҳарларни тиклаётган голиб совет халқининг яратувчилик фаолиятига мос бўлиб кўринади. Гўёки, улуг шоир Алишер Навоий бундан беш аср муқаддам тараннум қилган илғор ва тараққийпарвар гоёлар ўзбек совет рассоми асарларида янги оҳанг, янги жило ва сайқал топгандай.

Чингиз Аҳмаров театр деворларига расм ишлаш жараёнида улуг шоир асарларининг бир умрлиги муҳлиси бўлиб қолди ва кейинги фаолиятида уларга қайта-қайта мурожаат қилди. Юқорида номлари тилга олинган асарлар Совет Иттифоқидаги етук мутахассислар томонидан тан олиниб, театр биносини беазада иштирок этган академик А. Шүсөев, нақшошлар уста Ширин Муродов, Тошпўлат Арслонқулов ва бошқалар қаторида СССР Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. Эндиликда бу ажойиб расмлар ўзбек совет тасвирий санъати тўғрисидаги кўплаб фундаменталь тадқиқотларда ўрганилмоқда ва махсус альбомларда қайта-қайта чоп этилмоқда.

Алишер Навоий номли Адабиёт музейининг катта залидаги улуг шоир шеърятига бағишланган деворий расмлар ҳам атоқли рассом ижодидан алоҳида ўрин тутди. Бу ўнта расм-лаҳзаларда ўзбек тилида «кўп ва хўб шеър айтгон» беназир Алишер Навоий шеърятининг мавзу доираси кенглиги, юксак бадий савиясини намоиш этадиган шеърлий парчалар мазмуни акс эттирилиб, улар шоир маънавий-бадий олами мазмунан бой, юксак ижод махсули эканлиги ва уларда инсонпарварлик гоёларининг тараннум этилиши ана бир қарра, тасвирий санъат воситаси билан таъкидланади. Расмларда улуг шоирнинг ажойиб мисралари рассом мўйқаламида яна янги жаранг, янгича ифода ва таъсир кучига эга бўлгандек кўринади.

«Навоий шеърятини» номли туркум расмларида Чингиз Аҳмаров ўтмиш мусаввирларининг яна бир анъанаси, хаттотлик ва рассомликнинг ўзаро ҳамкорлигини ифодалади. Бу туркум лаҳзалар ягона композицион мавзу асосида яратилган бўлмай, ҳар бири алоҳида-алоҳида мустақил мазмунга эга шеърлий парчалар мазмуни акс эттиришга бағишлангандир. Лекин ҳар бир мустақил лаҳза расмлар қадимий миниатюра санъати анъанасига биноан ягона, умумий фонда яхлит асардай, катта полотнодек туюлади. Қолаверса, уларни умумий услуб ва улуг шоир шеърятини бирлаштириб тургандай. Ҳар бир лаҳза расм Алишер Навоийнинг энг яхши ва характерли ғазалларининг матлаъси — би-

ринчи байтининг мазмунини очиб беришга хизмат қилади.

Лаҳза расмларининг бирида шоир қаламга олган сарвиноз гўзал чанг торларини чертиб, ўз кайфиятини, руҳий ҳолатини мусиқа оҳанглари ёрдамида изҳор қилмоқда. Гўзал тасвирининг бир оз юқорисида настаълиқ хатида қуйидаги машҳур матлаъ битилган:

«Ун саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажабким, сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур».

Яна бир лаҳзада ёш лирик қаҳрамон ҳол-беҳол, истар-истамас дутор чалиб ўз дардини, ғамини куйламоқда. Унинг юқорисида қуйидаги икки сатр ёзилган:

«Не наво соэ айлағай, булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такулум, шакарнетотдин жудо».

Расмларнинг яна бирида васл боғи оғушида учрашувдан маст бўлиб сайр қилиб юрган икки бахтиёр — йигит ва қизни кўрамыз. Лаҳза ёнида улуг шоирнинг орзу ифодаланган матлаъ:

«Не хуш бўлғай иковлон маст бўлсак васл боғинда,
Қўлум бўлса анинг бўйнида», оғзим кулогинда».

Музей зали деворидаги ҳар бир лаҳза расм алоҳида мазмунга, мустақил композицион ечимга эга бўлса-да, улар ягона манзара фонидан ўзаро боғланиб, уйғунлашиб, катта эпик характер касб этади. Улуг шоирнинг ажойиб шеърларини ўқиб, атоқли рассомнинг нафосатга тўла, жозибадор расмларидан завқланиб, томошабин ўзини беҳосдан гўё шеърят ва гўзаллик чаманига тушиб қолгандай ҳис қилади, Алишер Навоий даҳосига, шоиргаъб рассом маҳоратига таҳсин ўқийди.

Расмлардаги қаҳрамонлар руҳий кечималарида бутунги инсон қалбидидаги энг нозик ва эзгу туйғулар, уларнинг ўз дарди, орзу, шодлиги билан бирга тасвирлангандай кўринади. Ушбу расмлардаги лирик қаҳрамонлар сиймолари ўтмиш миниатюра расмлари яратган улуг шоир образларининг тасвирий санъатдаги галереясини маълум даражада кенгайтиради, тўлдирди.

Адабиёт музейидаги ана шу деворий расмлар ва ўзбек совет тасвирий санъати тараққиётига қўшган катта ҳиссаси учун Чингиз Аҳмаров Ҳамаза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотиغا сазовор бўлган эди.

Алишер Навоий номли метро бекатини безатишининг атоқли рассомга топирилиши ҳам унинг улуг шоир ижодини тасвир санъатида ифодалашда тўплаган катта тажриба ва хизма-

тининг тан олиниси деб тушуниш мумкин.

...Улуғ шоир номи билан ата-ладиган метро станциясига кириб борамиз. Кираверишда Алишер Навоийнинг нуруний сиймоси қарши олаётгандай туюлади. Унинг икки тарафида, ўнг ва чап томондаги деворий лавҳаларда шоир шеърятни қахрамонлари образлари бўртма расмда акс эттирилган. Бу лирик қахрамонлар сиймоси билан танишар экан, киши беихтиёр Алишер Навоий шеърларини эслайди. Мана, шоирнинг маҳбубасини тасвир этаётган мусаввир. Унга қараб, Алишер Навоий шундай дегандек:

«Ювидек мумкин эрмас, эй мусаввир чекма захматким,
Қуёш журмин қўшиб хал айласанг ранг ўлгуси зоё».

Еки:

«Мусаввирик қилур куйи гардининг рақамин,
Қўюнгки, кўзга чекай сурма милидек қаламин».

Бошқа бир лавҳа расмдаги гўзал маҳбубага қараб, улуғ шоир куйидаги шеърини битаётгандай кўринади:

«Эй кўнгул, яхши икки дунёдин,
Бир назар қилса, санга дилдоринг».

Созанда маҳбуба образи эса Зухра сайёрасига қиёсланаётгандай:

«Зухра йўлида тузуб наво зер,
Мутриблардек бўлиб миёнгир».

Алишер Навоий шеърятини ёрқин образларга шу қадар бойки, расомлар улардан энг характерлиларини танлаб тасвирлашган. Шунинг учун бўлса керак, бир лавҳа расмини кўриб, улуғ шоирнинг бир неча шеърини парчалари ёдга тушиши мумкин. Мисол учун қийғос очилган гуллар ва шаъмга қиёсланган гўзал маҳбуба образини олиб кўрайлик. Уни кўргач, Алишер Навоийнинг:

«Жонни жонон истаса, қилмоқ тааллул хўб эмас,
Найласун жон, улки бўлғай, сен киби жанона хўб»

байтини эслаш мумкин. Еҳуд:

«Хусни ортар юзда зулфин анбар афшон айлагач,
Шаъм равшароқ эрур, торин паришон айлагач»

байти асосида яратилган дейиш ҳам мумкин.

Расмларда йигирманчи аср, яъни замонамиз руҳи ҳам уфуриқ турлади. Улуғ шоир лирик қахрамонлари сиймолари яратилар экан, расомлар унинг шахсиятини ҳам четлаб ўтишмаган. Чап томонда иккинчи расмдаги шоир сиймоси унинг куйидаги фахрияси асосида яратилган:

«Дедим: Назм аҳлининг сархайли ким бўлғай, деди хотиф;
Навоий бўлғай, улким, сен тилайдурсен агар бўлғай».

Қизгин ижод билан банд улуғ шоир сиймосини кўрган одам унинг куйидаги байтини хотирлайди:

«Менки эллик йил чекиб гам,
топмадим хушвақтлғи,
Топгаменму умринг эмдики,
ўтмиш хушпроғи».

Лекин халқаро анжуманлар, кинофестиваллар ва конференциялар шаҳри бўлган Тошкентдек Шарқ машъали метросида Алишер Навоийнинг:

«Одами эрсанг демагил одами,
Оники йўқ, халқ ғамидин ғами»

каби ҳикматлари ва бошқа ибратомуз шеърини лавҳалар битилганда ҳам нур устига аъло нур бўлур эди.

Алишер Навоий шеърятини қахрамонлари сиймолари билан танишиб бўлгач, ўзинюрар зиналар ёрдамида станциянинг асосий залига тушамиз. Рўпарада бизни ажойиб гулдор гилам кутиб олади. Ичқарида эса киши ўзини афсонавий ер ости қасрига тушиб қолгандай ҳис қилади. Юқорида гулдор гумбазлар, баланд устуллар, икки томон деворига нақшли гиламлар осилгандай.

Қаср ўртасида эса Алишер Навоийнинг машҳур «Хамса» тўпламидаги дostonлар маъзуну асосида яратилган бўртма расмлар жойлаштирилган. Улар ҳам гилам услубидаги нақшин композициядан иборат бўлиб, марказий доираларда қахрамонлар сиймоси акс эттирилган. Унг томондаги деворда «Сабъан сайёр» дostonи бош қахрамонлари Баҳром ва Дилором тасвири туширилган. Енидаги расмда эса «Сади Исқандарий» дostonи қахрамонлари — Исқандар ва бош муҳандис. Бош муҳандис сиймосини ҳам ижодкорлар Алишер Навоийнинг ўзига ўхшатиб яратганлар. Чунки улуғ шоир ўз даври ободончилик ишларига жуда катта эътибор берар эди.

Чап томондаги деворда «Фарход ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» дostonи қахрамонлари тасвирланган. Бирини, нажот ариги битиши муносабати билан уюштирилган бамда Фарҳодни Ширин меҳмон қилаётган ҳолат. У ибo Фарҳодга шарбат узатмоқда.

Иккинчи расмда эса Лайли ва Қайснинг даштдаги учрашув чоғи акс эттирилган. Бу воқеа бошқа расмлардан фарқлироқ, гамгин, ҳазин йўналишда яратилганки, машҳур образлар киши калбида беихтиёр ҳамдардлик ҳиссини уйғотади. Метронинг бу станцияси, ҳеч шубҳасиз, ўзбек тасвирий санъатидаги навоийшуносликнинг янги босқичидир.

Шу ўринда Чингиз Аҳмаровнинг «Биз ўз ижодий меҳнати-миз билан халқимизнинг бадиий дидига мос келадиган, улуғ Алишер Навоий яратган образларга яқинлашадиган асарлар ярата олсак, ўзимизни бахтиёр ҳисоблардик», — деган гапини эсладик. Дарҳақиқат, ўз халқига маъқул ва манзур бўладиган асарлар яратган санъаткорлар бахтиёрдирлар.

Чингиз Аҳмаров яратган тасвирий санъатдаги навоийнома халқимиз маънавий ҳазинасидаги ажойиб дурдонадир.

Абдурамажид МАДРАИМОВ,
санъатшунослик кандидати

Зоҳиджон ОБИДОВ

Мужассам дир

Сенинг кўйингда, юртим, минг фидо жон айласам камдир,
Олислаб кетгудай эрсам,
хаёлим сен билан жамдир.
Эрурсан мунчалар мунис,
кўзимга тўтиё гардинг,
Сувинг жон роҳати, ҳар бир —
жилойинг тотли оламдир.
Шарафли Иттифоқ ичра
сен ҳам эъзоли маъвосан,
Ки тенглар ичра тенгликда
азиз номинг мукаррамдир.
Сенга шону шараф келса,
кўнгил тоғлар қадар ўсгай,
Йўлинг пахтаг қоби оппоқ,
келар қулар муаззамдир.
Жамолингни кўриб, ўлкам,
кўнгил боғлар қадар яшнар,
Камолингга камол қўшган
аҳил эл шоду хуррамдир.
Садоқат бирла Зоҳиджон
агар авжингни мадҳ этса,
Поёнсиз ўлкага меҳру
муҳаббат ҳам мужассамдир.



Етар энди

Баҳор бўлмай, гуллар хушбўй сочарму,
Булбул келиб ишқ дардини очарму?
Жон журажон, дилда ишқ ўт ёкмаса,
Ошиқ кўздан ҳар кеч уйқу қочарму?

Боқмай кўйсанг, гумонда дил эзарман,
Кўнгил чўкиб, ўзни гариб сезарман.
Кўрмай қолсам, сирмай бу кенг жаҳонга,
Тўрт томонга шаббодадай кезарман.

Етар энди дардингда дил йўнмоғим,
Қачон келгай вусолиннга қонмоғим?
Борми булбул бўлиб сенинг қошиңгда
Зоҳиджондай ишқ утида ёнмоғим?

Эй, менинг оташ кўнглим

Умр ўтмоғин қўймас,
Хорма, ҳамон ёш кўнглим,
Ҳаёт шавқин сўндирма,
Эй, менинг оташ кўнглим.
Ииллар юки тобора
Кифдан зилдай босса ҳам
Қадимни буктирмасдан
Беравер бардош, кўнглим.
Қара, баҳор онига,
Еру кўкда латофат,
Кўкдам билан ҳамиша
Бўлавер қўлдош, кўнглим.
Тонг боқмоқда онадек
Елқанда тутиб қуёш,
Тонглар тароватига
Ўзни эт йўлдош, кўнглим.
Ғунчалар табассуми
Элга гул этмиш инъом,
Ғунчалар ҳимматиға
Бўлавер сирдош, кўнглим.
Чаманда қумри, булбул —
Хониши этсин афсуи,
Қўшлардай қўкка талини,
Довонлардан ош, кўнглим.

Ез иссиқ кўйин очса,
Ҳар гал тўкилик бошлаб,
Ездан ўқтамлик ўрган,
Менинг серкўёш кўнглим.
Булут йўлатма асло
Орзулар осмонига,
Мисли тиник булоқдай
Мудом қайнаб тош, кўнглим.
Қузда нозу неъматдан
Мевазор шоҳи ларзон,
Саҳий қуздай борлининг
Элга тўкиб соч, кўнглим.
Сочу соқоли оппоқ
Файласуфдай қиш боқса,
Иссиқ-совуқдан дарс ол,
Товламадан бош, кўнглим.
Табият ҳеч тенги йўқ
Буюк устода аъзам,
Табият фарзандини
Кўзинг катта оч, кўнглим.
Ишқ деган сеҳр ҳам бор,
Ишқисиз менинг ўлганим,
Ишқдан ажрама, аммо —
Бўлмагил бебош, кўнглим.

Услуб ЖИЛОЛАРИ

Социалистик реализм турли услубий изланишлар, оқимлар ва йўналишлар замирида таркиб топган, ривожланган ва янги воқеликни бадий ўзлаштириш натижасида юзага келган методдир. Шу сабабли, услуб хилма-хилликлари социалистик ҳаётнинг ижтимоий-маънавий тараққиёти, ижодкорларнинг воқеликни бадий ўзлаштириш ва эстетик таъсир кўрсатиш имкониятларини камраб олади. Айни пайтда, услуб хилма-хилликлари социалистик реализмнинг ўз қонуни ва принциплари — ҳаётни революцион тараққиётда ва ривожланишда ҳаққоний акс эттириш асосида таркиб топиб, жамият тараққиётининг ҳар бир даврида замон руҳини ифода этувчи хусусиятлари билан эътиборни тортади.

70—80-йилларда яратилган ўзбек романларининг услуб хусусиятларида айрим муштарак жиҳатлар билан бирга янги, ўзига хос қирралар мавжуд. Ёзувчилар услубидаги бундай хусусиятлар инсон шахсининг хилма-хил жиҳатларини бадий тадқиқ этишга интилиш, тарихий шахсларнинг ҳақиқат, адолат учун олиб борган курашларини тасвирлаш, илму идрок равнақи йўлида чеккан изтироблари, ўй-кечинмалари моҳиятини бадий таҳлил этишга мойилликда кўзга ташланади. Энг муҳими, бундай самарали жараён мазмун ва шакл қатламлари ўз ичига олади.

Агар А. Қодирӣ, С. Айни яратган романларда шахснинг жамиятдаги ўрни аниқлаш ва инсоннинг ўз идеали учун



курашини жанрга хос кенг қўламда тасвирлаш етакчилик қилса, Ойбек, А. Қаҳҳор яратган романларда замонавий рух, жамият тараққиётдаги етакчи тенденциялар моҳиятини ёритишга интилиш, янги ифода воситаларини танлаш ва бадий тил имкониятларидан унумли фойдаланиш хусусиятлари бўртиб туради. Бундай анъаналар бугунги кунда Ўйғун, Қомил Яшин, Саид Аҳмад, Ҳ. Ғулום, Мирмуҳсин, О. Ёқубов, П. Қодиров Ў. Хошимов каби санъаткор адиблар томонидан ривожлантирилади, ўзбек тарихий романларининг замонавий қиммати юксалиб бораётир.

Услуб хилма-хилликлари социалистик реализм принципларига мос тарзда юзага чиқади. Социалистик реализм тушунчаси талқинида ёзувчининг социал-сиёсий қарашлари, социалистик ғоянинг аҳамияти ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бирок, ҳар қандай ғоя фақат ўз мазмунига мос реалистик шаклдагина юксак бадий қимматини ташкил этади. Бу социалистик реализмнинг ғоявий ва эстетик жиҳатдан мустаҳкам диалектик боғлиқликда ривожланишини кўрсатади. Шунинг учун социалистик ғоявий йўналишдаги асарларга социалистик мазмун ва реалистик шаклнинг гармоник бирлиги талаблари жиҳатидан ёндошиш мақсадга мувофиқдир. Реалистик шакллари бадий гавдалантириш усуллари ва воситалари бўлган услуб хилма-хилликлари бадий шакл ва мазмун бирлигининг ички диалектикасига бўйсунган ҳолда юзага чиқади. Ҳамид

Ғулוםнинг «Мангулик» романида Ўзбекистон қишлоқларида Совет ҳокимиятини тиклаш, кескин синфий курашлар жараёнида маданий инқилобни амалга ошириш каби мураккаб давр қаламга олинади. Ёзувчи инқилобий замон руҳини, ҳаётдаги тараққиёт динамикасини акс эттиришга мос услуб оҳангини танлаган. Натижада ёзувчи услубининг асосий элементи бўлган баён усули воқеалар тезлигини ифода-лашга уйғунлаштирилган. Воқеалар ривожидида тезкорлик, персонажлар ҳатти-ҳаракатларидаги шиддаткорлик ҳам ўзаро муштарак. Шу сабабдан, қаҳрамонларнинг ўй-мулоҳазалари, туйғулари, кураш интилишларидаги динамизм сезилиб туради. Буни романининг бош қаҳрамони Масъуд образи орқали кузатиш мумкин.

Маданий инқилоб йилларида Хўжакеңт қишлоғига юборилган икки ўқитувчи синфий душманлар томонидан ўлдирилди. Мазкур жиноятни асосли далиллар орқали очиш вазифаси ёш чекист Масъуд Маҳкамовга топширилади. У Хўжакеңтда муаллим сифатида иш олиб боради. Айни пайтда душманлар уясини топиш ва уларнинг қирқдорларини фож этиш учун катъий кураш бошлайди. Романдаги «қотилларни топиш ва жазолаш» билан боғлиқ сюжет линиясидаги воқеалар асосида синфий душманлар Норхўжабой, Шерхўжа, Нормат Эшон, Салоҳиддин қори кабиларга қарши кураш олиб борган Исоҳқ оқсоқол, Андрей Пронин, Алимардон Сатторов каби маданий инқилоб вакилларининг образлари гавдалантирилади.

Услуб ҳодисасининг сержило ва кўп-қирралиги ҳар бир асар услубида икки тенденция: объектив ва субъектив тасвир ва ифода йўналишининг мураккаб диалектик яхлитлиги мавжуд эканлиги билан изоҳланади. Биринчисида ҳаётни айнан тасвирлаш устунлик қилса, иккинчисида ҳаёт ҳодисаларини бадий идрок этиш натижасида юзага келган муаллиф ғояси, бадий тўқима ва фантазияси қалқиб туради, воқеаларга нисбатан субъектив муносабатни бадий талқин ва тадқиқ



Самарқанд шаҳри ёнидаги қадимги Афросиёб шахристонида археологик текширишлар давом этмоқда. Суратларда: 1. Эрамизнинг VII асри ўрталаридаги Самарқанд ҳукмдорлари саройининг ўрни.

2. ЎзФА Археология институтининг кичик илмий ходими Марина Реутова қадимги нақшларни тикламоқда.

А. Ванштейн фотолари

этиш етакчилик қилади. Санъаткор адаблар ижодида образ яратилганда ҳар иккада жараён ўзига хос бирликини ташкил этган ҳолда намоён бўлади. Айни пайтда, уларнинг нисбати муттасил ўзгариб, тебранама ҳаракатни ҳосил этганлигини кузатиш мумкин. Бундай ҳодиса ёзувчининг гоъвий-эстетик максдадига мувофиқ рўй беради. Хусусан, «Мангулик» романида асар конфликтини ташкил этган қарама-қарши синфий кучларнинг муросасиз курашини тасвирлаш максдадига мотарда объектив элементлар — эпик баён шакли субъектив элементлар (туйгулар коллизияси, психологик тадқиқ ва бошқалардан устунлик қилади. Табиат лавҳалари, персонажлар портрети тасвири, лирик чекинишлар, муаллиф изоҳлари, қаҳрамонларнинг ўй-кечинмалари хилма-хил баён усуллари воситасида ифода этилиб, ўзаро чаতিшиб кетади. Муҳими, барча услуб воситалари асар гоъясини ёритишга, янгиликнинг эскилик устидан ғалабаси моҳиятини ифода этишга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, муайян бир асарнинг гоъвий-бадий салмоғини фақат ёзувчининг объектив ва субъектив услуб типларидан қай даражада фойдаланганлигига кўра баҳолаш бйрққламаликдан иборат. Ёзувчининг интеллектуал даражаси, санъаткорлик маҳорати асарга сингдирилган гоъянинг салмоғи ва кўламига, ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришдаги халқчил мазмунига, характерлар ва тўқнашувларнинг таъсирчанлигига кўра белгиланади. Шундай проза асарлари борки, улардаги тасвир сунъийлиги ҳаёт қарама-қаршиликларини, характерларнинг мазмун кўламини, характер ва шароитнинг диалектик боғланишини ифода этишга ожизлик қилади. Табиийки, бундай асарлар китобхонга эстетик таъсир кўрсатишга хизмат қилмайди.

«Навой», «Ҳамза», «Улугбек хазинаси», «Темур Малик», «Зебунисо», каби асарлар марказида Навоий ҳамда Улугбек, Темур Малик, Зебунисо каби тарихий шахслар ҳаракат қилса, «Меъмор»да ёзувчининг ижодий фантазияси орқали кашф этилган тўқима образ — оддий халқ устаси, унинг машаққатли ҳаёт йўли, орзу-ўйлари бадий гавдалантирилади.

Зеро, тарихийлик ва замонавийлик ҳар қандай роман моҳиятини ташкил этувчи омиллардир. Замонавий мавзуда асар яратган ижодкор замондошимизнинг изланиш-интилишларини, бугунги куннинг муҳим ижтимоий-маънавий муаммолари билан боғлиқликда тадқиқу таҳлил этади, муҳим умумлашмалар яратиш орқали фаровон ҳаётимизнинг янада юксалиши учун ҳисса қўшади. Тарихий мавзуда қалам тибратган адиб эса, ўтмиш ҳаётни бадий гавдалантириш орқали типик шароитларга мот характерлар яратади, тарихий ҳақиқатни бадий ҳақиқатга «айлантириш» орқали ўтмиш сабоқларини бугунги кунга хизмат қилдиришга эришади. Айни чоғда тарихий ҳодисаларни бадий тасвирлаш орқали тарих ва замон, ўтмиш ва бугунги кунни ўзаро боғловчи инсонпарварлик гоъяларини, умуминсоний ва умумбашарий муаммоларни тадқиқу таҳлил этишга имкон яратади. Шу каби муаммолар ва салмоқдор гоъя руҳи сингдирилган манзаралар тасвири эса, эҳтиросга йўғрилган ифода-воситасидагина таъсирчанликка эришади. Чинакам истеъдод ҳарорати ила яратилган тасвир фалсафий оқими билан табиий кечинмалар, туйгулар тафтини уйғунлаштирган ҳолда таъсир кўрсатади. Мана бир мисол: «Мирзо Улугбекнинг ҳаёлига келган бу фикр қалбда ёнган оловга сув сепгандай таъсир этди-ю: «Шаҳзода! — деди ўзини босиб. — Фозилу фузало қоронғуда адашиб юрган башариатнинг йўлидаги ёруғ машъадур! Машъални ўчирмоқни тилаган шох ўзи зулмат кўйида йўл тополмай қоладур! Мен сенга жоним ачиганидан, сенинг тақдирингни ўйлаган қйблагохинг бўлганимдан бунга айтмоқни лозим кўрамен!»

Юрак музлашини, қалб изтиробини, ҳислар тугёнини шунчаки тасаввур этиш мумкиндир, бироқ бундай ҳолатнинг ёрқин ифодаси таъсирда бехитёр ҳар бир кечинма қалбдан ҳис этилади, ҳар бир туйғу борлигини эса кўчиб ўтди... Угли томонидан мағлۇб этилган Улугбек — шох кечинмалари ва Улугбек — ота изтироблари қалбнинг эсини боғи боради. Қаҳрамон дунёсида содир бўлаётган туйгулар исёни шу даражада таъсирчан ифодаланганки, бутун эътиборимиз қаҳрамон ҳолатига, ота ва ўғил муносабатига жалб

этилади. Бу муносабат замиридаги меҳр-муҳаббатдан йироқ бўлган ғазаб ва нафрат моҳиятини идрок этишга қаратилди. Чунки, Оди Екубов «Улугбек хазинаси» романи саҳифаларидан бошлаб ота ва ўғил муносабати моҳиятини шахс ва замон тўқнашув заминиде ёритишга интилади. Улугбек ва Абдуллатиф муносабатлари феодализм ҳукмронлиги даврининг чиркинликларини фош этади, шу билан бирга ўз даврдан бир поғона юқори турувчи Улугбек шахсининг зиддияти ва мураккаб инсоний дунёсини тасаввур этишга имкон яратади.

Социалистик реализм методи хилма-хил услубларни, айни чоғда, ёзувчининг бир неча асарига хос умумий ва хусусий услуб хусусиятларини ҳам ўз ичига олади. Ёзувчи ижодида услубнинг ранг-баранг қирралари товланиб туришини, аммо маълум бир услубга мойиллик мавжудлигини назардан қочирмаслик лозим. «Мангулик» романида шартли-детектив усул, «Меъмор» романида умумлашма, «Темур Малик» романида эса изчил реалистик шакл билан фантазия унсурларининг бирлигидан ташкил топган алоҳида таҳлилийлик услуби, «Улугбек хазинаси» романида услубнинг турли унсурлардан таркиб топган услуб кўп қирралилиги мавжуд. «Олмос камар», «Дённат» каби романларда ҳам услуб бирикмасининг муайян хиллари устунлик қилади. Демак, услубнинг лирик, шартли-романтик, умумлашма-синтетик, таҳлилийлик, кўп-қирралилик кўринишлари реализмнинг тасвирий ва ифодали воситалари сифатида ижод объектига ранг-баранглик, ёрқинлик бахш этади. Услубнинг объектив ва субъектив типлари ёзувчи учун ҳаётни кенг миқёсда ва чуқур бадий тадқиқ этиш имкониятини яратганидай, услубнинг ифода воситалари замон руҳини ақс эттирувчи гоъяларни ҳаққоний образлар тимсолида гавдалантиришга хизмат қилади. Санъаткор адиб услубдан сайхал олган ҳаётий характерлар китобхонга эстетик таъсир кўрсатиб, юксак бадий қимматни ташкил этади, илмий-эстетик фикр тараққийига ҳисса қўшади.

Марғуба МАРҚОСИМОВА,
Тошкент Давлат Педагогика институтининг аспиранти.

ТАДБИРЛИ ГОВМИШ

Бу воқеа Татаристон АССРнинг Ляйшево районидаги Бровое Матушнэно қишлоғида юз берди.

Бундан уч-тўрт йил муқаддам эр-хотин Алексеевлар ўзларининг Червоика лақабли ситирларини алмаштириш хусусида маслаҳатлашдилар. «Ахир, Червоика бизни ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери сут билан таъминлади, энди бу жонивор қартайиб қолди», дея фикрлашди эр-хотин.

Бироқ Червоика лақабли ситир эгаларининг ундан қутулмоқчи экинликларини сегаданиб, Алексеевлар хонадонининг эмас, тева-варак-атрофдагиларини ҳам хайратда қолдирди. Биринчидан, Червоика ҳар йили иккитадан болаёйдиган бўлди, иккинчидан, сутани

кўшайтирди. Уттан йили эса бир йўла Алексеевлар хонадонига учта бузоқ ҳаёда этди! Говмишнинг ҳам бинойидек: уй бекаси Алексеева ҳар кун ситирларни рошна-роса икки черак сут соғиб олади. Шунчалик ҳимматдан кейин қайси хонадон ўз ситирини алмаштиради. Ҳа, говмиш Червоика учун қариллик писанд эмас.

ИТНИНГ САДОҚАТИ

Оренбург область Орек шаҳридаги кўҳна уч қаватли уйлардан бирининг чордоғида кечкурун ишлайтган электр пайванчи тахта-тўсиклар устига бир нечта учкун сағраганига эътибор бермади. Ваҳоянки, ана шу учкунлар кўр олиб, тонга яқин ёнгига сабаб бўлди.

Борди-ю уйда спаниел зотли, Тин лақабли ит бўлмаганда гўшт комбинати ходимлари — Волковлар хонадон бошига оғир мусибат туپшини мумкин эди. Тонга яқин Тин тинимсиз вовуллаганча хонадон эгаларини уйғотди. Сунгра у олти ёшли Денис ётган хобхона уйга кириб, каравотга сакраб чиқди-да, тумшуги билан болани «турткилади». Бола уйқудан қизғонгандек эриқчоқлик билан ўғилдан турди-ла, остонага чиқди. Уша тонда кичкина Денис ётган хонанинг ёниб туғабтган шифти пастга кулаб тушди.

Уйда истикомат қилаётганлар ва зудлик билан етиб келган ўт ўчирувчилар дарҳол ёнғини жйволадилар. Ингилганлар ўшанде итнинг иксонга садоқатини ана бир қарра ҳис этдилар. Тиннинг хушёрлиги туфайли кичкина Денис омон қолди.



ҚЎРИҚЧИ ҚАРЧИҒАЙЛАР

Париждаги Шарл де Голь номи Руасси аэропорти устида ўн бешта қар-

чиғай ҳар кун икки марта — эрталаб ва кечкурун қанот қоқиб, шу атрофда яшайдиган чағалалар, балкичи кушлар ва чугурчуқларни овлашга тушади. Аэропорт дирекцияси хавфли ҳалокатларга сабаб бўлаётган кушларга қарши худди шу йўл билан курашишга қарор қилди. Ҳар кун 400 та самолёт учиб кўнадиган макур аэропортда фақат ўтган йилнинг ўшада 355 та самолёт кушлар билан тўқнашувга учради. Натижада аксарият самолётларнинг двигателларини тугатишга тўғри келди. Сунгра ўн йилда 34 та самолёт худди шундай сабаб билан ишдан чиқди.

Махсус ўргатилган қарчиғайлар билан ўтказилаётган синов бир неча ойгача давом этади. Мабодо, бу синов ўзини оқласа, қарчиғайлар аэропорتنинг «штатли» кўрақчилари бўлиб қоладилар.

БУХОРО — асрлар давомида улкан Шарқнинг илму маърифат ва маданият марказларидан бири сифатида жаҳонга донг кетган қадимий шаҳар. У ўтмишда савдо-сотик, маданий муносабатлар жиҳатидан Урта Осиёдаги Самарқанд, Тошкент, Термиз, Насаф (Қарши) ва Марв (Марий) шаҳарлари қаторида турган.

Урта асрларда Бухоро Мовароуннахрнинг йирик савдо, хунармандчилик ва маъмурий марказларидан бўлиб, Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларини Хиндистон ва Хитой билан боғлаган қадимий халқаро савдо йўли ана шу шаҳар орқали ўтган. Бу қарвон йўли қадимда «Улуғ ипак йўли», «Олтин йўл», «Шоҳроҳ» — яъни «Шоҳ йўли» номлари билан аталган.

Зарафшон водисининг қуйи қисмига жойлашган бу шаҳар тарихда Бухорхудотлар (V—VIII аср), Сомониёлар давлати (IX—X аср), Бухоро хонлиги (XVI—XX аср боши) маркази эди. Чунки бизнинг давримизда Бухоро Халқ Республикаси (1920—1924 йил)нинг пойтахти бўлган. Узининг бой ва қизиқarli тарихи, ажойиб меъморий обидалари, машҳур олим ва алломалари

хий фожияларни бошидан кечириб, ҳатто 1220 йилда Чингизхон қўшинлари томонидан баътамом ер билан яқсон қилиб ташланган бўлса-да, аммо маълум муддатдан сўнг, одатдагидек айни аввалги ўрнида кул ва тўзон ичида пайдо бўлган. Шаҳарнинг мана шундай қисмати оқибатида унинг тагида қалин маданий қатлам ҳосил бўлган. Асрлар давомида шаҳар бағрида сақланиб келаётган моддий маданият қолдиқлари Бухоронинг узок ўтмишини, унинг ёши ҳақидаги муаммога ойдинлик киритадиган бой тарихий манбага айланган.

Бирок, олимлар ўртасида қизиқиш қанчалик оғир бормасин, шаҳарнинг остки қатламларини қазиб тадқиқ этиш осон иш эмасди. Бухоронинг қадимги қисми ҳисобланган эски маҳалларда жойлашган зич турар жойлар ва тарихий обидалар кенг қўламда археологик қазिशмаларни амалга ошириш учун имкон бермади. Қолаверса, қазиб очилган участкаларда ер ости сувларининг жадал кўтарилиши унинг остки қатламларини кавлаб очишга тўқсизлик қилди.

Бухорода дастлабки археологик тадқиқотлар ҳали ўттизинчи йиллардаёқ бошланган эди. Уша пайтдаги қазिश ишлари

ларини уюштирди. Даставвал 1970—1974 йилларда, сўнгра 1977—1980 йилларда Бухоронинг эски шаҳар қисмидаги бир неча жойда кенг қўламда археологик қазिशлар ўтказилди. Бу вақтда замонавий техника билан қуролланган археологлар гуруҳи янги усул ишлаб чиқишди. Эндиликда, одатдагидек майда қудуқлар эмас, аксинча катта ер участкалари қазиладиган бўлди. Аҳоли тигиз жойлашган бугунги Бухорода қазिशмалар учун очик майдонлар танлаш ҳам осон кўчмади. Нихоят, туристларга ҳам яхши таниш бўлган обидалар — «Зиндон», Масжиди Калон ва Мирараб мадрасаси, Тоқи Заргарон ва Абдуллахон тими ўртасидаги жой — 10—11 гектар майдонни ишрол қилган қадимий Шаҳристон ҳамда Арқнинг ялангликдан иборат шарқий қисми маъқул топилди.

Бу участкаларда юқори аралаш қатламлар қудратли экскаваторлар ёрдамида, осткиси эса фақат белкурак ва кетмонлар воситасида — қўлда қарийб 20 метр чуқурликда бир неча хандақлар қазилди, сизиб чиққан ерости сувлари насослар ёрдамида сўриб олинди. Деярли ҳамма қазимша участкаларида биз Бухоронинг ботқоқлик устида ҳосил бўлган қадимги рўйи

деворлари худди қат-кат қилиб пиширилган улкан «қатлама»ни эслатади. Девор бўйлаб турли сатҳда ўралар, атрофи пишқ гишт билан ишлаб чиқилган чуқур қудуқлар, турли томонга йўналган тазарлар (каналлизация иншоотлари), қувурлар, қудуқчилик хумдонлари, йирик хом гиштрдан қилинган қалин деворнинг вайронага айланган қолдиқлари, кучли ёнги ислари ва ҳоказолар кўзга яққол ташланиб туради. Булар, шубҳасиз, асрлар давомида шаҳарнинг барқ уриб қайнаган, жўшқин ҳаёти қолдирган ислар бўлиб, Бухоро шаҳрининг неча бор вайрон этилиб, неча бор қайта тикланганидан далолат беради.

Қазимшанинг энг остки қатламлари қутилмаганда жуда қизиқarli ва қимматли маълумотларни аниқлаб олиш имконини берди. Бухоро шаҳри ҳали қад кўтармасдан аввал ҳосил бўлган маъқул қатламлар ранги ва таркиби жиҳатидан бир-бирдан мутлақо фарқ қилиб, улар аҳоли бу ўлкага эндигина келиб ўрнашиб, уни ўзлаштиришга киришган узок ўтмишда бўлажак шаҳарнинг ўрни ва атрофларининг табиий манзарасини ифодалар эди. Ҳандақнинг энг тубида дарёнинг оқизинди қумлари ва ботқоқликдан иборат

БУХОРО НЕЧА ЁШДА?

Мунозара,
муҳокама,
мулоҳаза

яратган ноёб қўлзма асарлари туйфайли юксак илм ва маданият ўчоги сифатида Бухоро ҳамisha жаҳон шарқшўнослари диққат-эътиборини жалб қилиб келди. Шу боисдан бўлса керак, бугунги кунда Урта Осиёнинг бу кўхна шаҳри қачон пайдо бўлган, деган савол кўпчиликни қизиқтирмакда.

Маълумки, илм-фан ва маърифат бобида Узининг кўшган улкан хиссаси туйфайли илк ўрта асрлардаёқ «Қуббатул ислом», «Бухорои шариф» каби сифатлар билан бутун Шарқда шуҳрат топган бу кўхна шаҳар ёши «сир» бўлиб келди. Бизнинг давримизгача аниқ фактик маълумотларнинг етиб келмагани сабабли тарихчиларимиз Бухоро шаҳрининг ёши ҳақида бирор қатъий фикрни айтмасалар-да, бухороликлар айрим тарихий ривоятларга асосланиб, бу ерга келган саёхатчиларга: «Шаҳримиз уч минг йилдан зиёд тарихга эга», деган маълумотни уқтириб келишди.

«Шаҳар неча ёшда?» деган жумбоқни ечиш учун кенг қўламда тадқиқотлар, бевосита шаҳар территориясининг ўзида археологик қазिशмалар ўтказиш лозим эди. Чунки илк бор қад кўтарган ўзининг қадимий жойидан бир неча бор силжиган Самарқанд, Тошкент ва Қарши шаҳарларидан фарқли ўларок, Бухоро, гарчи жамики тақдирий фалокатлар ва тари-

шаҳардаги айрим монументал меъморий обидаларини тадқиқ қилиш, уларни таъмир этиш билан боғлиқ эди. Уша вақтларда Мағоки Атторий масжиди яқинида қазिशмалар олиб борган тадқиқотчи В. А. Шниқин ҳам, сўнгра 50-йилларда Минораи Калон пойдеворини қазиб очган археолог С. Н. Юрєнев ҳам ер ости сувларининг булоқдек қайнаб чиқishi оқибатида шаҳарнинг қадимги саҳнигача кавлаб етаолмаган эдилар.

Республикамиз территориясида шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва шаҳар маданиятининг ривожланиши тарихини ўрганиш муносабати билан 60-йилларнинг охирида академик Я. Ғуломов раҳбарлигида махсус археологик экспедиция ташкил этилди. У Бухоро шаҳри территориясида ҳам кўп йилларга мўлжалланган мунтазам археологик қазिश иш-

заминигача қазиб очишга муяссар бўлди. Унинг тупроғи устида асрлар давомида ниҳоятда қалин маданий қатлам вужудга келган экан. Қалинлиги баъзи жойларда 14 метр бўлса, баъзи участкаларда 20 метрга боради. Ундан топилган хилма-хил археологик топилмалар шаҳар ҳаётининг турли тарихий даврларига оид. Жумладан, қазимшаларнинг остки қатлаמידан чиққан ашёлар милодгача бўлган IV асрга тааллуқли бўлса, унинг юқори қисмида қайд этилганлари XIX аср охири ва XX аср бошларига мансуб.

Мана, Мирараб мадрасаси ва Тоқи Заргарон ёдгорлиги оралигида майдони қарийб 2500 квадрат метр бўлган қазилма хандақ. Унинг чуқурлиги эса 17,5 метр. Археологларимизнинг белкураги билан тик ва ниҳоятда текис кавлаб тузилган хандақ

қадимги рўйи замин устида ҳосил бўлган торф қатлами... «Торф қаватлари орасида ёввойи ва хонаки ҳайвонлар, парранда суюқлари, сопол идишларнинг бўлақлари учради. Қатлам шимолдан жанубга — Мирараб мадрасасига томон қалинлашиб, мадраса ҳовлиси остида унинг қалинлиги 7,5 метрга етади.

Бу қатламларнинг тадқиқоти шуни кўрсатадики, узок ўтмишда Зарафшон дарёсининг қуйи ўзанларидан бири ҳали Бухоро шаҳри вужудга келмасдан аввал, ҳозирги Абдулазизхон ва Улуғбек мадрасалари, Тоқи Заргарон, Мирараб мадрасаси, Минораи Калон ва Масжиди Калон меъморчилик ёдгорликлари ўрнидан оқиб ўтган. Унинг кенглиги 75—80 метрга борган. Зарафшоннинг бу қадимги қуйи ўзани ёзма манбаларда «Зарируд» ёки «Рудизар» номлари билан тилга олинади. Илк ўрта асрларда ҳам унинг оқими Пойканд шаҳригача етиб борган. Кўхна ўзанининг дарёвоти ва теварак-атрофини қоплаб ётган қалин бутазор ва тўқайларнинг асрий чириндиларидан Бухоро шаҳри остида биз кавлаб очган торф қатламлари ҳосил бўлган. Бу, шубҳасиз X асрда яшаган Бухоро тарихчиси Муҳаммад Наршаҳининг «Бухоро ўрнашган мавзе илгари ботқоқлик бўлиб, унинг баъзи ерларини тўқайзор, дарахтзор ва кўкаламзорлар ташкил этган, айрим жой-



лари эса шундай бўлганки, бироқ ҳайвон ҳам оёқ қўйишга жой топа олмаган», деб ёзиб қолдирган маълумотлари ҳақиқатга анча яқин эканини кўрсатади.

Археологик тадқиқотлар шунини кўрсатдики, Бухоро шаҳри даст-аввал мана шу Зарируд ўзанининг икки соҳилида алоҳида-алоҳида жойлашган учта мустақил қишлоқ шаклида қад кўтарган. Улардан бири дарёнинг ўнг соҳилида бино қилинган арк ва қолган иккитаси бир-бирига қарама-қарши жойлашган шаҳристон ва работлардан иборат бўлган. Шубҳасиз, бу қадимги уч қишлоқнинг атрофи ўша замонардаёқ алоҳида-алоҳида мудофаа деворлари билан ўраб олинган.

Бухоронинг қадимги тарихи саҳифаларини тиклашда 1979—1980 йилларда унинг қадимги аркида олиб борилган археологик қазинмаларнинг натижалари айниқса самарали бўлди. Энг муҳими, аркини ўрганиш тарихида биринчи марта унинг қадимги рўйи заминига қавлаб тушилди. Шаҳарнинг бу қадимги қисми остида ҳосил бўлган маданий қатламнинг қалинлиги 26 метрдан ошдиқроқ бўлиб, унинг остки қисмидан қавлаб олинган археологик топилмаларнинг энг кўҳнаси милoddгача бўлган IV—III асрларга мансуб эди. Моддий маданият излари орасида 15,5 метр ҳамда 18,5 метр чуқурликда қавлаб очилган қадимги икки мудофаа деворларининг қолдиқлари тарих фани учун ниҳоятда қимматли эди. Биринчи девор 2,5—3 метр, иккинчиси — 2—2,5 метр баландликда сақланган. Деворлардан биринчиси милoddнинг III—IV асрларида, иккинчиси милoddгача бўлган IV—III асрларда паҳсадан бино қилинган. Остки маданий қатламларнинг ҳосил бўлган сатҳига қараганда, арк қадимда Зарируд ўзанининг ўнг соҳилида жойлашган табиий дўнглик устида қад кўтарган. Теварак-атрофининг умумий рельефидан бу дўнглик 8—10 метр баланд бўлган экан. Қадимги Бухоро

аркининг икки дарвозаси бўлиб, майдони 1,5—2 гектардан ошмаган.

Археологик текширишлардан маълум бўлишича, Бухоронинг қадимги марказий қисми бўлган Шаҳристон аркдан хиёл шарқ тарафда дарё лабида — рельефи жиҳатидан аркка нисбатан анча-мунча пастроқ ерда жойлашган. Майдони 10—11 гектарга тенг бўлган. Мирараб мадрасасининг яқинида олиб борилган қазинмаларда 4,5 метр паствад шаҳристоннинг қадимги девор қолдиқлари мавжудлиги қайд этилди. Паҳса ҳамда йирик хом гиштлардан бино қилинган бу мудофаа девори 5—6 метр баландликда сақланган. Девор пойдевори остидаги маданий қатламлардан аниқланишича, у милodd бошларида қад кўтарган. Арслар давомида у бир неча бор таъмир этилган ҳамда қайта-қайта тикланган. Шу босидан ҳам девор арслар оша қалинлашиб, илк ўрта асрларда унинг кенглиги 17 метрга борган. IX асрда шаҳар территорияси кен-

гайиши оқибатида мазкур қадимий девор ўз аҳамиятини йўқотган. Унинг вайроналари устида турли хил ҳунармандчилик корхоналари барпо этилган. Қадимий девор ташқарисида дарё соҳили бўйлаб кенг йўл ўтган. Минорай Калон ва Масжиди Калон ораллигида шаҳристоннинг жанубий дарвозаси бўлган. Илк ўрта асрларда у «Мадина» дарвозаси номи билан юритилган. Археологик қазинишлар вақтида Мадина дарвозасининг ўрни ва мўласи (буржи)нинг қолдиқлари қавлаб очилди. Бу дарвоза томон йўнalgан катта кўча бўйлаб кейинги асрларда Масжиди Калон, Мирараб, Улугбек, Абдулазизхон мадрасалари ҳамда Токи Заргарон (заргарлик растаси) қад кўтарган.

Бухоронинг қадимги учинчи қисми ташки Зарируд ўзанининг сўл қирғоғида жойлашган бўлиб, у ҳам алоҳида мудофаа девори билан ўралган. Майдони 6—7 гектар бўлган. Бу район Минорай Калон ёдгорлигидан жануброқда жойлашган дўнглик-

дан иборат бўлиб, унда Бухоро қозикалонининг саройи бўлган. Қизғи шундаки, қавлаб очилган 18 метрли маданий қатламнинг 9 метри милoddдан олдинги IV—I ҳамда милoddнинг I—II асрларига мансубдир. Бу қатламда қайд этилган турли хил ашёвий топилмалар юқори сифатли шаҳар ҳунармандчилигининг маҳсули бўлиб, ўзига хос шаҳар маданияти шаклланишидан далolat беради.

Шундай қилиб, археологик тадқиқотлар натижасида биз Бухоро қадимда дарё адоғида бир-бирига ёнма-ён жойлашган учта алоҳида қишлоқ асосида пайдо бўлганини аниқлашга мумкин бўлди. Унинг остки маданий қатламларига тааллуқли ашёвий топилмалар милoddгача бўлган IV—III асрларга мансуб бўлиб, Бухоронинг 2300—2400 йиллик тарихга эга эканлигидан далolat беради.

Шуни қайд этиш керакки, Зарафшон водисининг куйи қисмида Бухоро шаҳрининг бунёдга келиши биқик ҳолда рўй берган тасодифий воқеа бўлмай, балки у бу ўлқанинг обод этилиши ҳамда воҳа бўйлаб шаҳар маданиятининг жадал ривожланиши тарихи билан чамбарчас боғлиқ ягона улкан ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараён эди. Бу жараён изларини қайд этиш учун бутун Бухоро воҳаси бўйлаб кенг кўламда текшириш ишлари олиб бориб, йирик археологик ёдгорликларни қавлаб, уларнинг остки қатламларини очиб кўриш зарур эди. Мана шу вазифани амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Археология институтининг Бухоро экспедицияси 1981 йилдан бошлаб қадимги Зарируд ўзани бўйлаб қад кўтарган иккинчи қадимги йирик шаҳар — Пойканд харобаларида археологик қазинишларини олиб бормоқда.

Абдулаҳад МУҲАММАДЖОНОВ,

тарих фанлари доктори, Бухоро археология экспедициясининг раҳбари



Ковакдаги асалари

Алтай автоном областининг пойтахти Майкоп шаҳридаги рассомлик мактаби ҳовлисига кунлардан бир кунни ўрмондан ёғочлар келтирилди. Катта-кичик, агри-бугри бу ёғочлар ўтин сифатида ёқинга мўлжалланган эди. Бироқ, уларни аралаб, жой-жойига қўйиб маҳали кутилмаганда ишни тўхтатишга тўғри келди.

Ёғочлардан бири араланаётган пайтда ундаги ковакдан бирич-кетия асаларилар учиб чиқа бошлади. Ўша заҳоти арракашлар боши узра безовта бўлган асалариларнинг бутун бир оиласи айланаб уча бошлади. Дарҳол мактаб ўқитувчилари ёрдамга келдилар. Текширишда маълум бўлдики, ёғоч ковағида боқич асалариларга емиш бўладиган ширинлик тамом бўлаётган экан. Шу босидан ковакки ёғочда асалариларни вақтинча сақлаб туришга, жониворларни емиш билан таъминлаб туришга қарор қилинди.

Сериштаҳа илонлар

Сингапурда чиқадиган «Стрейтс таймс» газетасида босилган бир хабарда гарройиб ҳодиса ҳақида ҳикоя

қилинади. Унча катта бўлмаган товуқ фабрикасининг сянгапурлик эгаси ўрдақ боқиладиган эгасида балиқлар сонининг ниҳоятда камайиб кетаётганлигини сезиб қолди. Вақт ўтган сари товуқлар сонини ҳам камаи бошлади. Шундан кейин товуқ фабрикасининг эгаси кўл қирғоғига тузоқ қўйиб... олти метрли бўғма илонни тутиб олди. Кўп ўтмасдан бўғма илоннинг бутун «оиласи» кўлга тушди. Кўп маслаҳатлардан кейин «тартиб бузар» илонларни ҳайвонот боғига топширадиган бўлишди.

Ойнинг пайдо бўлиши

Ой қандай пайдо бўлган? Бу савол ҳаммани ҳам қизиқтириши табиий. Амери-

канинг Индиана штатидаги университет астрономи Ричард Дарисен суяк жисملарни айлантиришга мослашган электр ҳисоблаш машинаси ёрдамида суюв ўтказиб, Ернинг табиий йўлдоши бўлган Ойнинг пайдо бўлиши ҳақида янгича изохни ўртага ташилади. Яқинда «Интернэшнл геральд трибюн» газетаси шу ҳақда хабар берди.

ҚОРА ИЛОН — ҚОРОВУЛ

Африка қора илони — шаҳар ташқарисидаги уларнинг энг яхши қоровули. Заҳарли илонларни ижарага топшириш бўйича идора бошлиғи Дени Молхерб ҳар эҳтимолга қарши шундай деб ҳисоблайди. Бундай идора Свазиленд музофотининг пойтахти Мбабан шаҳрида мавжуд. Молхербининг сўзига қараганда, барча турдаги итлардан кўра ўғрилар илон-

Астрономнинг таъкидлашича, қачонлардир Ер қайноқ қотиши ҳолатдаги даврда тез айланган мўтадил кечмаган ва унинг атрофида қаттиқ жисملардан баҳайбат ҳалқа юзата келган. Ой ана шу айлананинг бир бўлаги сифатида пайдо бўлиб, Ердан ажралиб чиққан. Ҳалқанинг қолган қисмлари эса, ҳар тарафга тарқалиб тузган.

дан кўпроқ кўрқини, бундан ташқари қора илонларга бир ой, хатто ундан ҳам зиёд вақт оватқат бермаслик мумкин. Бу вақтга фақат оғзинга сув қолдириб оғзи. Идора хизматкорлари, агарда уй дарвозасига «Эхтиёт бўлинг! Ҳовлида заҳарли қора илон бор!» деган эълон осиб қўйилса, ўғрилар унинг бир километр нарисида ўтишади, деб илонтаришади.

БУ КЎЗЛАР АЛДАМАЙДИ

ХИКОЯ

УИ БЕКАСИ кўча эшигига эринибгина яқинлашди. Шу дам унинг миясини: «Ким экан, кун қизигида безовта қилаётган?» деган истеҳзоли фикр банд этганди. У занжирни турмай, эшик тиркишидан мўраллади. Ташқарида кўк чамадонча кўтарган, нотаниш йигит турарди. Хонадон соҳибаси эшикни очди. Йигитнинг баданидан оқаётган тер қўйлагини ҳўл қилиб юборганди. Эрта оқ оралаган чакка сочларидан ҳам тер томчилаб турибди.

— Гавазларингиз бузилганми? — ўнгайсиэлибди сўради йигит.

— Ҳа-ха, келинг. Қани, ичкарига. Марҳамат...

Қизнинг авзойи ўзгариб, кўрсатаётган мулоазаматидан йигитнинг энсаси қотди: «Буларнинг бари шунақа, муомаласини дарров ўзгарттиришга жуда уста».

Сугуриб-сидирилган йўлакдан бораркан, яна: «Ҳар ҳолда, озодагина кўринади, — деган хаёли кўнглига тасалли берди. — Рўзғор кўрган келин десанг, келинга ўхшамайди, пардоз ҳам қилмаган, узугиям йўқ... У-чи? У қандай юрарди? Эҳ... Уни худди онаси тош ойна олдида туккану шу ерда катта бўлгандек, тош ойна олдида бўшамасди...»

— Газимиз бузилиб қолиб, исикда сизиям овора қилдик. Кеҳирасиз.

— Ҳечқиси йўқ, касбимиз шунақа.

Қиз табассум қилган эди, янаям очилиб кетди. У ҳам тўйдан олдин худди шундай эди. Бир оз тантиқроқмиди-ей.

— Чанқак кетгандирсиз, мен хозир, — дея уй бекаси ичкаридан чинни қосада яхна чой олиб чикди. — Симириб олинг, кўк чой, чанқоингизни босади.

— Раҳмат!

Йигит қосадаги чойни шундай мириқиб симирдики, хаёлида кўзи ярқ этиб очилиб кетгандай туюлди. Қиз қосани олаётганда йигитнинг кўзлари чанқаб кетганини сездю. Сездю нигоҳини олиб қочди. Қизнинг вужудидан сочилаётган нур, кўзларидан ёғилаётган тароват йигитни жойига михлаб қўйганди. «Уҳ-х... Бир пийёда сувга зор қиларди-я, —

ўксинди у. — Бунинг фаросатини қара... Иболи экан, — дея пичирлади йигит ўзича. — У ҳам шундайми? Йўқ! Бетга тик қарарди. Бақрайиб туриб, ёлгонни дўндириб кўярди... Унинг ҳамма харақатлари сохта эди».

— Раҳмат. Хўш, энди ишни бошласак ҳам бўлар. Ошхонангиз қаерда?

— Нима бўлди ўзи? — Йигитнинг вужудини ғайри ихтирий ишчанлик қамраб олди.

— Туппа-тузук ишлаб туривди. Ҳаммаёқни газнинг ҳиди тугиб кетадиган бўлди. Бир ҳафтадан бери ўчоққа ўт қалайвериб жуда қийналиб кетдим.

«Қийналиб кетдим». Бу сўзни у ўчоққа қараш у ёқда турсин, ҳатто самоварни ҳам ёлчитиб қўёлмаган хотини тез-тез такрорларди. Кўмирниям печкага онам қалаб берарди. Жанжал чиқмасин, деса керак-да, бечора...

Қиз плита устини бўшатди. Йигит ҷамадончасини очиб, ғайрат билан ишга шўнғиди. Унинг кўли иш билан машғул, хаёли эса узокларда эди: «Тавба, ошхонани бунчалик озода турса бўларкан-да?» деди лабини тишлаб... У эшикни ичкаридан куфлаб, хотинининг тўлланиб қолган кирларини ювган, ювиксиз идиш-товоқларни тозалаб, бармоқлари пўрсиллаб кетган... ва бошқа «кун»ларни хаёлидан қувиб юборолмасди.

«Турмуш қилмаган кўринади. Нега? Шу пайтгача-я. Қайдам, хаёт ҳар хил тасодифларга тўла...»

Шариф икки кундирки, ишхонада ҳам, уйда ҳам ўзини кўярга жой тополмайди... «Йўқ! Бу қиз бошқача, — дейди у ўзига ўзи тўшагида ағанаркан. — Кўзларидан нимадир яширинган...» Қизиқ, нега ўша кунни кузатмади? Уалдимикан? Нега уялди?... Гази ишлаётганмикан? Бир хабар олиш керак эди-да. Йўқ! Бўлмайди. Бошқа бирор чорасини топиш керак».

Охири бўлмади. Учинчи кунни Шариф онаси борадиган уйини опасига тўшунтирди. Икки йилдан бери озгига сўк солиб юрган ўглининг хушхабари онани бир оз довдиратди. Дарров сандиқдан оҳорли кийимлар олинди, гирчиллама қавушлар артилди...

Шеркон ҚОДИРИЙ

бир нуктага қадалган. Кийим-боши ҳам бир аҳвол... Шариф аёлини зимдан кузатиб ўтаркан, таниш ҳовлидан бақриқ товушларини эшитди.

— ...Бола сенки эмас, — бу унинг овози бўлса керак.

— Меники. — Бу эса эркак кишиники эди.

— Бекор айтибсан.

— ...

Овозлар тобора Шарифга яқинлашаётгандек эди...

Қиз кўча эшигидан ўтиб кетолмай турган йигитни кўриб ўқириб юборди. Ҳовли ўртасида қўлларини белгига қўйиб, қизга ўшқираётган барзанги орқасига ўғирилди.

— Хўш, сенга ким керак? Е бунга тегишлигинг борми?

Қизнинг нажотли кўзлари Шарифнинг қалбини тешиб ўтди. У ўзида қандайдир ортиқча куч сезиб, олға босди.

— Бор! Узингиз нега бировнинг уйига кириб, тўполон кўтараясиз? Еки қонунни билмайсизми?

— Қонунми? Бу боланинг туққан онаси ташқарида. Ана, сенларга қонун...

Шарифнинг кўз олди қоронғулашди. Боши айланиб, ўтириб қолаёзди.

— Елгон! Боланинг онаси менман, — чинқирди қиз. — Мен уни бир парча этлигидан катта қилдим.

Қиз ҳимоячи топилганигами, товушини баралла кўтарарди... Шовқинни эшитиб, «Нима гап?» деб қўшнлар ҳам бирин-кетин ҳовлига кириб кела бошладди. Вазият мушқуллашганлигини сезиб, барзанги сирғалиб кўчага чиқди.


Шариф шу пайт бу ерга нимага келганини ҳам унутган эди. Йигитдан кўзлари қизариб кетган қизни юпатишга тушди. Қиз эса ўқсиб-ўқсиб йиллар, гўё Шарифга йиғи аралаш кўнгли бўшатар эди.

— Улар ким?

— Онам билан ҳозирги эри, — деди қиз хўрсиниб. — Бола ҳам асли опамники. Онам бечора бизни бир амаллаб воғга етказдилар. Опамни турмушга бердик. Йил ўтмай, боласи билан қайтиб келди. Бизнинг тинчгина ҳаётимиз ҳам бузилди... У «Болам оёғимга кишан бўляпти!» деб гўдакни хўрлар эди. Аҳволини кўриб биз эзилдик. Болада нима гуноҳ? А?!. Онам ётиб қолдилар. Опам эса боласини бизга ташлаб, яна турмуш қурди. Лекин шу ишни қилмаса бўларди. Бунақалар камми?... Оз ўтмай онамдан айрилиб қолдик... — Қиз «ҳиқ» этдию яна юзларини беркитиб йилгай бошлади. Шарифнинг кўзлари ҳам беихтиёр намланди. — Мен ёлғиз шу болага тикилиб қолдим. Ҳеч кимим йўқ. Улар мендан болани тортиб олишмоқчи. Ешланда керак бўлмаган бола, энди керак бўлибди. Уйлари торлик қилаётган эмиш... Ахир, бола уларни танимади-ку? Қандай қилиб уларга боланинг тақдирини тошпирай?..

Шариф қай ҳолатда кўчага чиққанини, қандай қилиб уйига қайтганини эслай олмади...

Бу кеча она-бола бирга ухламай тоғ оттиришди...



МУҚАДДАС ТУПРОҚ

Утган йили апрель ойида Тинчликни химоя қилиш Волгоград область комитети ва Совет Тинчлик фондига ёрдам кўрсатиш область комиссияси мени хузурига таклиф қилди. Бу ерда Тинчлик тарафдорлари умумжаҳон ҳаракатининг қирқ йиллигига бағишлаб ўтказиладиган қаҳрамонлар номидаги меҳнат коллективларининг учинчи область слётида ҳам қатнашим керак эди. Таклифни бажонидил қабул қилдим. Лекин ҳамроҳликка кимни олсам экан, ахир, озмунча йўл эмас, деб бироз ўйлаб қолдим.

Петр Яковлевич Ермаков, гўё менинг кўнглимдагини уккандай:

— Мен шу сафарга боришга йўқ демасдим, Вали ака, — деб қолди. — У жойларда ҳеч бўлмаганман.

— Агар мен билан борсангиз, аини муддао бўлар эди, — дедим дўстимга.

Петр Яковлевични кўп йиллардан бери биламан. У Кўрлар жамиятига қарашли «Бир сафда» журнали редакторининг ўринбосари бўлиб ишлаганида қадрдон бўлиб қолганмиз. Жуда кўп ҳикоя ва очеркларимни рус тилига таржима қилган. Шунинг учун уни ҳазил аралаш: «Менинг жамоатчилик асосидаги таржимоним», деб атайман. Жуда ажойиб, камтар, одамохун киши. Волгоградга шундай одам билан кетаётганимдан қувондим.

Петр Яковлевич сафар ҳужжатларини тўғрилади. Ҳаво кемаси тезда бизни Волгабўйи ерларига элиб қўйди. Слёт ташкилотчилари бизни илик кутиб олдилар, «Октябрь» меҳмонхонасидан жой бердилар.

Хонага киришимиз билан хизматчилардан бири электр самовар, чинни чойнак-пиёла-лар, нозу неъматлар келтириб столга қўйди. «Буларни дўстларингиз бериб юборишди», — деди у ажабланганимизни кўриб. Бунчалар эътибордан бошимиз осмонга етди.

Сталинград!.. Унинг остоналарида кечган қонли кунлар ва туңлар миямга бир умр михланиб қолган. Тарихда бундай катта жанг бўлмаган чиқар! Бу жанг авлодлар хотирасида мангу сақланиб қолажак. Ватанпарварлик, мардлик, дўстлик ва биродарлик, сабот ва матонат Сталинград остонасида турган ҳар бир жангчи учун хос эди.

Мен ўша пайтларда ҳар бир аскарнинг қўлида кўриш мумкин бўлган, шаҳар мудофеасига оид бир ҳужжатни эсладим. Бу область комсомол комитетининг мурожаатномаси эди. Ундаги ҳар бир сўзда душманга нафрат олови мужассам эди: «Жонажон Сталинград ҳаробалари, шахид бўлган сталинградлик инсонлар қони бизни қасос олмаққа чорлайди... Фашист одамхўрлари, сизлар бизнинг қасосимиздан қочиб қутила олмайсиз! Сталинграднинг ҳар бир қарич тупроғи учун қонимиз ва жонимизни аямай жанг қилишга қасамд қиламиз! Евуз душманга қарши сўнги томчи қонгача матонат билан курашайлик!»

Волгабўйидаги метин истеҳком химоячилари ўз қасамдларини оқладилар. Украинлар, белоруслар, қозоқлар, тожиклар ва барча республикаларнинг фарзандлари руслар билан елкама-елка турдилар. Виз, ўзбек жангчилари ҳам барча миллат вакиллари

билан биргаликда Сталинградда метин девор ташкил қилиб, бепоен социалистик мамлакатимизни, ўзимизнинг жонажон Ўзбекистонимизни фашист ўлатидан химоя қилдик.

Уша шафқатсиз жангларда мен оғир ярадор бўлдим, сўнг сафга қайтолмадим. Кўздан айрилганим менга доимо ўша муқаддас жангларни эслаб туради.

Урушдан сўнг, Волгоградда 1975 йилда бўлгандим. Ушанда фашистлар устидан қозонилган Ғалабанинг ўттиз йиллиги нишонланган эди. Шаҳарни таниб бўлмади! У қултепалар ва вайроналар остида қайта қад кўтариб, аввалгидан ҳам гўзаллик ва улугворлик касб этди... Ўша сафар пайтида мен Анатолий Марченко бошлиқ труба пайвандчилар бригадаси билан учрашдим. Волжск труба заводида мени гвардиячи меҳнат комсомал-ёшлар бригадасига аъзо қилиб сайлашган ва бу коллективга менинг номим берилган эди. Биринчи учрашувдаёқ қадрдон бўлиб қолдик. Ушандан кейин яна уч марта волгоградликлар меҳмони бўлдим. Ҳар гал ўзимга қадрдон труба заводида бўламан, менинг номим берилган гвардиячи Коммунистик Меҳнат бригадаси аъзоларининг ишлари билан танишаман, эришаётган ютуқларидан ўзимда йўқ қувонаман.

Эрталаб слётга таклиф этилганларнинг ҳаммаси келишганидан дарак топдик. Меҳмонлар орасида дунёга машҳур Солдат шухрати уйининг химоячиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Я. Ф. Павлов йўқ эди. Ҳа, у йўқ, бундан кейин бўладиган учрашувларда қадрдоним Яков Федотович бўла олмасли-



Жиззах область Октябрь районидаги Беруний номи мактаб пионерлари уруш ва меҳнат ветеранлари билан тез-тез учрашиб туришади.

Суратда: Бойзоқ ота Бекназаров ва Абдужалил ота Қодиров пионерлар даврасида.

Р. Альбеков фотолари



гини ҳис этиш оғир эди.

Ҳар ғал Волгоградга борганимда энг олдин Яков Федотович билан учрашардим. Бир-биримизни бағримизга босиб, хол-аҳвол сўрашардик, сўнгра жанг қилган ерларимизни бирга бориб зиёрат этардик...

Слётда зарбдор меҳнатлари билан ўз сафларида Ватанга кечикс муҳаббати, саботи ва матонати билан ҳаммага ўрнак бўлган қаҳрамон кишиларни киритиш ҳуқуқини олган бригада ва сменаларнинг вакиллари, Ватанимизнинг барча ўлкаларидан келган меҳмонлар қатнашдилар.

Слёт совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарига содиқлигининг яна бир ўзига ҳос намоишига айланди. Саҳнадан қаҳрамонларнинг жанговар шухратига ўзларининг меҳнат шухратлари билан тенглашиш ҳуқуқини қўлга киритган коллективларнинг рапортлари янграб турди. «Меҳнатда жанговар ва икқилобий анъаналар — барҳаётдир!» — слётнинг асосий шиори ана шундай эди.

Бу олижаноб ватанпарварлик ҳаракатининг тарихи қуйидагича: 1967 йилнинг эзида уруш қатнашчиси, коммунист Ф. И. Крючков бошлиқ қурувчилар бригадаси Совет Иттифоқи Қаҳрамони, афсонавий разведкачи Николаи Кузнецовни ўз составига киритиш учун социалистик мусобакага қўшилди. Бир йилдан оширок вақт ўтгач, бригада бу ҳуқуқни қўлга киритди ва Кузнецов коллективнинг аъзосига айланди. Унинг исмига ёзилган 18 минг сўмлик иш ҳақи Совет Тинчлик фондида ўтказилди.

Уша пайтдан бошлаб бу ҳаракат Волгоградда оммавий тус олди. Меҳнат коллективлари ўзларининг сафларига Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари, машхур саркардалар ва аскарлари, космонавтлари, чет эллардаги озодлик ва мустақиллик учун кураш қаҳрамонларини кирита бошладилар ва уларнинг номига тушган маош пуллари Тинчлик фондига ўтказила бошланди.

Мана, саҳна яқинига комсомол киз Анна Голованова келиб тўхтади. У Волжск труба заводидаги электр асбоблар цехининг комсомол бригадаси бошлиғи бўлиб, коллектив 1982 йилда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдулла (Алексей) Қурбоновни ўз сафига қабул қилган эди. Бир йилдан кўпроқ вақт ичида Абдулла Қурбонов номидаги бригада Гвардиячи Коммунистик Меҳнат бригадаси деган шарафли номи олишга муяссар бўлди. Ана ўшандан бери Абдулла номига меҳнат дафтарчаси очилиб, жамгарилган маош Тинчлик фондига ўтказилаётир.

Анна Головановадан кейин саҳна яқинига бир йигит келиб тўхтади. У, «Хурматли Машенцов Алексей Иванович», дея рапорт бера бошлади. Мен бу исм-фамилияни эшитганимдан сўнг бригадирнинг нима десётганини аниқ эшита олмадим. Негаки, Алексей Иванович Машенцов менинг энг яқин курулдош дўстим эди. Унинг ҳаёт эканлигидан мутлақ беҳабар эдим. Тасодифни қарангки, мен билан бирга президиумда ўтирибди-я! Слёт тугагунга қадар: «Ишқилиб, Машенцов ўша дўстим бўлиб чиқсин-да», деган ҳаёл билан ўтирдим. Машенцов взвод командирининг ўринбосари эди. Катта сержант Машенцов солдатлар билан Волгадан ўтаётганда душман снаряди уларнинг паромига тушиб ёрилади. Машенцов паром ёғочига маҳкам ёпишиб олиб, кирокқа сузиб чиқишга муваффақ бўлади. Сўнгра бизнинг қисимимизга келиб қўшилди. То ярадор бўлганимга қадар у билан бирга жуда кўп марта жангга кирдик. Вазият ниҳоятда хавфли тус олган кезларда жангчиларга

доим далда бериб, руҳлантириб турарди. 1942 йилнинг 19 октябрида оғир яраланиб, жанг майдонида қолиб кетганимда, яна шу жонкуяр командирим яқин кўмакчим бўлди. Жанг майдонидан олиб чиқиб, санитарларга топширган эди. Слёт тугагач, саҳнадёқ бир-биримиз билан топишиб олдик ва жўнаб кетганимизга қадар бирга бўлдик.

Слёт қатнашчиларининг ҳаммаси ҳам тинчлик учун актив курашчилар, тинч меҳнат жаҳасида қаҳрамонликлар кўрсатаётган ишлаб чиқариш илгорлари эдилар. Улар тинчлик ишига ўзлари қўшган ҳисса ҳақида гурур билан рапорт берардилар. Улар:

«Оталаримиз Ватанин жангларда шон-шухратга бурқадилар — биз уни меҳнатимиз билан улуғлаймиз!» — дея қасамд қилардилар...

Мажлис раиси Волга труба заводи пайвандловчи бригадаси рапортини Сталинград химоячиси, ёзувчи Вали Ғофуров қабул қилишини айтганда, жуда тўлқинланиб кетдим. Ўш дўстларимнинг гвардиячиларга хос зарбдорлик билан ишлашлари мен учун жуда қувончли эди.

«Ўн биринчи беш йилликнинг сўнгги йилида, — дейилади бу рапортта, — В. И. Лениннинг 15 йиллигини муносиб кутиб олиш ваҳтасида турган гвардиячи комсомол-ёшлар бригадаси ўз зиммасига оширилган мажбуриятлар олди ва улар муваффақиятли адо этилмоқда. 1984 йилда бригада 12 минг тонна, яъни план топширигидан 112,8 тонна ортиқ катта диаметри спираль чокли трубалар пайванд қилди. 19 тонна металл, 27 тонна филкс, 13 тонна пайванд симини тежаб қолди...

Социалистик мусобақалар натижалари бўйича бригадамиз ўтган йилнинг август ойида заводда голибликни қўлга киритди... Асосий кўрсаткичлар бўйича биринчи кварталда коллективга «Аъло сифатли ишлайдиган бригада» деган фахрий унвон берилди...

Рапортни ўқиб бўлгач, бригадир Виктор Чумаков уни менга топширди ва коллективнинг бундан кейин ҳам гвардиячига меҳнат қилишига, Сталинград химоячилари жасоратига содиқ қолишига сўз берди.

Мен сўз олдим. Волгоградликлар Сталинград химоячиларининг исмларини унутмаганликлар менинг кўнглимда чуқур ҳурмат ва миннатдорчилик уйротганини айтдим ва гапимни ўзбекча: «Катта раҳмат!» деган сўзлар билан тугатдим.

Эртаси куни биз — слёт қатнашчилари, автобустга тушиб, шаҳар бўйлаб зиёрат

қилдик. Мамай қўрғони томон борар эканмиз, Сталинград мудофаасида ҳалок бўлган ҳар бир саркарда ҳамда ҳар бир Совет Иттифоқи Қаҳрамони қабри ёнида тўхтаб, зиёрат қилдик.

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, саркарда маршал В. И. Чуйков қабри ёнида тўхтаб, аста тиз чўқдим. Қўлимдаги гулдасани қабр устига қўйиб, армиямиз қўмондонини билан видолашдим.

Улуғвор «Ватан Онаси» сари яқинлашмоқдамиз. У озодлик қиличини баланд кўтарган, узоқларга тикилиб турарди. Мен Онага яқинлашар эканман, худди унинг бағрида, химоясида жон сақлаётган гўдакдек ҳис қила бошладим ўзимни.

Труба заводидаги «Жанговар ва меҳнат шухрати» музейида ҳам бўлдик. Музейнинг жамоатчи директори, иқтисодчи И. В. Суворов бизга ҳамроҳ бўлди. Айтишим керак, Иван Васильевич билан қўлдан бери танишимиз, дўстлашиб ҳам улгурганмиз. Мен музейда Брайль системаси бўйича ёзув мосламасини, брайлча дафтарларини, «Бир сафда» «В одном строю» журналининг турли сонларини кўриб хурсанд бўлдим. Мен уларни Владимир Марченкога Ташкентга келганида тақдим этгандим. «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналларининг менинг асарларим биланги сонларини кўргач, хайратим яна ошди.

— Уларни қандай олгансиз, Иван Васильевич? — деб сўрадим. — Ахир бу журналнинг баъзилари ўзимда ҳам йўқ-ку?

— Сиз кўпроқ ёзишингизни билинг, биз хабар топамиз, — деб кулди музей директори.

— Энди, Вали Ғофурович, — деб давом этди Суворов, — ижозатингиз билан, музейимиз номидан дўстингиз Петр Яковлевичга шу мукаддас ернинг бир кафт тупроғини тошмуракчиман. Дўстингиз бу шаҳардаги ҳаёт-мамонт жангида қатнашмаган бўлса-да, немис босқинчилари устидан қозонилган ғалабада унинг ҳам катта ҳиссаси бор.

Петр Яковлевич сидкидилдан миннатдорчилик билдирди. Ҳаяжон ичра қутичадаги тупроқни олиб бағрига босди.

— Раҳмат, дўстлар! Сталинград тупроғи — менинг учун мукаддас.

Волгабўйи ерлари, унинг ажойиб кишилари билан хайрлашув бироз оғир бўлди. Волгоградга қилган бу қисқа сафаримиз пайтида совет кишиларининг дўстлиги, биродарлиги, бирдамлиги, уларнинг юксак на танпарварлиги, яна бир бор ёрқин намоён бўлди.



АСАЛАРИ ВА ЧУМЧУҚ

Запорожье область, Волыни районидagi Матвеевка қишлоғида истиқомат қилувчи С. Медовнинг асаларчилик билан шуғуллан-

ганига ўттиз йилдан ошди. Бироқ у ўзининг қанотли дўстлари билан чумчуқларнинг умумий тил топишиб — дўстлашиб қолганликларига ҳали-ҳали ҳайрон.

Куллardan бир куни асаларичи битта ромининг болини сидириб идишга солди-да, эркак асаларилар куртининг учини ўтқир пичоқ билан кесиб ташлади. Бошқа ромларни ҳам шу таҳдидда тозалади-да, навбатдаги уяга ўтди.

Шу орада кичикроқ асалари яшиқларидан бирининг атрофида чумчуқ кўринди. «Элчи» чумчуқ асаларилар тўпи устида айланди-да, сўнгра аллақакка учиб кетди. Кўп ўтмасдан бу ерга бир тўда чумчуқлар учиб келди.

Чумчуқлар асалари уялари олдида қатор туриб олишиб, уяларнинг оғзига ти-

килишарди ва ниманидир кутинарди. Бир пайт асаларилар уя ичкарасидан эркак асалари қолдиқларини оёқларида кўтариб чиқибашладилар. Улар бамисоли юк кўтариб учган вертолёт сингари юқорига кўтарилишди-да, бир муддатда ҳавода муаллақ туришди. Худди шу пайт асаларилар тагига оғизларини очиб чумчуқлар учиб боришди. Асаларилар эса кўтариб турган ўлжаларини чумчуқларнинг оғзига ташлаб юбораверишди. Қушлар билан асаларилар шу тариқа беҳато «мулоқот» қилишарди. Фақатгина чидамсиз бир чумчуқ тартибини бузгани учун таъзирини эди: уни асалари чакиб олди. Бошқа қушлар ва асаларилар эса ўз ишларини давом эттирдилар... Ана шу ғалағи ҳодиса ҳақида «Запорожская правда» газетасида хабар берилди.

САЙЁРАМИЗНИНГ УЛКАН МУЗХОНАСИ

Антарктидани шундай деб атасак, хато қилмаган бўлаамиз. Антарктида табиғати дунёдаги қолган бешта қитъа табиғатига сира ҳам ўхшамайди. Унинг юзаси қалин муз билан қопланган бўлиб, у ерда ҳаммиша қаҳратон совуқ ҳукмронлик қилади. Ҳатто «ёз чилласи»да ҳам тез-тез қор бўронлари бўлиб туради.

Қитъанинг ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳам ўзига хос. Антарктидани совуқ океан сувлари ўраб олган. Қишда бу сувлар музлаб, эни 500 километрдан 2000 километргача муз майдонларини ҳосил этади. Унда ҳар доим баҳайбат муз тоғлари — айсберглар сузиб юради.

Антарктидани тадқиқ қилиш асосан 1950 йиллардан бошланди. Халқаро Геофизика йили программасига мувофиқ қитъада 11 мамлакат 57 та илмий тадқиқот станциялари ва базаларини ташкил этди. Бу йишда айниқса Совет Иттифоқи фаол қатнашмоқда. 1956 йилда Совет жанубий қутб обсерваторияси — Мирнийга асос солинди, сўнгра қитъа ичкарисида Пионер, Молодежная, Ленинград, Новолазарев, Беллинсгаузен, Комсомол ва Восток каби ўнлаб илмий станциялар ташкил этилди. Ҳозирги вақтда Ватанимиз пойтахти Москва билан Антарктида орасида узунлиги 25 миң километрик ҳаво йўли очилган. Совет Иттифоқида дунёда биринчи бўлиб Антарктиданинг атласи нашр қилинди.

Кишилар Антарктидада дастлаб қишлаган вақтдан буён ўтган даврда бу ерга келганлар сони 15 миңдан ошиб кетди. Булар асосан географ, геолог, геофизик, метеоролог, музшунос олимлар, шунингдек, врачлар, механиклар, радистлар ва бошқа ихтисос эгаларидирлар. Улар турли мамлакатларнинг илмий станциялари ва базаларида тадқиқот ишлари олиб борадилар.

Антарктида — тинчлик ва дўстлик қитъаси. Ҳеч бир мамлакат унинг кичикроқ жойини ҳам ўзиники деб эълон қилишга ҳаққи йўқ. У 1959 йил 1 декабрда тузилган халқаро шартномага кўра бутун инсониятники деб тан олинган ва у ерда фақат илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш мумкин деб белгиланган.

Антарктида сайёраимизнинг жанубий қутби атрофида, қутб доирасининг деярли ичида, бошқа қитъалардан миңглаб километр узокда жойлашган. Қутбда жойлашганлигидан қитъанинг барча қирғоқлари шимолий қирғоқ ҳисобланади. Унинг шимол томонини Жанубий муз океани сувлари ўраб олган.

Қитъанинг ўртача баландлиги муз қалқонини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 2040 метрни ташкил қилади. Бу эса бошқа қитъалар-

нинг ўртача баландлигидан уч баробар ортиқдир. Муз қопламанинг ўртача қалинлиги 1720 метр, айрим жойлард эса 4000 метрга етади. Музнинг умумий ҳажми 24 миллион квадрат километрга тенгдир. Бу эса бутун дунёдаги чўчқ сувнинг 80 процентдан ортигини ташкил этади. Муз устини қалин қор қоплаган. Қор тагидаги муз кўп жойларда ёрилган, ёриқлар чуқурлиги юзлаб метрга етади. Музлар ер юзининг нишаб ва пастлик жойлари бўйлаб силжиб, океан ва денгизларга силжиб тушиб ва сузиб юрувчи муз тоғлари-айсбергларни ҳосил қилади. Ҳар йили Антарктидадан океанларга тушган музлардан 25—30 миңга айсберг вужудга келади. Улардан баъзилари жуда катта бўлади — ўнлаб, баъзан юзлаб километр келади. Йирик айсберглар оролларга ўхшайди, узок вақт сузиб юради ва секин-аста эриб кетади. Океанга тушиб кетган муз ўрни ёққан қор ҳисобига яна тўлиб туради. Антарктиданинг муз қалқони 25 миллион йилдан бери мавжуд.

Тош Антарктиданинг юзаси, яъни муз таги рельефи ҳам текис эмас. Бу ерда баландлиги 4000 метрдан ортиқ бўлган тоғ тизмалари, тоғ массивлари, чуқур ботиклар, кенг текис ҳавзалар бор. Қитъанинг ғарбий чеккасини Жанубий Америкадаги Анд тоғларининг давоми бўлган тоғ тизмаси эгаллаб ётади. Бу тоғ тизмасининг 3000—4000 метрдан баланд чўққилари муз устидан кўтарилиб туради.

Антарктида ер бағри ҳали яхши ўрганилмаган. Лекин шунга қарамастан Шарқий Антарктидада тошқўмир, темир рудаси, мис, молибден, титан, қалай, олтун, кумуш, Ғарбий Антарктидада пирит, мис, марганец, олтун, молибден, кўрғошин, никель, кобальт, хром, вулканик олтун-гугурт конлари топилган. Булар бутун инсоният бойлиги ҳисобланади.

Антарктида денгиз сатҳидан 2000 метрдан ортиқ баланд жойлашганлиги, бутун юзаси қор билан қопланганлиги сабабли иқлими жуда совуқ. Қор қўши нурининг 90 процентини қайтариб юборади. Қутбда қутб тунн 186 сутка давом этади. Қутб кунн эса 23 сентябрдан 21 мартгача 179 суткага чўзилади. Материкнинг ички қисмида булутли кунлар кам бўлганидан кўшн нур сочиб турадиган вақт узок давом этади. Лекин қишда баъзи жойларда июль-август ойлари-нинг ўртача ҳарорати 50°—70° бўлади. Восток станциясида 1960 йил августда — 88,3° ли температура қайд қилинган. Бундай ўта совуқда металл шишага ўхшаб чил-чил бўлиб синади, керосинни пичоқ билан қирқиб, шамга ўхшатиб ёқиш мумкин. Ана

шундай қаттиқ совуқда ҳам тадқиқотчилар кузатиш ишларини давом эттиришади.


Табиий шароит ҳаддан ташқари қаттиқ бўлганлигидан Антарктиданинг ҳайвонот дунёси ҳам камбағал, лекин ўзига хос. Бир неча хил чувалчанг, қискичбақалар, қанотсиз ҳашоратлар мавжуд. Оролларда ва қирғоқда айрим қушлар учрайди, улар балиқ ва майда денгиз ҳайвонларини тутиб ёйди. Қушлардан энг ажайиби пингвинлар бўлиб, уларнинг қаноти қисқа, куракка ўхшайди. Пингвинлар балиқ, моллюска ва қискичбақаларни тутиб ёйди. Пингвинлар қуруқликка нисбатан ўзини сувда яхши ҳис қилади. Бу ерда уларнинг 17 тури яшайди. Антарктида соҳилларида, қирғоқ музларида Адели пингвини деб аталадиган

кичик пингвинлар айниқса кўп тарқалган. Энг катта пингвин император пингвини бўлиб, оғирлиги 50 килограммгача, бўйи 115 сантиметргача боради. Пингвин энг совуқ пайтда жўжа очади. Жўжалар «болалар боғчасида» тарбияланади.

Антарктида қирғоқлари яқинида йирик сутамизувчилар — китлар яшайди. Булар икки турга — мўйловли ва тишли китларга бўлинади. Мўйловли китлар орасида энг улкани кўк китлардир. Унинг узунлиги 33 метрга, оғирлиги 160 тоннагача етади, 20 тонна соф ёғ беради. Мўйловли китлар майда қискичбақасимонлар билан озиқланади. Кўк китлар 1967 йилдан бошлаб муҳофаза қилинади.

Антарктида ғарчи бошқа қитъалардан узокда жойлашган бўлса ҳам у бутун Ер юзининг табиғатига муайян таъсир кўрсатиб туради. Антарктидани ўрганиш бутун Ер юзи табиғати га онд бир қанча масалаларни тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. Бу қитъани ўрганиш, унинг бойликларини авайлаб асраш, табиғатини муҳофаза қилиш барча мамлакатларнинг вазифасидир.

Потяхомол ҒУЛОМОВ, география фанлари кандидати, доцент



Жалолқудуқ районига қарашли Охунбобоев шахридаги янги дорихона аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси)

ЯНГИЛИКНИНГ ТУҒИЛИШИ



РОСМАНА бадий кашфиёт янгича бадий фикр демакдир. Одатда янгича фикр янги жанри, янгича шаклини талаб қилади, кам деганда жанри ўзига хос тарзда янгилади. Ҳали Масалан, Мурод Хидирнинг «Кумуш кўнғирқоқлар» номли иншолари фақатгина шакл нуктаи назардан эмас, моҳият эътибори билан ҳам адабиётимизда янги ҳодисадир. Бу мўъжаз асарлар билан танишар эканмиз, биринчи галда шууримизга чамқоқдай урилувчи нарсаси — ҳам фикрий, ҳам шаклий янгилқидир. Ҳайла бошлайми. Нима бу? Адабиётми, фанми? Шеърми, насрми, танқидми? Қатрами, масалми, ҳикоями? Улар жанр, наср, умуман, адабиёт ҳақидаги тасавурларимиз қолипга сиғармайди, бу тасавурларни ўзига хос тарзда янгилади.

Мана, сўз ҳақидаги иншо. У дабурустдан «Сўзлар одамларга ўхшайди. Сўз — одам» деган «даъво» билан бошланади. Сўнгра бу «даъво» илчил асосланади: эндигина ёзилган сўз — чақалоққа, жуфт сўзлар — хасан-хусанларга, иборалар — ака-укаларга, тугал бир гап — оилага нисбат берилади. Бундай нисбатлар «шариллатиб» ёзиб ташлаш касалига учраган графоманларга қаратилган хитобномалар билан ўрин алмашинади. Хитобномалар бадий нисбатлар билан қоршиб, қонуний ечимга олиб келади: «Ҳой, ошна! Ҳиссиз сўзларни урчиштидан ўзингни тий-да, сўз парваршида оналардан ибрат ол. Сўз — одам».

Ҳа, ижодкор кичик бир иншода «сўз» — «одам» лигини бадий далиллар экан, қатра, лўқма, ҳикоя каби жанрлар қолипга банди бўлиб қолмайди. Унинг учун муҳими — асарнинг қайси жанрда ёзилаётгани эмас, балки сўзнинг оламшумул қадри ҳақида ибратли ва янги фикр айтишдир. Бадий кашфиёт (бизнингча, бу муболага эмас) бамисоли фалсафа ва адабиётнинг, насрий мантиқ ва шеърний эҳтросининг: қатра ва лўқма жанрларининг ўзига хос қотишмаси тарзида туғилади.

Новеллардан иборат қисса — ўзбек адабиёти учун янгилик эмас. Бу ўринда «Утмишдан эртақлар» ва «Дунёнинг ишлари» асарларини эсга олиш kifой. Аммо Тоҳир Малик ўзининг «Бир кўча, бир кеча...» асарида қиссанинг бу типига янгича ёндоша олади. Бир қарашида асардаги мустақил ҳикоялар: ҳиссиз кўникмалар қолипидан қочиб кетаётган болақай («Оқ байроқ»), илк операцияси муваффақиятсиз чиққан Наргиза («Устоз»), икки ўт орасида қоврилаётган Маҳбуба («Бахтли келин»), болалигига «қайтган» Раҳим («Му-

саффо денгиз»), мухаббат ва урф-одатлар ўртасида овора Мардон («Юзма-юз»), якка-ёлғиз қариялар Маъсума буви ва Тўлан оқсоқол («Суянчиқ») тақдирлари, уларнинг ҳар бири руҳида рўй бераётган ғалаёнлар ўртасида ҳеч қандай боғланиш йўқдай. Лекин чуқур мушоҳада этилса, бундай боғланиш сезилади. У қаҳрамонлар ҳаётининг «бурилиш нукталари»га хос пўртаналарнинг бир кўча, бир кечада бўлиб ўтишида эмас. Ҳатто кўшнларни «бир нуктага жамлаган» марҳум ва унинг тобути ҳам эмас. Бу боғланиш, назаримизда, мустақил ҳикояларнинг ўзига хос тарзда бирикуви орқали келтириб чиқарилган янгича фикрдадир.

Асар қаҳрамонлари бир кўчада яшашади. Бу боши берк — чўнтак кўча. Кўшнларнинг ҳар бири ўз ташвишларига шу қадар ўрналишиб, «чўнтак кўча бандалари»га айланиб қолганки, шундоқки-на ён кўшнисининг аҳволи қандай, у нималарни бошидан кечи-раёттир, ўйлаб кўришга ҳам ройиши йўқ. Қаҳрамонларнинг энг улкан бахтсизлиги — «ҳар бирининг ўзича бахтсизлиги» гина эмас, аввало бир-бирларига беғоналигидадир. Том маънодаги бахт — ўзаро хайрихоҳлик, одамийлик, дардқашлик, олижаноблик, инсоний мулоқатлардир. Бизнингча, қиссада шундай фикр бадий талқин этилган. Ундаги новеллардан иборат қиссага хос композицион тарқоқликни гўё кўшнларнинг бир-бирига беғоналигини ифодаловчи бир восита, дейиш мумкин. Асар сўнгида марҳумнинг тобути бамисоли уларни руҳан бирлаштиргандай, бир-бирларига хайрихоҳлик, ҳамдардлик туйғуларини уйғотгандай бўлади, чўнтак кўчадан ташқарига олиб чиқади. Ушбу деталь қиссада ифодаланаётган янгича фикрни янада ёркинлаштириб, деярли рамзий моҳият касб этади. Асар қиссами ё ҳикоялар туркуми, деган масала бу ерда иккинчи даражалидир. Муҳими эса, ҳикоя ва қисса жанрларининг кесишув нукталаридан келтириб чиқарилган янгича фикрдаки, мана шу нарсаси асардаги бадий кашфиётнинг негизини ташкил этади.

Ҳозирги адабиётимизда қисса жанрининг тарихий, замонавий, хужжатли, автобиографик, фантастик, юмористик, саргузашт, сатирик каби кўпга жанр типларини учратами. Шунингдек, эртақ-қисса, афсона-қисса, шеърний қисса, драматик қисса каби «қоришқ» асарлар ҳам яратилаёттир. Гоҳо «Бизда том маънодаги юмористик қиссалар йўқ!» ёхуд «Адабий жамоатчилик фантастик қиссаларга иккинчи даражали асар сифатида паст назар билан қарамоқда!» каби ташвишли мулоҳазаларни ҳам эшитиб

турамиз. Лекин ҳозирги насримиз тажрибалари яққол кўрсатаёттирки, ҳамма гап жанр типларини зўрма-зўраки кўпайтиришда, ҳатто жанрнинг ўзида эмас, балки муайян асарда ифодаланаётган бадий фикрнинг ижтимоий-фалсафий салмоғида, муаллифнинг иқтидорида экан. Истеъдодсиз ёзувчи энг обрўли жанрнинг ҳам бурдини кетказганидай, истеъдодли носир «иккинчи даражали» жанр типига учқур қанот бағишлар экан.

Виргина характерли мисол — ёш ёзувчи Анвар Обиджоннинг «Эй, ёруғ дунё» қиссаси. (Асар «Шарқ юлдузи» журналида қисқартirilган ҳолда «Аламазон ва унинг пёдалари» номи билан чоп этилди). У ўз табиатида кўра на эртақ-қисса, на саргузашт қисса, на фантастик, на юмористик, на сатирик асар. Айти пайтада асарда бу жанр типларига хос хусусиятлар уйғунлашиб кетган. Қисса бизни афсонавий ер ости мамлакатига олиб тушади. Бу мамлакатдаги ўзига хос яшаш тарзи билан таништиради, ёш қаҳрамонларнинг ажабтовур саргузаштларидан воқиф этади. Искитлар юртидаги ғаройиб таомиллар тасвирида, худого айланган эшагу «Бай-бай-бай» ансамблининг кўшиқларида... дам энгил юмористик, дам аччиқ захарханда оҳанг сезилиб туради. Натияжада асар ҳам шавқ билан ўқилади, ҳам ер ости мамлақати ҳақида жонли тасаввур уйғотади, ҳам руҳий озука беради, энг муҳими — ёруғ дунёдаги баъзи бир тескари таомиллар — қора нукталар ҳақида жиддий мушоҳада қилади.

Одатда баркамол асар тўртта-бешта вазифани бериўла адо этади: китобхонга ҳузур бағишлайди, билим беради, уни тарбиялайди, руҳини бойитади, мушоҳадага ундайди ва ҳоказо. Шу пайтага қадар айрим фантастик ва саргузашт асарларнинг етарли эътибор қозонмаётганига сабаб, афтидан, шундаки, уларга фақатгина қизиқтирувчи ва ё илмий билим берувчи жанр тип сифатидагина қаралган, ҳолос. «Эй, ёруғ дунё» қиссасида эса, муаллифнинг ижодий ютугини таъминлаган омиллар, биринчидан, фантастик қисса, саргузашт қисса, юмористик қисса каби жанр типларига хос чегаранинг ёриб чиқилишида, иккинчидан, фақат ҳузур бағишлаш эмас, кўпга вазифаларни адо эта олишида, ва ниҳоят, афсонавий мамлакатнинг фантастик турмуш тарзини ғаройиб саргузаштлар орқали, юмористик ва сатирик оҳангларда кўрсатишнинг муҳим фалсафий-бадий юкни янгича фикрни ифодалаш учун йўналтирилганидир. Бу омиллар тўғрисида нафақат фантастик ё саргузашт, юмористик ё сатирик қис-

са, балки умуман бадий асар, янгича фикрни янгича шаклда ифодаловчи баркамол бадий асар дунёга келган.

Шуниси таҳсинга сазоворки, ўзларидан том маънода янгича бадий фикрни ташувчи асарлар адабиётимизнинг барча тур ва жанрларида яратилаёттир. Бундай асарлар ёшлар ва ҳатто бошловчи ижодкорлар қаламига ҳам мансуб. Айтилик, Сулаймон Облоқулловнинг «Хаёл» номли кичик ҳикояси, Муҳаммад Юсуфнинг «Бир куни», Музаффар Аҳмедовнинг «Рўйхат» шеърларини тилга олиш мумкин.

Одатда мактуб, айниқса, онага ёзилган мактуб юракнинг туб-тубидан чиққан асл туйғуларни ифодалайди. «Хаёл» ҳикояси мактуб эмас. Унда қаҳрамоннинг онага хаёлий илтижоси, дил рози, қайноқ туйғулари шундай тиник ифодаланганки, асар оний кечинмаларнинг рангтаъбирга ўхшайди. Бизнингча, ушбу ҳикояда ёш қаламкаш диққатининг мактуб шаклидан бевосита туйғуларнинг ўзига, «Бир куни» ва «Рўйхат» шеърларида эса, фикрнинг келажак ҳақидаги тасавурлардан шоирларга, «кичик бир синф»дан «қаттақон ҳаёт»га дафъатан кўчиши кутилмаган топилдиқлар — баркамол бадий асарларнинг туғилишига туртки бўлган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, янги фикрни ифодалаш билан фикрни янгича ифодалаш — бир нарсаси эмас. Мисол учун Эркин Аъзамовнинг «Вобололук Кўкалдош» ҳикоясини олайлик. Асар тил, услуб, композиция, бадий воситаларнинг қўлланиши жиҳатидан пишиқ-пухта, унда янгича характер ва ҳолатлар ҳам бор. Лекин ушбу ҳикоя ифодаланаётган фикрнинг янгилиги нуктаи назардан чинакам бадий кашфиёт даражасига кўтарилган эмас. Бизнингча, унда аввалдан маълум фикр янгича шаклларда, эътироф этиш керакки, маҳорат билан ифодаланган, ҳолос. Маъқур асарни Мопассаннинг «Ўғил» новелласи билан қиёсланса, бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Балки қимдир бизни бир томонлама талқинда айблаб, ижодий таъсир, сайёр гоълар, образлар, сюжетлар, ҳамсаҳилик аънаналари каби адабий ҳодисаларни мисолга келтиришни мумкин. Лекин, назаримизда, ижодий таъсирланишу ҳамсачилик аънаналари фикрий тақрордан шуниси билан фарқ қиладики, биринчисида ўхшаш шакллардан таомилга янги фикр келтириб чиқарилса, иккинчисида аввалдан маълум фикр янги характер ва шарт-шароитларга тадбиқ этилади, ҳолос.

Албатта, бу билан ёш ижодкорни нусхакшликда айбламоқ

ДЕҲҚОНЧИЛИКДА СИНАЛГАН УСУЛ

Деҳқончилик — биз учун отамерос. Ерни ҳайдаш, уни экишга тайёрлаш, алмашлаб экиш, туپроқ унумдорлигини ошириш бўйича қўриладиган агротехник тадбирлар кўп йиллардан бери тартибга кiritган эди. Маълумки, шу хил деҳқончилик жараёнида совет ҳокимияти йилларида қишлоқ хўжалиги фанининг мислсиз ривожланиши ва деҳқончилик маданиятининг юксалиши билан такомиллашганди. Деҳқон учун қайси алмашлаб экиш усулининг фойдаллиги, туپроқ унумдорлигини ошириш йўллари қатъий системага тушган эди. Бу жиҳатдан деҳқончиликда академик Вильямсининг ўт-далали алмашлаб экиш системаси ҳақидаги таълимоти бебаҳо аҳамиятга эга бўлди. Афсуски, сўнг

ги йилларда пала-партишлар, энг самарали ўт-далали алмашлаб экиш системасидан воз кечилиши деҳқончиликка катта зиён етказди. Биз академик Мираали Мухаммаджоновнинг «Гулiston» журналининг 1985 йил 7-сонида босилган «Она туپроқни эъзоэлайлик» сарлавҳали мақоласини ўқиганимизда шу масалалар бизни чуқур ўйга толдирди. Академик ҳаққоний таъкидлаганидек, кейинги йигирма беш йилда туپроқда умумий биологик мутаносиблик ҳолати бузилди. Кейинги йилларда шахта ҳосилининг нисбатан кеч пиниши, қўсақларнинг кўп қисмининг нимжон бўлиб очилиши, тола ва чигит ҳамда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари сифатининг псайиб кетиши шу

нинг оқибати эди. Чунки хўжалиқларимизнинг кўпгина қисмида деҳқончилик мутасил равишда бир хил экинини ўстираверишга асосланган, нотўғри усулга кўчирилган эди-да.

Кейинги йилларда деҳқончиликдаги бу камчиликларга барҳам бериш тадбирлари кўрилмоқда. Бу жиҳатдан Республика Фанлар академиясининг Усимликлар экспериментал биологик институтига атоқли олим, академик Мираали Мухаммаджонов сингари етук олимларнинг таъкидига ишлаб чиқилган деҳқончиликнинг янги системаси эътиборлидир. Бу янги системанинг назарий асоси, ўша мақолада уқтирилганидек, организм модда (гумус)лар ва биологик азотнинг туپроқда кўп миқдорда тўпнлашишни таъминлаш ва шу хил йўллар билан туپроқнинг биологик фаоллигини кучайтириш тадбирларидан иборат. Буида ўт-далали алмашлаб экиш системасини ҳамма жойда (кошхозлар ва совхозларда) кенг йўлга қўйиш ва ернинг чуқур ҳайдалишини изчил ташкил этиш муҳим шароитлардан ҳисобланади.

Маълумки, республикамизда пахтачилик билан бир қаторда дончилик ҳам қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидандир. Дончиликда ҳам ерни чуқур ҳайдаш ва минерал ўғитлардан тўғри ва самарали

фойдаланиш ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим омилларидир. Биз институтимизнинг бир гуруҳ ходимлари тажриба ишлаб чиқариш хўжалигимиз ҳисобланган Жиззах областидаги Собир Раҳимов номи 29-совхозда дон экинларини алмашлаб ва аралаш экиш бўйича ўтказётган тажрибаларимизда, ҳали айтганимиздек, янги ишлаб чиқилган деҳқончилик системасининг нақадар самарали эканлигини кўриб турибмиз. Биз экинларни экиш олди-дан ерларни тайёрлашга, биринчи навбатда, чуқур шудгор қилишга алоҳида эътибор бералимиз. Маккажўхори ва сояни аралаштириб экиш олдида йиллик минерал ўғитларнинг 50 проценти ерга солинадди. Кейин ер ағдарма плуг ва юмшаткичда чуқур ҳайдалади. Маккажўхори билан сояни бир неча тажриба вариантларида аралаштириб экидик. Буида ҳосилдорлик (иккала экининики) гектар ҳисобига 632 центнерни ташкил этди. Биз маасур тажриба вариантларида ерни 60 сантиметр чуқурликда ҳайдадик. Чуқур ҳайдашнинг фойдали томини шундаки, буида ўсимликларнинг илдизлари чуқур таралади. Бу эса унинг яхши озикланшини таъминлайди. Шунингдек, ер чуқур ҳайдалганда туپроқда намлик нисбатан узоқ сақланади, демак, сув тежаллади, бе-

гона ўтларнинг томирларини тағдан йўқотиш имконини беради. Бунинг устига иккинчи йил экиладиган экинлар учун тупроқ донадорлигини ошириб, яхши шароит яратеди.

Биз маккажўхори ва соя аралаштириб экишган май-донларга кейинги йили чигит экидик. Натига жуда яхши бўлди: ўша майдонда гўза ўстирган бригада ҳар гектар ердан 31 центнердан ҳосил олишга эришди. Яъни ҳосилдорлик, маасур майдонда алмашлаб экиш жорий этилган, гектар ҳисобига 6—7 центнерга ортди.

Кейинги йиллардаги тажрибаларимиз, агар фан йотуқларига изчил амаг қилган ҳолда, ер янги агротехника системаси бўйича чуқур ҳайдалса ва унда алмашлаб экиш системаси тўғри жорий этилса, шубҳасиз, дончиликда ҳам ҳосилдорликни кескин оширишга ва маасулот сифатини яхшилашга эришиш мумкинлигини кўрсатди.

Дарҳақиқат, партия ва ҳукуматимиз мамлакатимизда Озик-овқат программасини амалга оширишдек муҳим сийсий-иқтисодий вазифани кун тартибига қўйган ҳозирги шароитда деҳқончиликда илгор технологиядан кенг фойдаланиш жуда мақсадга мувофиқдир.

Жамбул ТИРКАЧЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Химия институтининг илмий ходими

чи эмасмиз. Эркин Аъзамов келгусида бутуниттифоқ минбарига «бор бўйи билан» чиқа оладиган иқтидорли ҳикоянавис эканига ишонамиз. Бас, шундай экан, маасур ҳикоя ҳақида бутуниттифоқ китобхона «Ие, бу шўрваннинг шўрван-ку!» қабилида ўйлаб қолмасмикан?

Демоқчимизки, Эркин Аъзамовдек истеъдодли ёш ёзувчиларимиз ўзларининг улкан ижодий имкониятларини маълум фикрнинг янгича бадий талқинини, машҳур асарларнинг ўзига хос эквивалентларини ҳосил қилишга эмас, оригинал бадий-эстетик олам яратишга тўла сафарбар этсалар дуруст бўларди.

Фикрий тақвор ва сийқаликлар «Ўз» адабиётимиз доирасида ҳам, минг афсуски, оз эмас. Бу ўринда энг характерли биргина мисол билан кифояланишни истардик.

Эркин Аъзамовнинг «Уларга эшикни очмайман» номи оригинал ҳикояси бор. Асарда оддий студент — юпунгина, лекин ўта мағрур ва ориятли йигит билан унинг «хотамтой» ҳамқишлоғи Салом Тошқул ўртасидаги кескин тўқнашув қаламга олинган. Ёзувчи ресторандаги зиёфат асоси қаҳрамон руҳида «бойвачча» ҳамқишлоғи — майда илинжлар бандасига қарши норозилик, нафрат ҳиссининг уйғониши, кучая бориши ва бу ҳиснинг охир-оқибат ўзига хос исенга айланганини жонли тасвир ва теран таҳлил орқали ишонарли ёритади. Йигит бундай «текин», аслида миннатли зиёфатлардан очликни афзал кўради. Ётоқхона


нада шундай маъсумона аҳду қарорга (асар эса, кутилмаган ечимга) келиб тўхтайдди: «Уларга (Салом Тошқул тоифасидаги тубан кимсаларга) эшикни очмайман!» Таъкидлаш керак: бу — янгича бадий фикр, янгича талқин.

Энди бошловчи ҳикоянавис Ашуралли Жўраевнинг «Поездни тўхтатмайман» номи ҳикоясини олайлик. Тўғри, бу ерда ҳамқишлоқ «меҳмонлар» битта эмас, бир нечта. Уларнинг бири — юлғич агроном, иккинчиси — порахўр врач. Бош қаҳрамон ҳам студент эмас, Алиқул исмли абитуриент. У институтга ҳужжат топширган, конкурсдан ўтолмаган. Болагидан паровоз ҳайдашни — машинист бўлишни орзу қилади... Қолаверса, асарда салбий типларнинг салбий қиёфаларини кўрсатувчи айрим тафсилотлар ҳам бор. Аммо бу ерда ҳам тўқнашув ўрни (ресторан), сабаблари, қаҳрамоннинг аҳду қарори (демакки, асарнинг ечими) — ўша-ўша: «Уларга эшикни очмайман» ҳикоясида қандай бўлса, шундай. Алиқул ётоқхонага қамалиб, очлик эълон қилмайди, балки ўзини машинист сифатида тасаввур этади-да, қатъий аҳду қарорга келиб тўхтайдди: «Ана ўшанда бу одамларга поездимни тўхтатмайман!» Кўриниб турибдики, асарнинг шаклу намойиши (қаҳрамонлар касб-кори, бош қаҳрамон аҳду қарорининг зоҳирий жиҳатлари) янгича аммо моҳият битта: асар замирида ётган бадий фикр нуқтани назаридан ҳикоя «Уларга эшикни очмайман» ҳикоясини тақрорлайди.

Хуллас, назаримизда, «Богоболлик Кўкалдош» — «Ўғил» новелласига, «Поездни тўхтатмайман» эса, «Уларга эшикни очмайман» ҳикоясига тақлидан яратилган иккиламчи — эквивалент асарлардир. Зеро кузатишларимиз ниҳоясида яна бир қарра таъкидлашни истардик: том маънодаги бадий кашфиёт бўлмиш баркамол асар янги фикр янги шаклга кўчган пайтдагина дунёга келади. Кашфиётнинг туғилиш йўли ана шундай! У мав-

жуд фикрларни янгича шаклда талқин этиш маҳоратининг эмас, Лев Толстой уқтирганидек, ҳаётга батамом янгича кўз билан қарай олишининг маасулидир. Бу иш эса бетиним ва беҳаловат изланишларнинг талаб қилади. Ва фақат шундай асарига эшикча тасавурулар қўбигини ёриб чиқа олади, муайян жанрни, умуман, адабиётимизни янги маазун билан бойитади.

Раҳимжон ОТАЕВ



Фарғона области Киров районида янги полигликнича очилди. Болалар врач Саодат Олимова бу полигликничада самарали хизмат қилмоқда.
И. Мухаммаджонов фотоси

ИЛК ҚЎЛЛАНМА

Маданиятимиз даражаси совет халқи билим савиясининг юксалиши билан бевосита боғлиқ. Кенг халқ оmmasининг илм-фан ва маънавий маданият соҳасидаги эҳтиёжларини қондириш даставвал унинг асосий билим манбаи — китобга бўлган ташналигини қондиришдан иборат. Бироқ замонамизнинг қудратли омилига айланган фан-техника тараққиёти даврида ўзбек халқининг юксак маданияти даражасида фаннинг турли соҳаларига оид миллий тилларда ёзилган асарлар, дарсликлар ва қўлланмалар ханузгача кам. Буни қисман бартараф этишда этнограф ва социолог олим профессор Исо Жабборовнинг «Жаҳон халқлари этнографияси» деб аталган ўқув қўлланмаси диққатга сазовордир.

Қўлланманинг «Этнография фанига муқаддима» бўлимида бу қизиқарли фан соҳасининг келиб чиқиши, тарихи, этнографик терминлар тахлили ҳамда этнография фани олдидан турган, ҳал этилиши лозим бўлган муҳим муаммолар устида сўз боради.

Эраимиздан аввалги III—I минг йилликлар давомида Миср, Месопотамия, Эрон, Урта Осиё ва бошқа территорияларда ташкил топган қадимий мамлакатлар халқларининг иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳаёти ҳақидаги оғзаки ва ёзма маълумотларнинг бирмунча қисми бизгача етиб келган. Антик давр юнон авторлари Афлотун, Гиппократ, Демокрит, Арасту, Геродот ва Тацит асарлари, шунингдек, ўрта асрлар Шарқ мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний, Махмуд Кашгарий ва бошқаларнинг таснифларида ҳам халқлар этнографиясига оид талайгина маълумотлар мавжуд. Муаллифнинг қайд қилишича, Буюк географик кашфиётлар даврида (XV аср ўрталаридан бошлаб) «этнография ахборот кенг миқёсда ва тез суръатлар билан тўлғанди», денгизчи-савдогарлар, олим-сайёҳлар ва миссионерлар турли асарлар ва хотиралар ёзиб қолдирдилар.

Асрлар давомида жамланган факт ва маълумотлар асосида

XIX аср бошларида этнография фани қарор топади. Илмий-материалистик назария асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельс ўзларининг биринчи асарларидаёқ эндигина кўртак отган этнография фанига жиддий эътибор берганлар. Улар этнографик муаммолардан, айниқса антропогенез (одамнинг келиб чиқиши), этногенез (халқларнинг келиб чиқиши), дин тарихи ва этник жараён каби мураккаб масалаларга алоҳида тўхтаб ўтганлар.

Жаҳон халқлари классификациясига бағишланган мазкур бўлим асарнинг илмий-назарий асосини ташкил этади. Этник жараён ва унинг амалга ошиши борасида фикр юритиб, муаллиф ёзади: «Агар элат ва халқларнинг ташкил топиши ижтимоий характерга эга бўлса, ирқларнинг пайдо бўлиши биологик асосга эгадир». Давримиз халқлари антропологик жиҳатдан негроид, европоид, монголоид, австролоид каби тўрт катта ирққа бўлинади. 1975 йилги маълумотларга кўра, негроидлар — 250 миллион, европоидлар — 1 миллиард, монголоидлар — 704 миллион ва австролоид (океания) ирқидогилар — 9,4 миллион кишини ташкил этади. Ҳозир жаҳонда икки мингдан ортиқ элатлар, уч мингга яқин тиллар мавжуд бўлиб, уларга муайян классификация принциплари асосида ёндашиш талаб қилинади. Асарнинг муқаддима қисмида мазкур мураккаб муаммолар билан бирга, этнография фанининг энг актуал масалалари, тадқиқий методи ва махсус терминлар устида батафсил фикр юритилади. Этнография фани терминлари — халқ, этнос, ирқ, экзогамия, эндогамия каби тушунчаларга таъриф берилганлиги диққатга сазовор. Муаллифнинг фикрича, ҳозирги даврдаги муҳим масалалардан халқларнинг келиб чиқиши, янги этник бирикмаларнинг пайдо бўлиши, урф-одатлардаги эскириб қолган, жамият тараққиётига гов бўлаётган сарқитларга қарши кураш, замонавий илгор аъёналарни, янги турмуш тарзини ҳаётга жорий этиш масалалари этнография фанининг амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. И. Жабборовнинг мазкур асирида барча қитъаларда яшовчи

катта-кичик халқ ва элатларнинг ўтмиши, этник тарихи ва ҳозирги ҳаёти маркча-ленинча методология асосида изчил таърифланиб, буржуа фанида кенг тарқалган турли «илмий» назариялар ва йўналишлар кескин танқид қилинади. Муаллиф янги мустамлакачилик ва ирқчилик сиёсатининг илм-фанга зид моҳиятини очиб беради.

«Чет эл мамлакатлари халқлари» деб аталган биринчи қисм Австралия ва Океания халқлари, чет эл Осиёси, Африка, Америка ва Европа халқлари этнографиясига бағишланган. Иккинчи — СССР халқларига бағишланган қисмида эса тўрт боб ҳажмида мамлакатимизнинг Европа қисмидаги этнослар, Кавказ, Урта Осиё ва Қозоғистон ҳамда Сибирь халқлари этнографиясига оид маълумотлар талқин этилади.

Муаллиф ўрганилаётган объектни қуйидаги тартибда тахлил қилади: аввал, муайян ирқ ва элат, халқлар жойлашган территорияларнинг географик шариоити, этносларнинг келиб чиқиши, шаклланиш тарихи, ирқ, элат ва халқларнинг антропологик ва лингвистик характеристикаси, ибтидоий жамоа тузумидан ҳозирги кунгача босиб ўтган ижтимоий-маиший тараққиёти, моддий ва маданий ҳаёти мисол ва далиллар асосида тушунтириб берилади. Халқларнинг миллат бўлиб шаклланишида ижтимоий-иқтисодий омиллар ҳал этувчи аҳамиятга моликлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Тарихий-этнографик жараённи кўрсатишда тадқиқотчи айниқса археология ва этнография фанлари эришган энг сўнгги илмий ютуқларга асосланган. Мисол тариқасида, Урта Осиё халқлари этнографиясининг тафсилоти назардан ўтказайлик. Исо Жабборов томонидан Урта Осиёда туркий тилда сўзлашувчи элатлар эраимиздан аввалги I минг йилликлардан пайдо бўлган ва улар Урта Осиёга эраимиз арафасида келиб, ўрнаша бошлаганлар, деб билдирилган мулоҳаза тарихий ҳақиқатга яқиндир. Бу воқеа гуни қабилаларининг Урта Осиёга юришидан бошланади. Тарихий фактлар шундан далолат берадики, Эрон аҳамийларига қарши курашда (эраимиздан аввалги VI аср) маҳаллий Урта Осиё ҳукмдорлари шарқий Туркистонда истиқомат қилувчи қўшни туркий қабилаларни ёрдамга чакирганлар, Урта Осиёга келган туркий қабилалар эса шу ўлда тургун бўлиб қолганлар ва маҳаллий элат ва халқлар билан қўшилиб кетганлар. Демак, муаллифнинг «Ўзбек этногенезида қадимий сўғдийлар, хоразмийлар, бактрияликлар, фарғоналиклар ва сак-массагет қабилалари муҳим роль ўйнаган», деган фикрига қўшилмаслик мумкин эмас. Урта Осиё халқларини туркийлаштириш жараёнида эфталитлар ёки оқ гуниллар давлатининг таъкил топиши (VI аср) ва сўнгра Урта Осиёнинг Турк хоқонлиги таркибига кириши муҳим роль ўйнаган.

Турли қитъадаги катта-кичик барча халқларнинг келиб чиқиши ва ҳозирги этник қиёфасини муаллиф маркча-ленинча назария ва совет тарих фани ютуқла-

рига таяниб таърифлайди. Уларнинг ирқий тузилиши, тили ва хўжалик фаолияти, моддий ва маънавий маданияти хусусиятлари, ижтимоий ҳаёти ва фаолияти, урф-одатлари жонли тасвирланган. Сиёсий жиҳатдан Осиё, Африка ва Лотин Америкаси империалистлар ва уларнинг мафкуравий малайларининг ёвуз мустамлакачилик ниётларининг фош қилиниши диққатга сазовордир.

Айниқса, китобнинг чет эл Осиёси халқлари этнографиясига бағишланган қисми катта таассурот қолдиради. Муаллиф ёзганидек, ҳозир жаҳон аҳолисининг ярмидан кўпи Осиё қитъасида яшайди. Бизга қўшни олд осиеликлар — турклар, афгонлар, эронликлар, араблар ва ҳоказолар тўғрисида этнографик маълумотлар анча батафсил берилган. Жанубий Осиё халқлари, чунончи, хиндларни таърифлашда, И. Жабборов буржуа олимларнинг маҳаллий элатларнинг қадимий маданий ютуқларини инкор қилишини фош этади. Унинг ёзишича, европаликлар ҳали ибтидоий жамият даражасида турган даврда, эраимиздан аввалги III минг йилликларда хиндларнинг аждодлари ажойиб Моханжадор ва Харапи маданиятларини яратган эдилар.

Ўқувчи «қора қитъа» деб аталмиш Африка халқларининг келиб чиқиши ва этник тарихи, машғулот ва турар жойлари, кийим-кечга ва озиқ-овқати, ижтимоий ва оилавий ҳаёти тўғрисидаги қисмларни қизиқич билан ўқийди. Шуниси муҳимки, бу қитъа энг қадимги одамнинг ватани бўлиб, кейинги археологик кашфиётларга биноан бу ерда гоминидлар, яъни одамсимон маймунлар 4 миллион йиллар, дастлабки одамлар эса 2,5—3 миллион йиллар аввал яшаганлиги аниқланган. Ваҳоланки, сўнгги вақтларгача олимлар инсоният тарихини бир миллион йиллар атрофида ҳисоблаб келганлар. Африка нафақат энг қадимий антропогенез, яъни одам келиб чиққан қитъа, бу ер энг кўҳна юксак маданият ўчоқларидан бири ҳамдир.

Китобнинг Америка қитъасига бағишланган бўлими ҳам ҳаяжон билан ўқилади. Айниқса, туб аҳоли — хиндуларнинг-хўжалик ва ижтимоий ҳаёти, моддий ва маънавий маданияти катта меҳр билан ёзилган.

«Жаҳон халқлари этнографияси» ўқув қўлланмаси олий ўқув юрталарининг тарих факультетлари студентларига мўлжалланган бўлса ҳам, мавзуларни баён қилиш структураси, илмий жиҳатдан асосланган фактик маълумотларга бойлиги ва бошқалар бу асарни оригинал илмий асар даражасига кўтарган. Афсуски, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур китоб тарихий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлишига қарамасдан, жуда кам нусхада нашр этилган. Асар турли расмлар, карта ва схемалар билан тўлдирилса, аини муддао бўлар эди.

Илёс НИЗОМИДИНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор,
Жаббор КАБИРОВ,
тарих фанлари кандидати.

¹ Исо Жабборов. Жаҳон халқлари этнографияси. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1985.

САРКАРДА ВА ШАХМАТ

Михаил Васильевич Фрунзе ленинчи гвардиянинг шоли сафида фахрли ўринлардан бирини эгаллайди. У революция идеаллари учун курашдаги матонати, партияга бўлган садоқати, баҳоёрлиги ва собит-қадамлиги туфайли халқимизнинг хурмат-эҳтиромига сазовор бўлди.

«Революция хамиша улуг саркардаларни яратади, — дейди партия ва Совет давлатининг арбобларидан бири Серго Оржоникидзе. — Агар биз Улуг Октябрь революцияси жуда кўп атоқли кишилар қаторида яна бир порлоқ юлдуз — Фрунзени ҳам воёга етказди десак, муболаға қилмаган бўлаемиз».

СССР Ҳарбий кучларининг марказий музейида совет жангчиларининг жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи жанговар байроқлар ва табаррук эсдаликлар орасида, фахрли революцион курул ҳамда металл кавшарланган жанговар Қизил Байроқ ордени томошабинларда чуқур таассурот қолдиради. Курулдаги зарлаҳага: «Халқ қаҳрамони М. В. Фрунзегга РСФСР Марказий Икромия Комитетидан» деб ёзиб қўйилган

Михаил Васильевич ниҳоятда банд бўлишга қарамай, кўпинча бўш вақтларини шахматга бағишлар эди. М. В. Фрунзе билан 1912 йили каторгада бирга бўлган кекса большевик, Улуг Ватан уруши даврида Қримда партизанлар ҳаракатига раҳбарлик қилган, «Қрим подпольесида», «Курашдаги ҳаёт» номи китобларининг муаллифи И. А. Козлов шундай деб ёзади:

«Арсений (М. В. Фрунзенинг партиявий лақаби) шахматни жуда севар ва бошқаларга ҳам бу санъатни ўргатар эди. Шахмат доналарини ўзимиз ясадик. Кейинчалик шахмат доналарини муайян рақамлар билан белгилаб, тоштахтада ўйнашни ўрганиб олдик. Қоровуллар бизнинг сирли машғулотиимизни ҳеч тунуолмасдик. Қоровул: «Нима қилаяписизлар?» деб сўраса, «Масала ечаёбмиз», дердик. Шунда қоровул хотиржам бўлиб жўнаб қоларди. Арсений шахматни яхши ўйнар, деярли ҳар доим голиб чиқар эди. Мабодо бирор бир партияни ютқазиб қўйса, партияни синчиқлаб қайта бошдан таҳлил қилиб, хато юрган йўллари тоштанган кейингина кўнгли жойига тушарди». Иван Козлов билан ўйналган шахмат жанги ҳақида В. Архангельскийнинг «Фрунзе» китобида ҳам ҳикоя қилинади.

М. В. Фрунзе ҳатто Граждандар уруши йилларида ҳам баъзан шахмат суриш учун вақт топа оларди. Жумладан, у Туркистон fronti кўшинларига қўмондонлик қилганида ҳам фронт сиёсий бошқармасининг бошлиғи В. В. Куйбишев билан баъзи-баъзида шахмат ўйнаган. А. И. Микоян эса 1975 йил «Неделя» газетасининг 5-сонига эълон қилинган «Содиқ ленинчи» мақоласида шундай деб ёзади: «Биз Самарага келган вақтимизда Туркистон фронтига қўмондон қилиб тайинланган Фрунзе учун махсус поезд сафарга тайёрланаётган эди. Бу — Оренбургдаги казак бандалари тор-мор этилганидан кейин йўл-

га чиқётган биринчи поезд эди. Мен Фрунзедан шу поездда кетишга рухсат сўрадим. У рози бўлди.

...Шу тариқа биз деярли бир ой йўлда бўлдик. Сафар қийинчиликларига қарамай, поезддаги ҳаёт «булоқдек» жўш уриб турди. Фрунзе меҳнатсеварлиги, хушчакчақлиги ва тетиклиги билан ҳаммага ўрнак бўлди. У Туркистондаги бўлажак курашга тайёрланиш мақсадида кўп ўқир ва ишлар эди. Шу билан бирга қўшиқ айтиш ва хушчакчақ ҳазилларни ҳам унутмасди. Шахматни севар, кўнчинга унинг ўз хамроҳлари билан кизикарли ўйинга берилиб кетганини тез-тез кўриш мумкин эди».

СССР Қурулди кучларининг марказий музейида М. В. Фрунзенинг баъзи бир шахсий буюмлари сақланмоқда. Улар орасида машҳур саркарданнинг кўпгина жангу жадалларда ажралмас

йўлдоши бўлган шахмат ҳам қўр. Музейнинг фототекасида қўмондон кабинетидagi ёсув столи ва унинг устида доналари жангга тайёр ҳолда териб қўйилган шахмат тахтасининг фотосурати сақланмоқда.

Куйида улуг саркарда шахмат ижодидан намуна келтираемиз.

**М. В. ФРУНЗЕ —
И. А. КОЗЛОВ**

Дебют. Икки от ҳимояси.

1. e4 e5 2. Kf3 Kc6 3. Cc4 Kf4 4. Kc5 d5 5. ed Ka5 6. d3 Kc4 7. de Cc5 8. Fd3 h6 9. Ke4 Cf5 10. Kd6+ ed 11. Fc3 g6 12. Ff3 Fe7 13. Kc3 e4 14. Ff3 Kh5 15. Ce3 Cg4 16. Cd4 Jh7 17. o-o-o Fg5+ 18. Ce3 Kf4 19. Fg3 Cc3 20. C:f4 F:g3 21. C:g3 Cb4 22. c3 Cc5 23. Jhe1 o-o-o 24. J:e4 f5 25. Jle6g5 26. f4g4 27. Jf6. Қоралар таслим бўлди.

АНАТОЛИЙ КАРПОВ МАТЧ-РЕВАНШ ҲАҚИДА

Шахмат бўйича жаҳоннинг собиқ чемпиони Анатолий Карпов халқаро Шахмат Федерацияси имтиёзидан фойдаланиб, жаҳон чемпиони Гарри Каспаров билан матч-реванш ўйнашга қарор қилди. А. Карпов бу ҳақда ФИДЕга 5 декабрда ёзма равишда ахборот берди. Маълумки, матч-реванш ўтказиш мудири ФИДЕ томонидан эълон қилинган эди. Бу ўйин 10 февраль — 21 апрель оралиғида ўтказилиши лозим.

Франциянинг Монтелье шаҳрида совет гроссмейстери собиқ жаҳон чемпиони Михаил Таль билан голландиялик машҳур шахматчи Ян Тимман ўртасида 6 партиядан иборат матч ўйини

бўлиб ўтди. Ҳисоб 3:3. Аммо коэффициент жиҳатидан Ян Тимман ахволи яхши бўлгани учун шахмат жаҳон чемпионлигининг даъвогарлик ярим чорак финалига йўл олди.

Энди Ян Тимман билан москвалик гроссмейстер Артур Юсупов, гроссмейстерлар Рафаэль Ваганян билан Андрей Соколов 1986 йил 8 январидан 2 февралгача бир-бирлари билан 10 партиядан иборат матч ўтказишди. Шу тўрт гроссмейстердан биттаси голиб чиққангина, у 21 июлдан то 23 августгача ё Карпов билан ёки Каспаров билан ўйнайди.

Анвар ИНОҚОВ



ЭҶРОМ ТОШЛАРИ ҚАЙИҚДА КЕЛТИРИЛМОҚДА

Миср эҳромлари қандай қурилган? Ҳозирги кунда айниқса Қоҳира ёнида қад кўтариб турган маҳобатли машҳур Хеопс, Хефрен ва Микерин эҳромлари катта қизиқиш уйғотмоқда. Масалан, минг йил муқаддам қурилиш жойига баҳайбат

тош блоклари қай тартибда келтирилган?

Қадимги Миср деворларида ишланган вақилар орасида улкан ҳайкаллари олиб келиш жараёнини тасвирлайдиган сажналар кўзга таяланади. Уларда махсус ясалган ченаларга кўшилган минглаб одамлар расми бор. Унда ташқари, ишқаланишни камайтириш учун ченалар тағига сув ёки ёғ қуяётган қийфалар кўринади. Эҳромларга ишлатилган тошлар ана шундай техника воситаси ёрдамида келтирилган деб ҳисоблайдилар. «Миср эҳромларининг қурилиш сирлари» китобининг муаллифи — инженер М. Мэнкс бундай нуқта назарга шубҳа билдиради. Тош қонидан кўп тошнали яхлит тошларни келтириш гидросистема ёрдамида бажарилган, деб ҳисоблайди у. Мэнкснинг фикрича, тош ортилган кемалар алоҳида қурилган шлюзлар тармоғидан сузиб ўтиб, иппоот қуриладиган жойгача кўтаришган. Муаллиф ўз даъвоини исботлаш учун қадимги эҳромлари қовлаш вақтида топилган қийқларни далил қилиб келтиради.

КОИНОТДАН ХАБАР

Ўтган йили Украина ССР Фанлар академияси Радиофизика ва электроника институтининг олимлари илм-фанда янги муваффақиятга эришдилар. Улар дастлабки космик радиоманбалар — квазарлар ва радиогалактикалар шаклланишининг бошланишини ўрганиш туфайли Коинотнинг қадимий ўтмишига «назар ташладилар». Самовот эволюциясини ўрганиш борасидаги бу янги муҳим қадим декаметрларнинг тўлқинлари бўйича жажоҳат энг йирик радиотелескоп ёрдамида амалга оширилди.

ҚАДИМГИ ЭКСПОНАТ

Ўтган йили Қоҳирада очилган археологик қазилмалар кўрғамасида шаҳардаги хар хил музейлар

га қарашли юзга яқин экспонат намоиш этилди. Шуниси диққатга сазоворки, ёши минг йиллар билан изоҳланадиган бизкур ҳайкаллар ва расмлар қадимги мисрликлар ҳаётида аёлларнинг тутган ўрни ва роли ҳақида ҳикоя қилади.

Экспонатлар орасида қишлоқ раҳбари бўлган аёл ҳайкали айниқса эътиборни ўзинга тортади. Бу ҳайкалга қарийб икки ярим минг йил ёш берган олимларнинг тахминларига кўра, қадимги Мисрда аёллар эркаклар билан баб-баробар ҳуқуқларга эга бўлганлар, ҳатто баъзан эркаклардан ҳам балинд-қок обрў-мақома турганлар. Бутун дунёга машҳур аёл подшо — Нефертити ҳақида ҳикоя қиладиган экспонатлар айниқса томошабинлар диққатини ўзинга тортади. Тарихдан маълумки, Нефертити фиръанни Омон-Хотешинг хотини бўлган ва ўз замонасида гўзал аёлларнинг тимсоли бўлиб танилган.

Мизкур аjoyиб кўрғазма Мисрдан ташқарида — бир неча чет эл мамлакатларида ҳам намоиш этилди.

МАЙМУН ТАШНАЛИКДАН ҚУТҚАРАДИ

Жанубий Африканинг сувсиз сахро областларида одамлар тириклик — сув манбаини синчиқлаб излаган билан топиш амри маҳол. Жанубий Африкада яшайдиган «Чакма» деб аталувчи итумшук маймунар сув манбаларини топнишда катта ёрдам беради.

Бу маймунар одамларнинг сув тугул, сув борлигини билдирадиган аломатларни ҳам кўролмайдиган ерлардаги яширин сув манбаларини топиб бериш лаёқатига эга. Унинг учун ушбу олинган итумшук майму боласини бир неча кун шўр овқат билан боқиб, сув бермаслик керак. Кейин буйига узун арқон боғлаб қўйиб юборилади. Чакма одамзод кўзидан яшириниб ётган сув манбага тўппа-тўғри бошлаб боради.



АБЖИРЛИК

Анвар МУҚИМОВ

ҲАЖВИЯ

Биз мана шунақамиз, ошна, удабурронмиз. Савдо-сотик деганининг мурватини қотириб ташлаймиз. Уччига чиккан чайқовчи, мана мен деган устомон олибсатар, пихини ёрган магазинчи бизнинг олдимизда ип эшолмайди. Абжирмиз-да, абжир. Малликани дилдор бўлса: «Амманнинг бузогисиз, ношудсиз», деб жигимга тегади.

Ўғилни улантирмоқчимиз. Янгангиз шаҳарга бир ойлик семинарга кетган. Йўқ пайтида ким эканлигини бир кўрсатиб қўйини, дедим. Тўй ашёларини харид этиб, тахт қилиб қўйдим. Ипидан игнасиғача сотиб олдим! Кўриб қўйсин янгангиз ёстиқдошининг ким эканлигини! Мана энди бутун кишлоқнинг оғзи данг очилиб қоладиган тўйни ҳам бошлайверсак бўлаверади...

Шуларни ўйлаб турсам, янгангиз келиб қолди.

— Ия, ия? Хоним, ўнгимми, тушимми? — дедим қўлидан чамадончани олиб. — Қалай, яхши келдингизми?

— Раҳмат, — деди хоним. — Тинч-омон юрибсизларми?

— Раҳмат, миннатдорман, — деб жавоб қилдим мен. — Индинга келишингиз керак эди-ку? — Ўқишини икки кунга қисқартиришди.

— Жуда соз. Демак, тўй ҳам икки кун олдинга силжир экан-да. Табриклашингиз мумкин, хоним. Тўй сармояларини таппа-тахт қилиб қўйдим.

Бу сўзларни эшитгач, хонимнинг кўзлари олайиб кетди.

— Вой, сиз-а? Ростданми?

— Нега ёлғон бўлар экан?! — дея гап қотдим бир оз тўрсайиб. Янгангиз сапчиб ўрнидан туриб кетди ва қўлини паҳса қилди: — Бозордан бўғоз совлиқ қўй деб қўчқорни етаклаб келган банд-я! — деб ўшқирди у.

— Бу гап ундай қилинмади, — дедим бир оз тортиб.

— Қандай қилинди бўлмаса? — жеркиди хоним. — Вемаъни моллар эвазига рўзгорни қақшатган бўлманг тагин?

— Нега қақшатар эканман, ҳамма ишни улфатлар билан бамаслаҳат қилдим.

— Нечук, бозор деса, эсангиз котарди-ку?! Хўш, қани, нималар харид қилдингиз?

Блокнотга кўз югуртирдим. — Мана, икки жўра «сув париси» деган қўйлақлик олдим. Уч метр ҳисобида. Сотувчи бакуват йигит экан, ўлчаётганида метрни камалак қилиб юборди, азамат. Ақчаси юз олтмиш сўм.

Хоним афтини бўжмайтирди. — Вой, эллик сўмдан юз сўм бўлиши керак эдику, икки жўра «сув париси», чайқовдан олдингизми?

— Нега чайқовдан олар эканман?! Магазиндан олдим. Лекин вича чиким бўлди.

— Қанақа чиким?

— Шошилманг, — хотиржам сўз қотдим мен. — Ҳозир тушунтириб бераман... Магазинчининг кулогига аста шивирлаб: «Сув париси» топиладими, Ҳожи?» дедим. «Топилади сизга, акажон», деди. «Бироқ, кичкина «илова»си бор. Районинг сариеғ плани тўлмай ётибди. Беш кило сариеғ топиб келинг», деди. Қидира-қидира килосини...

— Вой, ўлмасам! Кейин-чи, кейин нима бўлди?

— Кейин, бахмал, крепдишин...

— Уларга ҳам сариеғ талаб қилишдингизми?

— Йўқ, сариеғ эмас, жун, тери дегандай...

— Вой, гиламчага пўстак, якандозга бўйра қўшиб олмасиз-да! Уффи! Уйинг куймагур аллофларга қолса, тугмачага тегирмон тошини жуфтлаб сотишдан ҳам қайтмайди.

— Магазинчи: «Таомил шу», деди. Таомил шу бўлганидан кейин бузиб бўладими уни! Инсоф ҳам керак-да!

— Сиздай ландавур харидорни топиб олгандан кейин билганини қилади-да! Утмаган искирт матоларини ўтказадими-да! Кейин?

— Ўн метр қизил лента олдим. «Илова»сиз.

— Хайрият, лентага арқон қўшиб сотмабди.

— Унта лаган, йигирмата чинни коса, ўн иккита чойнак, ўттизта пиёла...

— Буларни бозорнинг «учар»ларидан икки-уч бараварига олгандирсиз ҳар қалай?

— Ҳа, шунга ўхшашроқ. Сўраганини бердим. Зиқналик яхши эмас.

— Ҳамёнигиз тешиқ-да, юр-

ган йўлингизда пулингиз тўкилиб юради. Айтмоқчи «учар»лар қаердан олишар экан чинни буюмини?

— Қаердан олишарди? Қовун-тарвузнинг бикинига экишда чайнак-пиёланинг уругини. Косани ошқовоқ пўчоғининг палласидан ясади. Лаганини кунгабоқарнинг товоғидан қилади.

— Йў-ре, йў-ре! Кейин?

— Лампочкани магазиндан ўз нархида олдим. Йигирмата. Бир бош қўй, икки пуд гурунч. Угаганинг гурунчидан. Ярим қоп оқшоқ олдим.

— Вой, бошимизга урамизми оқшоқни! Маърака арафасида турган одаммиз, керак эмас, демангизми?! — Дедим. Лекин сотувчи: «Гўшт суякисиз бўлмайди», деди. Ўйласам, мантиқан тўппа-тўғри.

— Вой, ўлмасам. Қоғозга тикилиб, лекция ўқишдан бошқасига ярамайсиз! Келардим-ку! Шаҳарда гумдон бўлиб кетмасдими-ку! Энди шунақа қилинг. Қатиққа ардоб, қаймоққа зардоб қўшиб сотса ҳам олаверинг.

— Ҳа, энди...

— Адойи тамом қилибсиз! Бор мулкимизни шамолга совурибсиз. Айтмоқчи, буларнинг ҳаммаси учун пулни қаердан олдингиз? Омонат кассадаги жамғармамиз етмагандир? Қара кўтардингизми?

— Йўқ, қарз кўтаришга андак ор қилдик.

— Хўш?

— Ҳалиги... Сигирчанинг адресини, яъни яшаш жойини пича ўзгартиришга тўғри келди. Яъни сигирчанинг эгасини сал янгиладик.

— Сотдингизми?

— Шунга ўхшашроқ...

Хоним икки сонига «тарс» этказиб урди.

— Вой, шўрим, хой, одамлар! Нега укувсиз лакаловга ақлнинг уругидан зигирдеккина қўшиб сотмайсизлар? Келардим-ку! Ундан-бундан пул топардим-ку! Кечагина туққан говмишимни... Дод! Ландавур эрининг дастидан дод! Вой, менинг зотдор сигиргинам...

Хоним фарёд кўтариб, оғилга қараб югурди. Шунақа, янгангиз ўзи бир оз куюнчақроқ. Сал нарасга вайсайверади. Сира ҳам ландавур эмасман. Абжирлик шунчалик-да!..



Слесарь: — Батарея ёрилса нима бўшти, тайёр ҳаммом-ку! Н. Иброҳимов чизган расмлар

ЛАТИФАЛАР

— Мулла Насриддин, сизни кўрган одам сира етмишга кирган демайди, бунинг сирини нимада? — деб сўрадилар танишлари Афандидан.

— Ҳамма гап тоза ҳавода, — деб жавоб берди Афанди. — Янгангизнинг жаҳли чиқаётганини пайқашим билан лип этиб кўчага отиламан. Агар у билан эллик йил турмуш қилган бўлсам, шундан кирқ беш йилни тоза ҳавода ўтказдим, мана сирини қаерда!

* * *

Бир тўйда домла имом ноуу неъматларга қиё боқмай ўтирган эди, Афандининг қўшниси оҳиста сўради:

— Мулла Насриддин, нега тақсирим тўйган кўзидай тек ўтирибдилар?

Афанди кулди:

— Қоплама тишлари уйда қолибди, бўлмаса дастурхоннинг чангини чиқарворар эди!

И. АБДУЛЛА

Бир киши ёнидаги нотаниш аёлга бир одамни кўрсатиб ёмонлай бошлади.

— Хў анави қари тентакни кўрайясизми, умрим бино бўлиб унақа бемаъни бюрократни учратмаганман. У бизнинг директоримиз, таниб қўйинг.

— Биласизми, мен кимман? — сўради аёл.

— Йўқ.

— Мен ўша директорингизнинг хотиниман.

Киши кўзларини пирпиратди:

— Лекин, айтинг-чи, менинг кимлигимни биласизми?

— Йўқ.

— Жуда соз, билмаганингиз маткуш! — деди-да, йўрғалаганча залдан чиқиб кетди.

*

Бемор врачга арз қилди:

— Семириб кетаялман доктор, нима қилсам экан-а?

— Бадан тарбия билан шугулланинг, — деб маслаҳат берди доктор.

— Ишга ҳар куни пиёда қатнашман, шу етмайдимми?

— Ундай бўлса, автобусда юришга ўтинг.

Тўловчи: Турғунбой ҒОЙИПОВ



Вакил: — Сигирларингиз сақич чайнаптимиз, Қўзайов ака? Ферма мудури: — Ҳа, бўқиб қолишганидан қавуш қайтарашаяпти.

Динозаврлар бу ердан юз эллик миллион йил муқаддам ўтган, табиат уларнинг изларини асраб қолган... Динозаврларнинг улкан панжа изларини Ўзбекистон Нефть-газ геология бирлашмаси ходимлари Ҳисор тоғларининг жануби-ғарбий тизмаларида жойлашган Хўжафил қишлоғига яқин

ерда учратиб қолишди. Кўрииб турибдики, қишлоқнинг номи «Муқаддас фил» мазмунини билдиради. Балки маҳаллий аҳоли бу ердаги жуда кўп жумбоқ изларни кўриб, қишлоқ номини бугунги кунда қуруқликда истиқомат қиладиган сут-эмизувчиларнинг энг каттаси номи билан боғлаган бўлишлари мумкин.

Худди шунга ўхшаш излар Зарафшон тизмаларининг тошлук ёнбағрида, 56 квадрат километр майдон


да ташкил этилган дунёдаги ягона Китоб палеонтолог-стратиграфик (Ер геологик тарихининг қадимги даврларда яшаган ёхуд тошқотган ҳайвон ҳамда ўсимликларнинг изларини ўрганишга оид) кўриқхонасида ҳам учради.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Геология ва геофизика институти директори республика Фанлар академиясининг академиги И. Х. Ҳамроевдан бу антиқа топилмаларни изоҳлаб

беришни сўрадик. У шундай фикр билдирди:

— Тошпана динозаврларнинг излари шунга тасдиқлайдики, жуда қадим даврда Ҳисор тизмаси жойлашган ерлар иқлими ма-

йини, турли-туман ўсимликларга бой дашт бўлган. Анча давр ўтгандан кейингина тоғ шаклини ола бошлаган. Янги топилмалар олди ўтмишни ўрганишда кўл келади.



МУҚОВАДА

Биринчи бет: Ленин йўлидан коммунизм сари!
Н. Галиев чизган плакат.

Учинчи бет: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати, Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати бетончилар бригадаси бошлиғи Исмоил Орипов (чапдан иккинчи) Михаил Родоманов, Анас Зокиров, (иккинчи қатор, чапдан) Юрий Минченко, Сергей Ожегов, Ангам Муртазин даврасида.

Л. Петренко фотоси
Ўтган йили пахта планини Сирдарё область, Ильич районида биринчи бўлиб бажарган, ўн биринчи беш йиллик мажбуриятларини ортиғи билан адо этган «Октябрь 60 йиллиги» — 5 «А» совхозни директори Умнат Оллоёров ва ҳар йили пахта терими даврида шу совхозга ҳашарга чиқиб, катта ёрдам бериб келадиган Урта Осий Медицина педиатрия институти ректори, профессор Вали Мажидов ўзаро суҳбатда.

В. Мосин фотоси
Улугбек номидаги Китоб Халқаро кенглик станцияси илмий ходими Самандар Эшонкулов иш устида.

Н. Муҳаммаджонов фотоси

Тўртинчи бет: Табиатни муҳофаза қилиш — умум-халқ иши.

Д. Файзрахмонов чизган плакат.

Зарварақнинг биринчи бети: Тошкентдаги В. И. Ленин майдонида ҳарбий парад.

В. Дубровский фотоси

Еш барабанчилар.

В. Мосин фотоси

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон» дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари ва «Советский союз», «Вокруг света» журналларидан фойдаланилди.

«СОЦИАЛИСТИК МЕХНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ» ЦИКЛОКРОССВОРДИ

1. Донгдор пахтакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
2. Совет олими, ракета космик системалар конструктори, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
3. Авиаконструктор, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
4. Ташаббускор сут соғувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
5. Юксак мукофотга сазовор бўлган поплик пахтакорлардан бири.
6. Таниқли курувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
7. Ўзбек соҳибкор олими, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
8. Машҳур балерина, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
9. Ўзбекистон халқ шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
10. Таниқли механизатор аёл, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
11. Атоқли совет ёзувчиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
12. Физик олим, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
13. Олий мукофот ишондори, республикамиздаги сут соғувчилардан бири.
14. Таниқли рус сатири адиби, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
15. Кинорежиссёр, СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
16. Донгдор тўқувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Циклокроссвордни ҳал этгандан сўнг рим рақамлари билан белгиланган хоналардаги ҳарфларни ўқинг. Бунда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг номи ҳосил бўлади.

Циклокроссворд жавоб номларидан фойдаланиб шакл марказидаги (айланаларда ифода этилган рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб) цифrogramмани ҳал этинг. Бунда ўзбек халқ мақолларидан бирини ўқийсиз.
Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

12-СОНГА ТУШГАН «НАВОИЙ» ЦИКЛОКРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1. Хамса.
2. Навфал.
3. «Вақфия».
4. Жомий.
5. Лайли.
6. Бертельс.
7. Вехзод.
8. Рубоий.
9. Хондамир.
10. Девон.
11. Лужфий.
12. «Муножот».
13. Аҳмаров.
14. Тарона.
15. Фаррух.
16. Ҳамроев (Раззок).
17. «Дилором».
18. Тажнис.
19. Радиф.
20. Мусаддас.
21. Муқбил.
22. Биноий.
23. «Муфратод».
24. Фоний.
25. Мисра.
26. Маҳдия.
27. «Навоий».
28. Ҳазал.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МУЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), И. ХАЙДАРОВ, О. ХУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Х. ХУСНИДДИНХУҲАЕВ, К. ЯШИН.


«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресмиз: 700000, Тошкент-II, Ленин кўчаси, 41

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32

Босмахонага туширилди 23.12.85 й. Босишга руҳсат этилди 27.01.86 й. P-10557. Қоғоз 70 × 108 мм. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 203109. Буюртма 2474. Нашр B-110.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси 700000: Тошкент-II, Ленин кўчаси, 41.



Табиатни муҳофаза қилиш- умумхалқ иши



Баҳоси 35 тийин
индекс 75233.
ISSN 0134—2207